



Құдрат Машарипов

**ХОРАЗМНИНГ ЪРТА ШАРҚ
ВА ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ
САВДО МАРКАЗЛАРИ БИЛАН
ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРИ
(Х–XV АСРЛАР)**

ISBN 978-9943-4705-1-4

9 789943 470514

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кудрат Машарипов

**ХОРАЗМНИНГ ЎРТА ШАРҚ ВА ЕВРОПА
ДАВЛАТЛАРИ САВДО МАРКАЗЛАРИ
БИЛАН ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРИ
(X–XV АСРЛАР)
(монография)**

Ушбу монография УрДУ кенгашининг 2016 йил 28 декабрдаги
4-сонли йизилиши баённомаси қарорига асосан наимр қилишига тав-
сия эттилган.

Урганч – 2016

63.3(5)^Ў

М 34

Кудрат Машарипов. Хоразмнинг Ўрта Шарқ ва Европа давлатлари савдо марказлари билан тарихий алоқалари (X–XV асрлар). Монография. Масъул мухаррир У.Абдуллаев. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Урганч Давлат университети. Урганч, УрДУ ноширилик бўлими, 2016 йил. 132 бет.

КБК 63.3(5)^Ў

УЎК 94(575.171)

Мазкур монографияда ўрта асрлар даври Хоразм савдо марказлари тўғрисида сўз юритилиб, уларнинг Хоразмнинг нафакат Ўрта Осиё, балки жаҳон миқёсидаги ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги ўрни масаласи очиб берилади. Шу билан бирга археолог ва тарихчи олимларнинг тадқиқотлари натижасида Буюк Ипак йўлида турган Хоразмга қандай маҳсулотлар келтирилган ва ба воҳадан нималар четта чикарилганигини аниқлаш имконини берадиган маълумотларнинг тўпланганилиги ҳам муҳим ахамиятга эга бўлди ва мазкур масала ҳам монографияда ўз аксини топган. Монографияда номлари тилга олинган олимлар ва уларнинг қимматли асарларини миннатдорчиллик билан қайд этган ҳолда, шу нарсани таъқидлашимиз керакки, монографияда Хоразм савдо марказлари тўғрисидаги ҳозиргача мавжуд қарашлар кисман археологик ёки топонимик, географик ёки тарихий йўсинда таҳлил килинди. Мазкур монография университетда ҳамда олий ва ўрта-маҳсус таълим музассасаларида Хоразм ва Ўзбекистон тарихи, Манбашунослик ва Тарихшунослик фанларини ўқитиша фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга монография тарих, археология, шаҳар маданияти билан қизиқувчиларга мўлчаданнинган.

Масъул мухаррир

М.Мамбетуллаев, тарих фанлари доктори, профессор

Гафризчилар:

М.Махмудов, тарих фанлари доктори,
профессор,
Қ.Собиров, тарих фанлари номзоди,
доцент

ISBN: 978-9943-4705-1-4 © УрДУ ноширилик бўлими. 2016

© Кудрат Машарипов. Хоразмнинг Ўрта Шарқ ва Европа давлатлари савдо марказлари билан тарихий алоқалари (X–XV асрлар). Монография.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. X–XV АСРЛАРДА ХОРАЗМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА САВДО-СОТИҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ.....	21
1. Марказий Осиёдаги сиёсий-тарихий жараёнлар ва Хоразмда савдо марказларининг пайдо бўлиши.....	21
1.2. Хоразмнинг Марказий Осиё ички савдосида тутган ўрни	52
II БОБ. ХОРАЗМНИНГ КЎЧМАНЧИЛАР ДУНЁСИ ВА ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	64
2.1. Буюк Ипак йўли орқали кўчманчилар билан савдо алоқалари.....	64
2.2. Хоразмнинг Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда Ҳиндистон ва Хитой билан савдо-сотик муносабатлари	71
III БОБ. ХОРАЗМНИНГ ЕВРОПА ДАВАЛАТЛАРИ БИЛАН САВДО-СОТИҚ МУНОСАБАТЛАРИ.....	95
3.1. Ҳазар ҳоқонлиги ва Булғор давлати билан савдо-сотик алоқалари.....	95
3.2. Хоразмнинг Рус давлати билан тижорат алоқалари.....	110
3.3. Шарқ мамлакатларининг Европадаги Византия, Италия, Испания ва бошқа давлатлар билан савдо-сотик муносабатлари ўрнатилишида Хоразм шаҳарларининг ўрни.....	115
ХУЛОСА.....	122
ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ.....	130

КИРИШ

Мустақилликка эришилган дастлабки даврида қўйилган энг буюк мақсад – келажакда Ўзбекистонни дунёнинг энг қудратли ва ривожланган, юксак маданиятли давлатлардан бирига айлантириш бўлди. Бунинг учун, энг аввало, аждодларимиз тарихи ва меросини мукаммал ўрганишимиз, илдизларимиз мустаҳкам ва чинордай қудратли эканлигини англашимиз зарур.

Буюк мақсадга эришиш йўлидаги муҳим омил – мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларини яхшилаш, халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича фойдали ҳамкорликни ривожлантиришимиз билан боғлиқдир. Ушбу йўналишларда амалга ошириладиган ишларнинг юқори самараси асрлар давомида халқимиз тўплаган тажриба, айниқса, савдо-сотик муносабатлари сабоқлари катта аҳамият касб этади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Халқимиз тарихи ва маданияти қадимийдир. Бизнинг мамлакатимиз орқали, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона каби гўзал шаҳарлари орқали Буюк Илак йўли ўтган. Бу йўл Осиё билан Европа ўтасида ишончли маданий ва савдо кўприги бўлиб хизмат қилган. Ҳозир биз шу қадимий Илак йўлини тиклаш ва уни замонавий мазмун билан тўлдириш учун бутун куч-тайратимизни сарфлаяпмиз”¹.

Узок ва яқин ўтмишда Шарқ ва Фарбни боғлаб турган Буюк Илак йўли орқали Турон замини халқлари жаҳон иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан бевосита алоқаларни амалга ошириш имкониятга эга бўлганлар. Узунилиги 12 минг километрдан зиёд бўлган ушбу қадимий йўлнинг тарихини юртимиз ўтмиши билан боғлаб ўрганиш муҳимдир. Чунки Буюк Илак йўлининг каттагина қисми Марказий Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси худудидан ўтган бўлиб, халқимизнинг иқтисодий ҳаётига, уларнинг савдо-сотик ва маданий алоқаларининг кенгайиш жараёнинг жуда катта таъсир кўрсатган. Буюк Илак йўлида жойлашган Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Пойкент, Ҳазорасп, Хива, Гурганч каби шаҳарлар йирик савдо марказлари сифатида дунёда тан олинган.

Натижада, жуда қадимдан шаклланган ва юксак қадриятга айланниб кетган савдо-сотик муносабатлари, урф-одатларида алоҳида

аҳамият касб этган Буюк Илак йўли тарихини ўрганишимиз, уни бугунги кунда қайта тиклаш учун қилинаётган сайди-ҳаракатларни қўллаб-куvvatлашимиз, биринчидан, келажагимиз тараққиёти учун ўта муҳимдир. Иккинчидан, келгусида умумбашарий цивилизациянинг катта йўлига тушиб олиб, дунёнинг энг илғор давлатларидан бирига айланшишга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон учун савдо муносабатлари ва шаҳарларимиз тарихини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Учинчидан, савдо муносабатлари, савдо йўллари ва савдо шаҳарлари тарихини ўрганиш, ўтмишда Шарқ билан Farb халқлари ўтасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатган ҳамда ривожлантирган бу йўллар ва шаҳарлар келажакда ҳам халқларнинг биродарлик, ўзаро ҳамкорлик ва самимий мулоқот йўлига, марказларига айланшишга имкон беради.

Ўзбекистон халқлари тарихий алоқаларининг ривожланшида Хоразм воҳаси ва унинг атрофидаги шаҳарларнинг муҳим ўрни бор. Гурганж (Кўхна Урганч), Хива, Кат, Ҳазорасп, Миздаҳон, Шемахақалья, Замахшар, Ардахушмисан, Шаҳрлик, Пулжой, Бўтроҳон, Жанпикқалъя, Норинжон, Шўраҳон, Дарғонота, Садвар, Жигарбанд, Мадминия, Кардаронхос, Кердор каби кўхна савдо марказларида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида топилган сопол идишлар, танглар ва буюмларга асосланиб, Хоразмда дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчilik билан бир қаторда, савдо-сотик муносабатлари ҳам юксак даражада ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу борада ҳали тўлақонли ўрганилмаган ёзма манбалар ва археологик ёдгорликлар анчагина. Шу сабабдан жуда қадимдан ҳозирги кунгача дунёни мустаҳкам боғлаб турган, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам сиёсий ва маданий жиҳатдан тараққий қилиш учун энг муҳим омиллардан бири бўлган савдо-сотик муносабатларида Хоразм савдо марказларининг тарихини ёритиш келгусидаги халқаро муносабатларнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Ўрта асрларда Хоразмда савдо муносабатларининг ривожланиши ва унинг Буюк Илак йўли билан боғлиқ равишда юксалганлигини ўрганиши натижасида халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлини ўлкашуносликдан пухта билим ва кўнимкаларга эга қилиш зарурияти биз танлаган мавзунинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарблигини асослайди.

Хоразмда савдо-сотик муносабатларининг тараққиёти уни Буюк Илак йўлининг асосий тармоқлари кесишган марказлардан би-

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 366-бет.

КИРИШ

Мустақилликка эришилган дастлабки даврида кўйилган энг буюк максад – келажакда Ўзбекистонни дунёнинг энг кудратли ва ривожланган, юксак маданиятли давлатлардан бирига айлантириш бўлди. Бунинг учун, энг аввало, аждодларимиз тарихи ва меросини мукаммал ўрганишимиз, илдизларимиз мустаҳкам ва чинордай кудратли эканлигини англашимиз зарур.

Буюк максадга эришиш йўлидаги муҳим омил – мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларини яхшилаш, халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича фойдали ҳамкорликни ривожлантиришимиз билан боғлиқдир. Ушбу йўналишларда амалга ошириладиган ишларнинг юқори самараси асрлар давомида халқимиз тўплаган тажриба, айниқса, савдо-сотик муносабатлари сабоқлари катта аҳамият касб этади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Халқимиз тарихи ва маданияти қадимийдир. Бизнинг мамлакатимиз орқали, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона каби гўзал шаҳарлари орқали Буюк Ипак йўли ўтган. Бу йўл Осиё билан Европа ўртасида ишончли маданий ва савдо кўприги бўлиб хизмат қилган. Ҳозир биз шу қадимий Ипак йўлинин тиклаш ва уни замонавий мазмун билан тўлдириш учун бутун куч-гайратимизни сарфлаяпмиз”¹.

Узок ва яқин ўтмишда Шарқ ва Фарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли орқали Турон замин халқлари жаҳон иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан бевосита алоқаларни амалга ошириш имкониятга эга бўлгандар. Узунлиги 12 минг километрдан зиёд бўлган ушбу қадимий йўлнинг тарихини юртимиз ўтмиши билан боғлаб ўрганиш муҳимдир. Чунки Буюк Ипак йўлининг каттагина қисми Марказий Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси худудидан ўтган бўлиб, халқимизнинг иқтисодий ҳаётига, уларнинг савдо-сотик ва маданий алоқаларининг кенгайиш жараёнига жуда катта таъсир кўрсатган. Буюк Ипак йўлида жойлашган Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Пойкент, Ҳазорасп, Хива, Гурганч каби шаҳарлар йирик савдо марказлари сифатида дунёда тан олинган.

Натижада, жуда қадимдан шаклланган ва юксак қадриятга айланниб кетган савдо-сотик муносабатлари, урф-одатларида алоҳида

аҳамият касб этган Буюк Ипак йўли тарихини ўрганишимиз, уни бугунги кунда қайта тиклаш учун қилинаётган сайд-харакатларни кўллаб-куватлашимиз, биринчидан, келажагимиз тараққиёти учун ўта муҳимдир. Иккинчидан, келгусида умумбашарий цивилизациянинг катта йўлига тушиб олиб, дунёнинг энг илгор давлатларидан бирига айланшига ҳаракат қилаётган Ўзбекистон учун савдо муносабатлари ва шаҳарларимиз тарихини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Учинчидан, савдо муносабатлари, савдо йўллари ва савдо шаҳарлари тарихини ўрганиш, ўтмишда Шарқ билан Farb халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатган ҳамда ривожлантирган бу йўллар ва шаҳарлар келажакда ҳам халқларнинг биродарлик, ўзаро ҳамкорлик ва самимий мулокот йўлига, марказларига айланшига имкон беради.

Ўзбекистон халқлари тарихий алоқаларининг ривожланишида Хоразм воҳаси ва унинг атрофидаги шаҳарларнинг муҳим ўрни бор. Гурганж (Кўҳна Урганч), Хива, Кат, Ҳазорасп, Миздаҳқон, Шемахақалья, Замахшар, Ардахушмисан, Шаҳрлик, Пулжой, Бўғроҳон, Жанпикқалья, Норинжон, Шўраҳон, Дарғонота, Садвар, Жигарбанд, Мадминия, Кардаронхос, Кердор каби кўхна савдо марказларида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида топилган сопол идишлар, танглар ва буюмларга асосланиб, Хоразмда дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик билан бир қаторда, савдо-сотик муносабатлари ҳам юксак даражада ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу борада ҳали тўлақонли ўрганилмаган ёзма манбалар ва археологик ёдгорликлар анчагина. Шу сабабдан жуда қадимдан ҳозирги кунгача дунёни мустаҳкам боғлаб турган, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам сиёсий ва маданий жиҳатдан тараққий қилиш учун энг муҳим омиллардан бири бўлган савдо-сотик муносабатларида Хоразм савдо марказларининг тарихини ёритиш келгусидаги халқаро муносабатларнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Ўрта асрларда Хоразмда савдо муносабатларининг ривожланиши ва унинг Буюк Ипак йўли билан боғлиқ равишда юксалганигини ўрганиш натижасида халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлини ўлкашунослиқдан пухта билим ва кўнкималарга эга қилиш зарурияти биз танлаган мавзунинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарблигини асослайди.

Хоразмда савдо-сотик муносабатларининг тараққиёти уни Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқлари кесишган марказлардан би-

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин Т., “Ўзбекистон”, 1996, 366-бет.

рига айланишига асос бўлган. Шарқ давлатлари иерархик тузилишидаги муайян жараён кўп ҳолларда уларнинг иқтисодий имкониятлари ва карvon йўллари билан боғлиқ савдо муносабатлари билан белгиланган. Хоразм шаҳарларининг тараққий қилишида савдонинг аҳамиятини яхши тушунган географлар, тарихчи ва сайёхлар ўз асарларида бу ердаги бозорлар, карvonсаройлар, харид қилинадиган моллар ва карvon йўллари ҳақида мавжуд маълумотларни қайд қилинлар.

Хоразм савдо марказлари ва уларнинг Шарқу Ғарб мамлакатлари орасидаги иқтисодий алоқаларда тутган ўрнини ёритувчи манбаларни бир неча даврларга бўлган ҳолда кўриб чикиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Хусусан, уларни:

1. IX–XIII аср бошларидаги (мўғул истилосигача) араб-форс манбалари.
2. XIII–XVI асрлардаги араб-форс ва европа манбалари.
3. XVI–XVIII асрлардаги форс ва эски ўзбек тилидаги манбалар.
4. XIX асрлардаги рус сайёхлари ва тадқиқотчилари маълумотларига ажратиш мумкин.

Хоразмнинг Араб халифалиги таркибида ва ислом дини ёйилган ҳудуд сифатида қараган кўптина савдогар ва сайёхлар бу ерга келган вақтларида жуда кўп ва тафсилотларга бой маълумотларни тўплашга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Хоразмнинг йирик шаҳарлари ҳақида маълумотларни ўз асарларига киритган тарихчи ва географлар қаторида Ибн Рустанинг “Китоб ал-алоқ ан-нафиса”,¹ Ал-Яъкубийнинг “Китоб ал-булдон” (“Мамлакатлар ҳақида китоб”),² Абу Бакр ал-Балазурининг “Китоб ал-футух ал-булдон” (“Мамлакатларнинг забт этилиши ҳақида китоб”),³ Ибн Хордадбехнинг “Китоб ал-масалик ва-л-ул-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”),⁴ Табарийнинг “Тарих ар-русл ва-л-мулук” (“Пайгамбарлар ва подиоҳлар тарихи”),⁵ Ибн Фадланнинг “Рисола”,¹ Абу

¹ Ибн Русте. Китоб ал-алоқ ан-нафиса, часть VII. Материалы по истории туркмен и Туркмении (далее: МИТТ). Т. I, М.–Л., 1939, с. 150.

² Kitab al-alak an-nafisa auctore Abu Ali Ahmed ibn Omar ibn Rosteh et Kitab al-Buldan auctore Ahmed ibn Abu Jakub ibn Wadhih al-Katib al-Jakubi (ed. M.J. De Goeje), edit. 2, Lugduni Batavorum, 1892 (BGA, VII), p. 231–373.

³ Ал-Балазур. Китоб футух ал-булдан (текст 431). МИТТ, Т. I, М.–Л., 1939, с. 71, 74, 76, 78.

⁴ Ибн Хордадбех. Китаб ал-масалик ва-л-мамолик (текст, 38). МИТТ, т. I, М.–Л., 1939, с. 145–146; Ибн Хурдадбех. Книга путей и стран. Перевод с арабск., комм., иссл., указ. и карты Н.Велихановой. Баку, «Элъю», 1986.

⁵ Chrohigue de Tabari traduite sur la version persane d’Abou Ali Mohammad Bel-ami par M.N. Zofen Berg. Paris, 1867; V, IV; Тарихи Табарий. Т., «Фар», 1987.

Райхон Берунийнинг “Осор ул-бокия ал-ҳкурун ал-ҳолия” (“Қадимги ҳалклардан қолган ёдгорликлар”) ва “Геодезия” асари,² Ал-Истаҳрийнинг “Китоб ал-масолик ва-л-ул-мамолик” (“Мамлакатларга бориладиган йўллар ҳақида китоб”),³ Ал-Мақдисийнинг “Аҳ-санат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (“Иқлиmlарни ўрганиш учун энг яхши кўлланма”),⁴ Ибн Ҳавкалнинг “Китоб ул-масолик ва-л-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”)⁵ каби ноёб асарларини қайд қилиш мумкин.

Хоразм савдо марказлари ҳақида маълумот берувчи биринчи даражали ва бебаҳо манбалар орасида Истаҳрий ва Макдисий асарлари, айниқса, ажралиб туради. Чунки улар Хоразм савдо марказларининг тавсифи, воҳанинг иқтисодий географияси, шаҳарлари ва қишлоқларидаги савдо муносабатлар, бозорлар ва карvonсаройларни тасвирилашга катта ётибор беришган.

Хоразмдаги XI–XIII асрлардаги савдо муносабатлари тўғрисида қизикарли маълумотлар Ас-Саолибийнинг “Латоиф ул-маориф” (“Ажойиб маълумотлар”),⁶ Ибн ал-Асирийнинг “Ал-Комил фит-тарих” (“Муқаммал тарих”),⁷ ас-Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб” (“Машхур кишилар ҳақида китоб”),⁸ Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Мульжам ал-булдон” (“Мамлакатлар рўйхати”)⁹ каби асарларида мавжуд. Хусусан, Ёқут Ҳамавийнинг “Мамлакатлар рўйхати” китоби бошқа географик манбаларга нисбатан аниқ маълумотлар мавжудлиги билан ажралиб туради.

XI–XIII асрларда Хоразмдаги савдо муносабатлари форс тилида ёзилган манбаларда ҳам акс эттирилган. Улар орасида энг қимматлиси ва муҳимлари – Маҳмуд Гардизийнинг “Зайн ул-ахбор”

¹ Ибн Фадлан. Путешествие Ибн Фадлана на Волгу. Перевод и comment. А.П.Ковалевского. Под ред. акад. И.Р.Крачковского. М.–Л., 1939; Изд. 2-е. Харьков, 1956; МИТТ, т. 2, М.–Л., 1939, с. 155–158, 161.

² Бируний Абу Райхон. Определение границ, мест для уточнения расстояний между населенными пунктами (Геодезия). Избр. произв., т. 3, Т., «ФАН», 1966; Абу Райхон Беруний. Таинлаган асарлар. I жицц. Т., «ФАН», 1968.

³ Ал-Истаҳри. Китаб месалик ал-мемалик. МИТТ, т. I, М.–Л., 1939, с. 176–181.

⁴ Ал-Мақдиси. Ахсан ат-такасим фи маърифат ал-ақолим. МИТТ, т. I, М.–Л., 1939, с. 185–189.

⁵ Ибн Ҳавкал. МИТТ, т. I, М.–Л., 1939, с. 183–186; Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абул-Касыма Ибн Ҳавкаля. Труды САГУ. Новая Серия. Вып. 11, Т., изд. САГУ, 1957.

⁶ Бартолдь В.В. Түркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т.1. Т., «Наука», 1963; As-Sa’libi. Lataif-i-shar’iyyat. Ed.M.J.Goeje. Bibliotheca Geographorum Arabicorum (BGA). Lugduni: Batavorum, 1867.

⁷ Ибн ал-Асири. Ал-Камил фи-т-тарих. МИТТ, т. I, М.–Л., 1939, с. 358, 361–364; 367, 371–373; 383–384.

⁸ Ас-Сам’ани Абу Са’д. Китоб ал-ансоб. МИТТ, т. I, М.–Л., 1939, с. 327, 331, 334, 337–339; 340–343.

⁹ Йақут ал-Ҳамави. Му’жам ал-булдан. МИТТ, т. I, М.–Л., 1939, с. 409–438.

(“Тарихлар безаги”),¹ Абулфазл Байхакийнинг “Тарихи Масъудий”,² номаълум муаллиф қаламига мансуб “Худуд ал-алам” асарлари³ ҳисобланади. Ушбу асарларда Хоразм савдо марказларига таъриф бериб ўтилиши билан бирга, воҳанинг кўшини ўлкалар ва қўчманчилар дунёси билан савдо-сотик муносабатлари, карvon йўллари тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Умуман, барча манбаларда мўғул босқинига қадар Хоразм Шаркнинг энг тараққий қилган, шаҳарлари кўп, дехқончилиги, чорвачилиги, хунармандчилиги, савдо-сотик алоқалари ривожланган ҳудудлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилади.

Мўғул-татарлар хуружи натижасида Хоразмнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти бироз таназзулга кетди. Аммо тез орада воҳа ахолисининг яратувчалик меҳнати савдо марказларининг тикланишига имкон берди. Айниқса, воҳанинг Олтиң Ўрда таркибига кирган шимолий қисми сезиларли даражада тез ривожлана бошлади. Ўрта асрлар муаллифлари асарларида Хоразм савдо шаҳарлари орасида Урганч энг бой ва иқтисодий мавқеи баланд марказ сифатида тилга олинади. Бу борада Европа олимларининг маълумотлари ҳам эътиборни тортади. XIII–XIV асрлар давомида турли сабабларга кўра, Хоразмда бўлган европалик сайёҳлар Плано Карпини (1246 йилда келган), aka-ука Пололар (1260 йилда келган), итальян савдогари Франческо Бальдуччи Пеголетти (1340 йилда келган) асарларида Хоразм шаҳарлари тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд.⁴ Европа ва араб манбаларининг барчасида Хоразмнинг савдо марказлари, жумладан, Урганчининг ўз даврида ривожланган, энг иирик ва бой шаҳарлардан бўлганлиги таъкидланган. Маълумотларнинг характерли ва қимматли жиҳати шундаки, муаллифларнинг аксарияти ўз даврида Хоразмда бўлган ва кўрган-билганлари ҳакида ёзганлар. Жумладан, 1333 йилда Хоразмга келган араб сайёҳи Ибн Баттуга ўзининг “Тухфат ан-нуззар фи гаройиб ал-амсар ва-л-ажойиб ал-афсар” (“Гаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафар-

¹ Гардизи. Китаб зайн ал-ахбар. МИТТ, т. 1, М.–Л., 1939, с. 228; Бартольд В.В. Извлечения из сочинения Гардизи «Зайн ал-ахбар». Сочинения, т. 8, М., «Наука», 1973; Абу Сайд Гардизи. Зайн ал-ахбар. Украйни известий. Пер. с персидского А.К.Арендса. Т., «ФАН», 1961.

² Абу-л-файз Байхаки. История Мавсуда. М., «Наука», 1969.

³ Худуд ул-алем. МИТТ, т. 1, М.–Л., 1939, с. 209–210; 216–217.

⁴ Плано Карпини Дж. История Монголов; Рубрук Г. Путешествие в восточные страны. Пер. А.И.Мелейна. М.: «Наука», 1957, с. 46; 209; Книга Марко Пуло. Пер. И.И.Минаева. М., «Наука», 1950, с. 20; Пеголетти Ф.Б. Практический указатель торговцев. Под ред. А.Эланса. Кембридж-Массачусетс, 1936, с. 22 (на анг. языке); Рихард Хенинг. Неведомые земли. М., «Иностранныя литература», 1962, с. 211.

лар томошаси ҳакида тухфа”) асарида воҳанинг савдо шаҳарлари тўғрисида аниқ маълумотларни бера олган.¹

Хоразмнинг Темур империяси таркибиغا қўшиб олиниши ва ўз мустақиллигини йўқотиши натижасида савдо-сотик муносабатлари сезиларли даражада сусайиб қолди. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи ахбари Темур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) асарида Хоразм XIV асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳудудлардан бири бўлганлиги ва Темур юришларидан сўнг инқироз ҳолатига тушганлиги ҳаққоний қайд қилиб ўтилади.²

XIII–XV асрларда мавжуд бўлган Хоразм савдо марказлари тўғрисида маълумот берувчи иккинчи гуруҳ манбалар ўрта асрда ёзилган асарлар ёки ўзгалар ҳикоялари асосида маълумотларга таянган ҳолда яратилган. Улар қаторида машҳур форс географи Ҳамдulloҳ Муставфий Қазвииининг “Нузҳат-ул-кулуб” (“Қалблар ороми”),³ Шаҳобиддин ал-Умарийнинг “Китоб ал-масалик ал-абсар ва-л-мамолик ал-амсар” (“Гурли мамлакатлар давлатлари бўйлаб ўтган йўллар”),⁴ Абдурашид ал-Бақувиининг “Китоб ат-талхис ал-асар ва-л-ажойиб ал-малик ал-қаҳҳор” (“Буюк подшонинг мўъжизалари ва ёдгорликлари ҳакидаги китобнинг қисқартмаси”) номли асарлари мавжуд.⁵

Ҳамдulloҳ Қазвииий ўз асарида Хоразмнинг XIV асрдаги географик ҳудуди, иқтисодиёти, иирик шаҳарлари ҳакида маълумотлар келтириш билан бир қаторда, воҳани Эрон давлати билан боғловчи карvon йўллари ва улардаги манзиллар, масофалар тўғрисида ҳам сўз юритади. Ал-Умарий ва ал-Бақувиий асарларида эса кўпроқ Хоразмда мавжуд бозорлар, бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари, нарх-наво, товар-пул муносабатлари, шаҳарларидағи хўжалик ҳаёти тўғрисида маълумотлар бор.

XIV–XV асрлар Хоразм савдо шаҳарлари ва уларнинг хўжалик ҳаёти ҳакидаги маълумотлар Низомиддин Шомий,⁶ Шароғидлик ҳаёти тўғрисида маълумотлар бор.

¹ Иброҳимов Н. Ибн Баттуга ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. Т., «Шарқ баъзи», 1993, 58–63-бетлар.

² Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тархи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Т., «Мехнат», 1992.

³ Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и нызовых Амуудары с древнейших времён до XVIII в. Соч., т. 3, М., «Наука», 1963, с. 46, 51–54; Его же: Дорожник от Бистама до Кумы Ургенча. Соч., т. 3, М., «Наука», 1963, с. 260–263; Ҳамдаллаҳ Қазвиии. МИТТ, т. 1, М.–Л., 1939, с. 510–511.

⁴ Тизентгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Извлечения из арабских сочинений. СПб., 1884, т. 1, с. 207–208; Иброҳимов Н. Ибн Баттуга ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати, 21-бет.

⁵ Абд ар-Рашид ал-Бақуви. Китаб ат-талхис ал-асар ва-л-аджайаб ал-қаҳҳор. М., «Наука», 1971.

⁶ МИТТ, т. 1, М.–Л., 1939, с. 514–523; Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., «Ўзбекистон», 1996.

дин Али Яздий,¹ Абдураззок Самарқандий,² Ҳофизи Абрў,³ Ҳондамир⁴ каби темурийлар даври тарихчиларининг асарларида ҳам учрайди. Жуда мураккаб бир даврда яшаган юқоридаги музаллифларнинг асарларидаги маълумотларни бошقا манбаларга солиштирган ҳолда улардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидлаш керак.

XIV–XV асрларда тузилган Европа хариталарида Хоразмда мавжуд шаҳарлар тўғрисида маълумотлар учрайди. Жумладан, 1367 йилда ака-ука Франциско ва Доменико Пициганилар чизган харитада Урганч шахри, 1375 йилда чизилган “Каталон атласи”да – Урганч, Миздаҳқон, Хива шаҳарлари, Венеция космографи Фра-Мауронинг 1459 йилда чизган харитасида – Урганч шахрининг ўрни кўрсатиб ўтилган. Хоразмнинг географик ўрнини белгилаган бу дастлабки хариталар ёзма маълумотларни аниқлаштириш ва тўлдиришига ёрдам беради.⁵

Мўғул-татарлар истилоси ва темурийлар даврида Хоразмда мавжуд бўлган шаҳарлар ва уларнинг кўп қиррали ҳаёти ҳақида маълумотлар Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарида келтирилган. 20 йил Хива кони бўлган музаллиф Вазир, Хива, Ҳазорасп, Бўлдумсоз, Миздаҳқон, Тирсак ва Кумкенд каби шаҳарлар аҳолисининг турмуши, хунармандчилиги, кенгайиб бораётган савдо-сотик алоқаларини ёритган.⁶ Бу ҳақда 155–1558 йилларда Хоразмнинг Вазир ва Урганч шаҳарларида бўлган инглиз савдо агенти Антони Женкинсоннинг сафарномаси⁷ ва XVII аср музаллифи Маҳмуд ибн Вали ўзининг машҳур географик асарида ҳам бевосита сўз юритгандар.

Умуман олганда, араб-форс, европа ва эски ўзбек тилидаги манбаларда Хоразмнинг IX–XV асрларда мавжуд бўлган савдо марказлари тўғрисида маълумотлар берилган бўлса-да, улар воҳа ша-

¹ МИТТ, т. 2, М.–Л., 1938, с. 155–168; Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т., «Фан», 1972.

² МИТТ, I, М.–Л., 1939, с. 531–535; Абдураззок Самарқандий. «Магла’ус-садайн ва-л-мажма’ул-баҳрайн». Т., «Фан», 1969.

³ Бартольд В.В. Ҳофизи Абрў и его сочинения. Соч., т. 8, М., «Наука», 1973.

⁴ Ҳондамир. История монголов. Пер. с. персидского В.Григорьева. СПб., 1834.

⁵ Егоров В.Л. География городов Золотой Орды. «Советская археология» (СА), 1974, №1, с. 123; Брун Ф. Переход Каспийского моря по картам XIV столетия. ЗНУ, т. 9, 1879, с. 23–25 и. карты. Чекалин Ф.Ф. Нижнее Поволжье на карте космографа XV в. Фра-Маура. ТСУАК. т. II, вып. 2, Саратов, 1890.

⁶ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. Т., «Чўлоню», 1992, 122–125-бетлар.

⁷ Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558–1560 гг. В сб.: «Английские путешественники в Московском государстве в XVI в.». Л., «Наука», 1938.

⁸ Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География). Введение, пер., примеч., указатели проф. Б.А.Ахмедова. Т., «Фан», 1977.

ҳарларининг хўжалик ҳаёти, ўлкада тутган мавқеи ҳақида тўлақонли ва аниқ маълумотларни бера олмайди. Бу борада XIX асрдан бошлаган Россия ва европалик тадқиқотчиларнинг Хива ҳонлигини ўрганиш учун қилган саъӣ-ҳарақатларини қайд этиш лозим. Чор Россияси ва Буюк Британиянинг Ўрта Осиёга эътибори ортиб бориши билан ўлкага географлар, тарихчилар, элчилар, ҳарбий топографлар, этнографлардан иборат илмий экспедициялар кела бошлиди. Улар Хоразмга олиб борадиган йўллар, бу ердаги қалъа ва қўргонлар, воҳанинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни тўплашди. Натижада келгусида Хива ҳонлигини истило қилиш ниятида бўлган рус сиёsatчилари ўзлари билган ҳолда, Хоразмнинг кўхна тарихига ҳам эътибор қаратишга мажбур бўлдилар. Натижада, рус географ, этнограф, тарихчи, рассом, ҳарбий топограф ва сайёхлари қаторида Хоразм воҳаси ва унинг атрофидаги худудларни ўрганган А.В.Бутаков,¹ Г.И.Данилевский,² В.В.Григорьев,³ Н.И.Веселовский,⁴ В.В.Бартольд,⁵ В.Г.Тизенгаузен,⁶ А.Л.Кун,⁷ А.Н.Самойлович,⁸ М.И.Иванин,⁹ В.Вельяминов-Зернов,¹⁰ М.Н.Галкин,¹¹ Н.В.Ханыков,¹² А.И.Левшин,¹³ П.И.Небольсин¹⁴, Н.С.Никитин,¹⁵ А.В.Каульбарс¹⁶ каби олим ва ўлкашу-

¹ Бутаков А.В. Дельта и устье Аму-Дарьи. Отечественные записки, 1866, кн. 1.

² Путешествие Г.Базинера через киргизскую степь в Хиву. ЗРГО, вып. 4. кн. V, СПб., 1849.

³ Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства. ЗРГО, кн. V, СПб., 1861.

⁴ Григорьев В.В. Описание Хивинского ханства и дорога туда из Сарычковой крепости. ЗРГО, №2, СПб., 1861.

⁵ Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. СПб., 1877.

⁶ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху мангольского нашествия. Соч., т. 1, М., 1963, с. 197–211; Его же: Сведения об Арыльском море и низовьях Амудары с древнейших времен до XVI в. Соч., т. 3; Его же: К истории орошения Туркестана. Соч., т. 3 и другие работы.

⁷ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т.1. Извлечения из сочинений арабских. СПб., 1884.; Его же: Т. 2. Извлечение из персидских сочинений. М.–Л., 1941.

⁸ Кун А.Л. Культура оазиса низовьев Аму-дарьи. МСТК, вып. IV, СПб., 1886.

⁹ Самойлович Н.А. Краткий отчет о поездке в Ташкент и в Бухару и в Хивинское ханство прикомандированного Университетом и русским комитетом приват-доцента Самойловича в 1908 г. ИРКСА. СПб., 1909, № 19, с. 15–29.

¹⁰ Иванин М.И. Хива и река Амударя. СПб., 1873.

¹¹ Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о киргиз-кайсацах и сношениях России со Средней Азией со времени кончины Абулхаирхана (1748–1765 гг.). Т. 1, Уфа, 1853.

¹² Галькин М.Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. СПб., 1868.

¹³ Ханников Я.В. Пояснительная записка к карте Арыльского моря и Хивинского ханства с ее окрестностями. ЗРГО, кн. V, СПб., 1851.

¹⁴ Левшин А.И. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч. 1, СПб., 1832.

¹⁵ Небольсин П.И. Очерки торговли России со Средней Азией. ЗРГО, кн. X, СПб., 1855.

¹⁶ Накитин С.Н. Отчеты экспедиции 1892 г. в. Зауральские степи Уральской области и Усть-Урт. СПб., 1893.

¹⁷ Каульбарс А.В. Низовья Амудары. Описания по собственным исследованиям в 1873 году. ЗРГО, т. 1A, СПб., 1875.

нослар илмий аҳамиятга эга бўлган бир қатор нодир асарларни яратдилар. Рус тарихчи олимларидан Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд китобларида X-XV асрларда Хоразмда мавжуд шаҳарларнинг ҳаётини танқидий ўрганишга интилиши яққол сезилиб турибди.

XIX асрнинг II ярмида рус олимлари билан бир қаторда, Ўрта Осиёга Европа олимларининг ҳам эътибори кучайди. Деярли барча тадқиқотчилар ўлка ҳаётининг муҳим қисми бўлган Хоразм воҳаси ва унинг савдо-сотик муносабатларини четлаб ўта олмадилар. Жумладан, руслар истило қилган Туркистон ҳақида асар ёзган инглиз Г. Лансделл Хоразмнинг тарихий ёдгорликлари тўғрисида байзи бир маълумотларни келтирган.¹ Мусулмон дунёсининг шарқида жойлашган давлатлар ёдгорликларига бағишиланган асар ёзган Г.Ле Стрэнж Хоразм шаҳарларини ҳам тасвиirlаб ўтади ва китобига иловава сифатида берган харитасида Журжон (Урганч), Кат, Миздаҳқон, Ҳазорасп, Хива шаҳарлари, воҳага олиб борадиган йўлларда мавжуд бўлган бир нечта карvonсаройлар ва манзилгоҳларни кўрсатиб ўтган.² 1875 йилда Лейденда Амударё ҳақида китоб нашр килдирган голланд шарқшуноси де Гуе ҳам Хоразмда мавжуд савдо-сотик марказлари ҳақида маълумотлар берган.

Марказий Осиё давлатлари тарихини ўрганишда таникли бошқирд сиёсий арбоби Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг мероси катта қизикиш уйғотмоқда. Кўп йиллар большевикларнинг мағкурасига қарши курашган ва Туркистон тарихини холисона ёритишга уринган Заки Валидий кўргина олимларнинг асарларида йўл кўйилган хатоларни тўғирлашга муваффақ бўлган. Ҳусусан, у шарқшунос В.В.Бартольд ва М.Томашек X-XV асрларда Хоразмда мавжуд бўлган савдо марказлари топонимик номларини ўқиши борасида ноаникликларга йўл кўйганлигини кўрсатиб ўтган. Жумладан, В.В.Бартольд Нузвар шахри номини Ҳадравар, Нуфузравар шахрини – Буран, Варан шахрини – Раван, Буруздум шахрини – Саворон Бирзум ёки Бурзун сифатида ўқиши мумкинлигини аниқ билмаганигини ёзади.⁴

¹ Lansdell H. Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv. Vol. I-II, London, 1885, p. 314-347.

² Le Strange G. The Lands of the Eastern Caliphate, Cambridge, 1905, p. 446-459.

³ De Goeje M.J. Das alte Bett des Oksus Amu-darja. Leyden, 1875.

⁴ Ibn Fadlan's reisebericht von A.Zeki Validi Togan. Leipzig, 1939; Шигабиддинов Р. Неизвестные страницы А. Валидий. Перевод с башкирск. языка Д.Рашитова. "Ўзбекистон тарихи", 2000, №1-2, 57-70-бетлар.

Россия ва Европа олимлари томонидан XIX аср ва XX аср бошларида олиб борилган тадқиқотлар Хоразмнинг йирик шаҳарлари тарихини ўрганиш борасидаги ўзига хос янги босқич бўлганлигини тан олиш керак. Айни вақтда, мазкур тадқиқотларни Хоразм шаҳарлари ва уларнинг жаҳон савдосида тутган ўрнини холисона ёритиш ўйлидаги дастлабки уриниш сифатида баҳолаш мумкин, холос.

XX асрнинг 20-30-йилларида Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихини чукур ва ҳар томонлама ўрганиш мақсадида янги – дадил қадам кўйилди. Пролетариат диктатурасини асослашга қаратилган коммунистик мағкуранинг кучайиб бораётгандиги ва тарихан қолоқ деб хисобланган ҳалқларнинг ўтмишини ўрганишга менсимаслик билан қарашга олиб келган буюк рус шовинизми тугатилмаган бир вақтда, прогрессив дунёқарашга эга бўлган бир гурух олимлар Хоразмнинг буюк ўтмишини ўрганиш зарурлигини ҳар томонлама асослашга эришидилар. Натижада 1928-1929 йилларда А. Ю.Якубовский раҳбарлигидаги экспедиция Урганч (Кўхна Урганч), Хўжаэли шахри яқинидаги Миздаҳқонқалъада археологик изланишлар олиб борди. Экспедиция аъзолари мазкур шаҳарлардаги барча муаммоларни комплекс равишда тўла ўрганишга эриша олмаса-да, илк бор Урганч ва Миздаҳқон шаҳарлари топографиясини илмий жиҳатдан асослаб беришга муваффақ бўлинди.¹

Хоразмнинг ўрта асрларда йирик савдо маркази бўлган Замахшар ҳаробаларини 1934 йилда М.В.Воеводский бошлиқ археологик экспедиция текшириди.² 1936-1937 йилларда Я.Ф.Гуломов раҳбарлигидаги олимлар гурухи Гулдурсунқалъа ва Норинжонқалъа ҳаробаларини ўрганди.³ Олимларнинг меҳнати эвазига тўпланган маълумотлар мазкур қалъаларнинг Хоразм тарихида жуда чукур илдизлари мавжудлиги, воҳанинг ўзбек давлатчилигидаги бебаҳо хиссаси борлигини кўрсатиш билан бир қаторда, олимларни янги археологик тадқиқотларга сафарбар этди.

Хоразмнинг қадимги тарихи ва унинг ўрта асрлардаги савдо-сотик марказлари ҳаётини ўрганиш борасидаги изчил тадқиқотларни бошланиши 1937 йилда ташкил этилган Хоразм археологик-

¹ Якубовский А.Ю. Городище Миздахкан. «Записки коллекции востоковедов», т. V, Л., 1930; с. 551-591; Его же: Раввалины Урганча. ИГАИМК, вып. 2, т. VI, Л., 1930.

² Voyevodsky M. A Summary Report of a Khvarizm Expedition. BAIAA, 1938, №3.

³ J.Gulom. O'tmush izlari. "Galiston", 1937, №4.

этнографик экспедицияси фаолияти билан узвий боғлиқдир. Тинибтинчимайдиган, 30 ёшлик археолог ва этнограф олим – Сергей Павлович Толстов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу илмий жамоа 40 йилдан ортикроқ вақт давомида Хоразм воҳасининг күм барханлари (тепаликлари) остида қолиб кетган тарихий ёдгорликлари, қалъя ва шахарлари, карвонсаройлари, сугориш иншоотлари, Орололди ҳудудида яшаган ҳалқларнинг этник шаклланиш жараёнларини илмий жиҳатдан комплекс ўрганди.¹ Тарихий ёдгорликларни ўрганишга археолог ва этнографлардан ташқари, географлар, геоморфолог, антрополог, тупроқшунос, зоолог, биолог, тишишнуос ва ершунослар таклиф этилиши натижасида жуда катта илмий асарлар яратилди, ноёб хулосалар шаклланди.

Экспедиция аъзолари ўрга аср ёзма манбаларida кўрсатиб ўтилган Хоразм шаҳарлари билан бир қаторда, илгари қайд этилмаган жуда кўп янги ёдгорликларни аниқладилар. Изланишлар вақтида кузатишлар самолётлар ёрдамида олиб борилганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки пастдан тўла кузатилиши мушкул бўлган қадимги шаҳар ва қишлоқларнинг қолдиқлари, тепадан текширганда уларнинг жойлашиши ва топографиясини аниқлаш имкониятини ошириди.² Шу ўринда, Хоразмнинг баъзи йирик савдо марказларида олиб борилган археологик тадқиқотлар солномасини кўрсатиб ўтиши жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Хоразм археологик-этнографик экспедицияси аъзолари Урганчда (Кўхна Урганчда) илгари олиб борилган текшириш натижаларидан хабардор бўлсалар-да, 1952 йилда шаҳарни комплекс ўрганишни бошладилар. Текширишлар вақтида ўрга асрларда ёк шаҳарда жуда катта бозор, савдо расталари, карвонсаройлар бўлганлиги аниқланди.³ 1957 йилда экспедиция аъзолари йирик савдо марказларидан бири – Шемахақалъада археологик тадқиқотлар бошлашиди. Бу ишга бевосита раҳбарлик қилган Н.Н. Вактурская ининг маълумотларига караганда ўрга асрларда мазкур шаҳарда жуда кўп хунармандчилик устахоналари мавжуд бўлган ва усталининг маҳсу-

¹ Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948, с. 33, 156, 157, 168–170; Его же: По следам древнехорезмийской цивилизации. — М.-Л., 1948, с. 308–315; Его же: По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962, с. 246–295.

² Итиза М.А. Охраняные археологические работы в Хорезме. Итоги и перспективы. СЭ, 1984, №1.

³ Вактурская Н.И. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. ТХАЭЗ, т. II, М., «Наука», 1958; Толстов С.П. Хоразмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1947 г. ИАН СССР. СИФ, т. V, №2. М., 1947, с. 182–192.

лотлари савдо-сотикида алоҳида ўрин тутган.¹ 1958–1961 йиллар давомида Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзолари Шаҳрлик, Пулжой, Буғроҳон, Мунҷоқли, Замахшар, Тупрокқалъа, Ёрбакирқалъа ва Ҳазорасп каби савдо шаҳарларини ҳам ўрганиб чиқдилар.²

Х–XV асрларда Хоразмда мавжуд бўлган шаҳарлардаги савдо-сотик алоҳалари тарихини изчил ўрганишининг учинчи босқичи 1958 йилдан, яъни Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали таркибида “Археология” бўлимишининг ташкил этилишидан бошланди. Нукусда яшаётган бўлим олимлари, асосан, баҳор, ёз ва куз ойларида Москвадан келиб ишлайдиган Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзоларидан бироз мустақил ҳолда ва кенг қамровли археологик тадқиқотлар ўтказа бошлашиди. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Тарих, археология ва этнография институти Археология бўлимида ишлаётган бўлиб, кўпгина диссертация мавзулари ҳам Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги археологик тадқиқотлар муаммоларига бағищланди.³ Натижада X–XV асрлардаги Хоразмнинг савдо марказлари тўғрисидаги маълумотларни яна-да аниқлаштириш ва кенгроқ тўғлаш имконияти яратилди.

Қорақалпоқ археологларининг эътибори X–XV асрларда Хоразмнинг энг йирик савдо марказларидан бири бўлган – Миздаҳқонқалъа тарихий ёдгорлигини ўрганишга қаратилди. Бу шаҳарда 1962, 1964–1965 ва 1966 йилларда изчил археологик тадқиқотларни амалга оширишга Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институти катта илмий ходими В.Н. Ягодин раҳбарлик килди. Олиб борилган изланишлар натижасида Миздаҳқонқалъа кўп йиллар давомида Хоразмнинг Гурганждан кейинги йирик савдо маркази бўлганлиги илмий жиҳатдан тасдиқланди.⁴

¹ Вактурская Н.И. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемахакала. ТХАЭЗ, т. I, М., 1952, с. 173–192.

² Вактурская Н.И. О средневековых городах Хорезма. МХЭ, вып. 7, 1963; Вишневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях левобережного Хорезма. МХЭ, вып. 7, М., 1963; Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958–1960 гг. МХЭ, вып. 6, М., 1963.

³ Гудкова А.В., Ягодин В.Н. Археологические исследования в правобережной части дельты Амуударьи в 1958–1959 гг. МХЭ, вып. 6, М., 1963; Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Амуударьи. МХЭ, вып. 7, М., 1963 и другие работы.

⁴ Ягодин В.Н. К Изучению топографии и хронологии древнего Миздахкана. В кн. История, археология и этнография Средней Азии. М., 1968; Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. Т., «Фан», 1970.

1963, 1968–1971 йиллар давомида археолог Ю.П.Манылов рахбарлигидаги Қорақалпоқ археологик экспедицияси аъзолари Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Катқалъа, Абу Муслим-қалъа, Жанпик-қалъа ёдгорликларини ўргандилар.¹ Олимларнинг изланишлари натижасида бир вақтлар араб сайёхи Ибн Баттута таъкидлаган, “ўнг қирғоқ Хоразмдан то Бухорога қадар Катдан бошқа шаҳар йўқ”, деган маълумот ҳақиқатга тўғри келмаслиги исботланди.

Тинимсиз олиб борилган археологик тадқиқотлар самараси ўлароқ, топилган жуда бой материаллар, айниқса, Олтин Ўрда тангалиари шуни кўрсатадики, мўғул босқинидан кейинги қисқа вақт оралиғида Хоразмнинг ўнг қирғоқ савдо шаҳарлари ўз қаддини тиклаб олганлар. Шу билан бирга, Хоразм савдо марказларининг хеч бири X–XIII асрлардаги юқори мавқега ета олмаганилиги ҳам тасдиқланди.

Қорақалпоқ археологларининг изланишлар доираси, айниқса, XX асрнинг 70–80-йилларида мислсиз даражада кенгайди. Натижада, айрим тарихий ёдгорликларни бир неча боскичда комплекс рашида ўрганиш, улар ҳакида тўплланган маълумотларни умумлаштириш, мақола, тўплам ва монографиялар сифатида чоп этиш ишларига эътибор қаратилди. Жумладан, 1973, 1978–1981, 1981–1983, 1985–1987 йилларда Жанпик-қалъада, 1973–1974 йилларда Ваянган (Ардахушмисан)да, 1980, 1985, 1986–1987 йилларда Миздаҳқонда олиб борилган археологик тадқиқотлар Хоразм савдо шаҳарлари топографияси, уларнинг хўжалик ҳаётини бир оз аниқлаштириш билан бирга, ўз даврида мавжуд бўлган савдо алоқаларининг ўналишларини, Хоразмга (Эрон, Афғонистон, Волга бўйлари ва ҳоказо) қандай маҳсулотлар келтирилгани ва воҳадан қандай моллар қўşни давлатларга чиқарилганлигини бироз аниқлаштириш имконини берди.²

Хоразм савдо марказлари тарихи, уларнинг хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ахолисининг турмуши даражасини ўрганиш во-

¹ Манылов Ю.П. К изучению городища Кят. «Вестник» ККФАН УзССР, 1966, №2; Манылов Ю.П., Ходжайов Т.К. Средневековый мавзолей Джанпик-кала. «Вестник» ККФАН Уз ССР, 1972, №2; Манылов Ю.П. Археологические памятники Султануззода эпохи античности и средневековья. Автореф. дисс.... канд. ист наук. Т., 1973.

² Мамбетуллаев М.М., Кдырниязов М. Городище Воянган. Археология Приаралья, вып. 1, Т., «Фан». 1982; Манылов Ю.П., Кдырниязов М. Городище Джанпик-кала. Археология Приаралья. Вып. 2, Т., «Фан», 1984; Кдырниязов М. Городище Миздаҳкан в золотоордынское время. XI НГК, тезисы докладов и сообщений. Нукус, 1987 и другие работы.

ҳани бевосита ташқи дунё билан боғлаб турган карvon йўллари ва уларнинг йўналишини ўрганишни ҳам тақозо қиласди. Шу боис XX асрнинг 30–90-йилларида Хоразмни якин ва узоқ ўлкалар билан боғлаб турган бир қанча карvon йўлларидағи қалъа ва истеҳкомларни ҳам археологик тадқиқ қилиш ишларига алоҳида эътибор берилди. Олимлар Хоразм шаҳарларидағи савдогарларни кўчманчилар ва Шаркий Европа давлатлари билан боғлаб турган – Устюорт платосидан ўтган йўлга жиддий эътиборни қаратдилар. Шу ҳолатни ҳам таъкидлаш лозимки, Устюорт орқали ўтадиган ва ўзига хос жуда катта қийинчиликлар мавжуд бўлган йўл ҳакида рус географлари, ҳарбийлари, элчилари ва сайёхлари XIX асрда ёки кизиқарли маълумотлар қолдирганлар. Жумладан, улар Устюортда кўплаган минора, карvonсарой ва сардоба ҳаробаларига дуч келганилиги, ушбу ёдгорликларнинг ўзига хос белги ва хусусиятларини тасвирилашга ҳарарат қилганлар.

Устюортдаги карvon йўлларини ўрганиш мақсадидаги изчил тадқиқотлар Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзолари томонидан 1946 йилда бошланди. Бу ерда мавжуд бўлган қадимги карvonсаройларнинг чўзилиб кетган ҳаробалар тизими Хоразмнинг, Россиянинг Волгабўйлари ва Уралолди ҳудудлари, қолаверса, Европа мамлакатлари билан карvonлар ёрдамида савдо-сотиқ алоқаларини мустаҳкамлаб турганлиги археологик маълумотлар асосида тўла исботланди, Устюортдаги Булоқ, Кусбулоқ, Беловли, Чурук ва Учкудуқ карvonсаройлари ҳаробаларини ўрганган профессор С.П. Толстов уларнинг X–XI асрларда фаол ишлаб турганлиги ва ўзига хос савдо марказлари ролини ўйнаганлигини алоҳида таъкидланган.¹ Кейинчалик, 1950 йилда Устюортда олиб борилган янги археологик изланишлар давомида бу ердаги карvonсаройларнинг Олтин Ўрда ва Хоразм муносабатларида ҳам муҳим роль ўйнаганлиги то-пилган ашёвий далиллар асосида исботланди.²

1964 йилда Устюортдаги палеолит даври ёдгорликларини ўрганган таниқли қорақалпок археологи Е.Бижанов бу ҳудуддаги карvonсаройлар хоразмшоҳлар даврида курилиб, улардан XIII–XIV

¹ Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1946 г. ИАН, т. IV, 1947, № 2; Его же. По следам древнехорезмийской цивилизации. М., Изд. АН СССР, 1948.

² Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949–1953 гг. ТХАЭЗ, т. II, М., Изд. АН СССР, 1958.

асрларда ҳам жуда кенг миқёсда фойдаланганларини аниқлади¹. Хоразмнинг Евросиё савдо муносабатлари ва Олтин Ўрда давлати иқтисодий-маданий ҳаётида тутган ўрни мавзусини ёритиш ишига қорақалпок археологи ва тарихчи олими М.Ш.Қидриёноз катта хисса қўшиди. Унинг археологик тадқиқотлари ва изланишлари на-тижасида Хоразмнинг XIII–XIV асрларда Буюк Ипак йўли орқали амалга оширилган савдо муносабатларида тутган ўрни анча салмоқли бўлғанлиги яна бир бор илмий жиҳатдан исботланди.²

Устюрт платосидаги тарихий ёдгорликларни изчил ўрганиш ишлари 1971–1975 йилларда Ўзбекистон ФА Қорақалпок филиали Тарих, археология ва этнография институти Археология бўлими риҳбари В.Н.Ягодин бошчилигидаги экспедиция томонидан давом этирилди.³ 1975–1978, 1981 йилларда Устюртдаги карvon йўллари ва улардаги ёдгорликларни Ю.П.Манилов раҳбарлигидаги археологик экспедиция аъзолари атрофлича ўрганишга ҳаракат қилдилар.⁴ Натижада, олимпидар томонидан Хоразм савдо марказларининг Шарқий Европа билан савдо-сотик алоқалари тўғрисидаги маълумотларни яна до тўлдиручи жуда бой материаллар тўпланди. Хусусан, Устюртда ишларидан мавжуд бўлган карvonсаройлар билан бир қаторда уларнинг айримлари XIV аср ўрталарида қурилиб, XV аср охиригача мавжуд бўлиб турганлиги аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, Олтин Ўрда таркибида бўлган шимолий Хоразм билан савдо-сотик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳукмдор доиралар ва савдогарларнинг сайд-ҳаракатлари доимий равишда мавжуд бўлиб турганлигини яққол кўрсатади.

Шарқ ва Farb мамлакатларини боғлаб турган Хоразм савдо марказларининг Мовароуниҳар, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон каби давлатларга борадиган жанубий карvon йўлларини ўрганиш

¹ Бижанов Е. Археологические памятники юго-восточного Устюрта. Автореф. дис. канд. ист. наук. Нукус, 1967; Бижанов Е., Лохозиц В. Устюртский караванный путь из Хорезма в Восточную Европу и Поволжье. «Вестник ККФ АН УзССР», 1969, №2; Бижанов Е. Юго-Восточный Устюрт. Некоторые итоги и перспективы археологического изучения. «Вестник ККФ АН УзССР», 1970, №3.

² Қидриёноз М.Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII – XIV веках. Нукус, «Қарақалпакстан», 1989; Городище Миздахкан в Золотоордынское время. Нукус, 1987: Мастерские-винодельни Золотоордынского Миздахкан. Вестник ККО АН Руз, Нукус, 1999, №3, с. 101; Об аграрном характере производственной деятельности населения Миздахканы. ОНУ, 1999, №5–6, с. 83; О роли Хорезма в евразийской торговле XIII–XV веков. ОНУ, 2000, №1, с. 35–41; Қидриёноз М.-Ш., Баутдинов Р. Новые археологические данные о средневековом Миздахкане. ОНУ, 2001, №3, с. 52–56 и другие работы.

³ Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта. Т., 1978.
⁴ Манылов Ю.П. О путях Ибн Фадлана из Хорезма через плато Устюрт. С.А. 1979, №2; Его же: Археологические исследования караван-сараев Центрального Устюрта. В кн.: Археология Приаралья, в.п. 1, Т., «Фан», 1982.

ишига ҳам фидойи археолог олимларнинг катта меҳнати сарфланган. Хусусан, 1949–1953 йилларда воҳани Марв ва Хурросон билан боғловчи йўлнинг шимолий тармогини профессор С.П.Толстов бошлиқ илмий экспедиция ўрганиб чиқди.¹ 1960 ва 1966 йилларда ушбу доимий ҳаракатда бўлган карvon йўли изларини Жанубий Туркман комплекс археологик экспедицияси аъзолари проф. М.Е. Массон ва К.Адиков текширишди. Бу йўлнинг Эрон билан боғловчи жанубий тармогини археологлар Е.Атагарриев (1961) ва Х.Юсупов (1961, 1970, 1972), карvon йўлининг Қоракум орқали ўтган қисмини эса Д.Дурдиев (1980) текширилдиар.²

Хоразм археологик-этнографик экспедицияси аъзолари ва Қорақалпоғистон археологлари томонидан Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган қадимги ва ўрта асрларга оид шаҳарлар, қалъя, искеҳком ва карvonсаройларнинг қолдиклари нисбатан яхши ўрганишган бир вактда воҳага келаётган савдогарлар учун таянч ролини ўйнаган чап қирғоқдаги марказлар харобалари тарихи кўп йиллар давомида археологик жиҳатдан тўлақонли ўрганилмасдан қолиб келди. Мазкур илмий муаммога дастлаб, 1939 йилда С.А.Ершов ва С.П.Толстов эътибор бердилар. Кейинчалик бу борадаги илмий изланишларга 1954 ва 1966 йилларда Жанубий Туркман комплекс археологик экспедицияси бошлиғи М.Е.Массон ҳомийлик қилди.

Хоразмнинг Амударё бўйларида савдо йўллари, бу ерда мавжуд бўлган асосий карvonсаройлар ва йирик шаҳарларнинг тарихини ўрганиш ишлари XX асрнинг 70-йилларида ХАЭЭ ва корақалпок археологлари томонидан давом этирилди. 1972–1975 йилларда Амударё қирғоқларида маршрутли ва турғун археологик тадқиқотлар олиб боришга ҳаракат қилинди ва уларнинг натижалари М.Итина томонидан ёзилган монографияда умумлаштирилди.³ Тадқиқотлар натижаси ўлароқ X–XV асрларда Хоразмга келаётган ва воҳадан кетаётган карvonлар энг қулай ва серқатнов савдо йўлидан

¹ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962.

² Адъиков К.А. Средневековый торговый путь из Мерва в Серакс. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Ашхабад, 1960; Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и в Маверанихор (в пределах Туркменской ССР). Труды ЮТАКЭ, т. 13, Ашхабад, 1966; Атагарриев Е. Средневековый Дехистан. Л., 1986; Юсупов Х. Археологические работы в предгорьях Северо-Западного Копетдага между Сарымакашем и Кызыл-Арватом. КД, 1972, №4; Развалины работ Тансыкли-депе (К вопросу о трассе Южного отрезка пути Хорезм–Иран Хамдаллаха Казвина). КД, вкл. 3, Ашхабад, 1970; Дурдиев Д. Транскаракумский торговый путь из Хорезма в Южный Туркменистан. В кн.: Новые исследования по археологии Туркменистана. Ашхабад, 1980.

³ Итина М.А. Археологические памятники на древних торговых путях вдоль берегов Амударьи. Древности Южного Хорезма. М., 1991.

фойдаланганлиги, хорижий ва маҳаллий савдо аҳлиниң юкларини сақлаш ва қароқчилар хуружидан кўриқлаш учун жуда катта тадбиirlар ўтказиб турилганлиги аниqlанди.

Ўрта асрларда ўнг қирғоқ Хоразмда шаклланган моддий маданият ёдгорликлари айрим шаҳарлар мисолида ҳам ўрганилди. Жампикъальда сақланган моддий маданият қолдиқларини археологик тадқиқотлар асосида ўрганиш давомида ёш қорақалпоқ олим О.Т. Доспанов Хоразмдаги шаҳарларнинг ўрта асрларга хос бўлган иқтисодий-сиёсий ва савдо-сотиқ муносабатларини ёритишга интилган¹.

Археолог ва тарихчи олимларнинг тадқиқотлари натижасида Буюк Ипак йўлида турган Хоразмга қандай маҳсулотлар келтирилган ва бу воҳадан нималар четга чиқарилганлигини аниқлаш имконини берадиган маълумотларнинг тўплланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Юқорида номлари тилга олинган олимлар ва уларнинг қимматли асарларини миннатдорчилик билан қайд этган ҳолда, шу нарсани таъкидлашимиз керакки, Хоразм савдо марказлари тўғрисидаги ҳозиргача мавжуд қарашлар қисман археологик ёки топонимик, географик ёки тарихий йўсунда таҳлил қилинади.

Тадқиқотчиларнинг бир неча авлоди биз танлаган мавзуни ёритиш учун бебаҳо маълумотларни тўплаганларини эътироф этиш керак. Бироқ муаллифлардан ҳеч бири ўз олдига X–XV асрларда Хоразмда мавжуд бўлган савдо марказларининг ҳаёти, уларнинг Ўрта Шарқ ва Европа мамлакатлари ҳамда кўчманчилар дунёси билан иқтисодий муносабатларни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамиятини маҳсус ўрганиш ҳамда тўплланган ноёб маълумотларни изчил ва мунтазам равишда умумлаштириш вазифасини қўймаганлигини таъкидлаш лозим.

I БОБ. X–XV АСРЛАРДА ХОРАЗМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА САВДО-СОТИҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Марказий Осиёдаги сиёсий-тарихий жараёнлар ва Хоразмда савдо марказларининг пайдо бўлиши

Инсониятнинг ilk тарақкий қилган қадимги масканларидан бўлган Хоразм воҳаси ўзининг бетакрор тарихи ва бой маданиятига эга. Қадим-қадимдан йирик алломалар, тарихчилар, сайёҳлар, ёзувчи ва шоирлар Хоразм тарихини ёритишга интиларканлар, беихтиёр унинг бетакрор маданияти, бой маънавий дунёси, жаҳон фани ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломалари, озодлик ва мустақиллик йўлида жонини тиккан ва жаҳонга донги кетган қаҳрамонларини таъриф-тавсиф этиш билан бир қаторда, бу заминнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, шаҳару қишлоқлари, қўшини худудлар аҳолиси билан олиб борган савдо-сотиқ алоқалари ҳақида ҳам сўз юритишга ҳаракат қиласидилар. Хоразмнинг иқтисодий тарихи, илк шаҳарлар, савдо марказларининг вужудга келиши тарихи ҳақидаги мавжуд ёзма манбалар факат археологик тадқиқотлар натижасида топилган моддий ёдгорликлар, маънавий маданият намуналари билан тасдиқланганда аниқ хуносалар чиқариш учун имкон беради. Хусусан, Хоразм воҳаси ва унинг атрофидаги худудларда олиб борилган археологик изланишлар бу ерларнинг ўтмишда иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган, одамни ҳайратга солувчи шаҳарлар, қалъя ва саройлар, дехқончилик ва сугориш иншоотларига эга бўлганлигини яққол кўрсатади.

Тўғри, тарихнинг маълум даврларида Хоразмда инқирозлар, турғунликлар, фалокат ва вайронагарчилик, босқинлар ҳам бўлиб турган. Аммо воҳа аҳолиси мазкур ҳолатлардан қисқа муддатларда қутулиб, яна ривожланишни таъминлай олган. Бунииг сабаби факат воҳанинг қуляй табиий-географик худудда жойлашганлигига деб ҳисобласак ҳато қилган бўламиз. Чунки Зарафшон, Қашқадарё, Тошкент воҳалари ва Фарғона водийси каби қуляйликлар Хоразмда йўқ. Воҳа иқтисодий тараққиётининг негизида, энг аввало, хоразмликларнинг юксак ақлий заковатга асосланган меҳнат фаолияти

¹ Доспанов О.Т. О некоторых результатах раскопок Джамтик-калы в 1987–1989 гг. В сб.: Новые открытия в Приаралье. Вып. 2, М., «Наука», 1991, с. 72–92; Доспанов О.Т. Городская культура Правобережного Хоразма в эпоху средневековья (по материалам городища Джамтик-калы). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Нукус, 1996.

ётади. Хоразмликларнинг бундай юксак фазилатларини барча давр сайёхлари, олимлари ва шоирлари тан олишган.

Машхур археолог ва этнограф С.П.Толстов асарларида Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари тараққиёти хусусида қатъий концепция яратилган бўлиб, уларда тараққиётнинг барча муҳим жиҳатларини ўз ичига олган кенг қиррални ва муаммоли масалалар кўтариб чиқилган.¹ Бу асарларда Хоразм шаҳарлари бутун Марказий Осиё шаҳарларининг келиб чиқиши ва тараққиёти учун хос бўлган жиҳат сифатида қаралди. Аммо XX аср охирларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида тўплланган кўпдан-кўп материаллар бу муаммога янгича ёндашган ҳолда уларни яна-да чукурроқ ўрганиш чиқишига имкон берди. Ардахушмитан, Хива, Садвар ва Жигарбанд, Тупроккалья каби антик ёдгорликларда ўтказилган қазиш ишлари натижасида Хоразмнинг савдо-сотик марказлари ҳақида қатор умумлаштирувчи асарлар (А.М.Беленицкий, О.Г. Большаков, И.Б.Бентович ва бошқаларнинг ишлари)² ва айрим қадимиш шаҳарлар тарихига бағишлиланган монографиялар (Г.А.Пугаченкова ва бошқаларнинг ишлари)³ ёзилди.

Хоразм шаҳарлари тарихини ўрганиш муаммоси бевосита савдо марказларининг вужудга келиши, уларнинг алоқа йўллари ва типологик структурасига тегишли бўлган топографик маълумотларни умумлаштиришини тақозо қиласди. Мазкур ҳолатда ёзма манбаларда тўлиқ маълумотлар ва обидаларнинг катта очиқ майдонлари йўқлиги сабабли урбанистик жараёнларнинг ижтимоий-иктисодий мазмунига доир хуносаларнинг тахминий характеристерини эътиборда тутиш лозим. Маълумки, ҳатто археологик ёдгорликларнинг типологик таснифи, улар ёрдамида у ёки бу ёдгорликни шаҳар-кўргонга қиёслаш шартли равиша амалга оширилади.

Археологик тадқиқотлар натижалари ва ёзма манбалардаги маълумотларига кўра, Хоразм худудида шаҳарлар деб қабул қилинган ва милоддан аввалги IV–XIV асрларга оид 64 та ёдгорлик мав-

¹ Толстов С.П. Кадимти Хоразм маданиятини излаб. Т., 1964, 102–103; 128–131; 166–172; 253–255; 300–301-бетлар; Древний Хорезм. М., 1948, с. 270–275; 283.

² Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973.; Большаков О.Г. Некоторые вопросы изучения среднеазиатского города VIII–XII вв. в свете общей проблематики истории городов Востока. КСИА, 1970, вып. 122.

³ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. Т., 1958; Пугаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма. М., 1952; Мухаммеджанов А.Р., Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Д.К., Семенов Г.Л. Городище Пайкенд (к проблеме изучения средневекового города Средней Азии). Т., 1988.

жудлиги қайд қилинган. Ҳозиргacha уларнинг фақат 32 таси ҳақида тўлиқ бўлмаган маълумотлар мавжуд бўлса-да, фақат 20 тасида стационар археологик изланишлар олиб борилган, ҳолос. Бироз мукаммалроқ ўрганилган ёдгорликларнинг кўплари воҳа атрофидаги худудларда жойлашган. Марказий Амударё бўйидаги муҳим шаҳар ва карвонсарой қолдиқлари камрок ўрганилган бўлиб, уларнинг кўплари асрий тупрок ва кум қатламлари остида ҳалигача яшириниб ётибди. Ўрта аср географлари санаб ўтган 24 шаҳардан фақат 20 таси улар ёзиб қолдирган қисқача маълумотлар туфайлигина маълумдир.

Хоразм шаҳарларининг кўплари Хурсондан Гурганжга ва Мовароуннахрдан Амударё ўнг ва сўл қирғоқларидаги марказий минтақалар орқали Устюрт ва Россияга ўтган катта карвон йўлларида жойлашган. Шаҳарларнинг бир қисми мамлакат чекасида, минтақанинг зироатчилик билан шугулланувчи аҳолиси ва даштилик кўчманчилар билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган худудда вужудга келганди. Тарихий маълумотларни таҳдил қилган ҳолда Хоразмда урбанизациянинг З худуди мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин:

1. Марказий Амударё бўйи худуди. Бу ерлардаги шаҳар қолдиқларини ўрганиш учун олиб борилган археологик тадқиқотлар аҳолининг қадимдан асрлар давомида бир жойда ўтрок ҳолда яшаганлигини тасдиқлайди.

2. Амударёнинг қуий оқими худуди. Ушбу ерларда шаҳар типидаги манзилгоҳлар нисбатан кейинроқ, VII–IX асрлардан сўнг пайдо бўлиб, улар XII–XIII аср бошларида гуллаб-яшнаган.

3. Воҳанинг шимоли-ғарбий ва ғарбий чеккалари. Шимолий Давдон ва Дарёлиқ оралиғидаги ерларда мавжуд бўлган шаҳарлар турли даврда барпо этилган бўлиб, уларнинг гуллаб-яшнаган вақти – Хоразмда Жўжи улуси хукмронлиги босқичига, яъни XIII аср охири – XIV асрга тўғри келади. Мўғул-татар хукмдорлари, айниқса, Кутлуг Темур даврида шимолий Хоразмда шаҳар типидаги янги савдо-хунармандчилик манзилгоҳлари пайдо бўлган ва илгаридан мавжудлари эса яна-да кенгайтирилган.¹

Амударёнинг қуий оқими ва Хоразм воҳасининг ғарб томонида этник жиҳатдан хилма-хил аҳоли яшаган бўлиб, улар орасидаги

¹ Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма. В кн.: Культура и искусство древнего Хорезма. М., «Наука», 1981, с. 220.

зироатчилар ва чорвадорларнинг жипслашуви юқори даражада бўлган. Шу билан бир қаторда, Хоразм воҳаси ва Амударё дельтаси атрофларида шаҳарларнинг пайдо бўлишида Сирдарё бўйларида яшаган элатларга қариндош бўлган аҳоли катта рол ўйнаган. Бу ҳол Шимолий Даврон ва Дарёлик ирмоқлари оралиғидаги истиқомат қилинганинг маданиятида кўзга ташланади. Хусусан, ушбу худудга Сирдарё бўйларидан кўчиб борган ва келиб чиқиши жиҳатидан ўғуз-қипчоқ қабилаларига мансуб аҳоли кўпчиликни ташкил қилинган.¹ Шундай қилиб, тарихчи ва археолог олимларнинг тинимсиз изланишлари натижасида Хоразм шаҳарларининг Марказий Осиёда савдо-сотик алоқаларининг ривожланишида жуда катта роль ўйнаганлиги ҳақидаги тахминлар ашёвий далиллар асосида яна бир бор ўз исботини топди.

Хоразмдаги археологик-топографик ишлар ва маҳаллий шаҳарларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мавжуд тасаввурларни таҳдил қилганда олимлар воҳа шаҳарларининг куйидаги алоҳида хусусиятларини ажратиб кўрсатадилар:

1. Уларда аниқ кўзга ташланадиган ҳунармандчилик даҳаларининг йўқлиги.
2. Қалъа-кўргонларнинг камлиги ёки йўқлиги.
3. Шаҳар атрофидаги манзилгоҳларнинг йўқлиги.
4. Дарвоза олди мураккаб мудофаа иштоотларининг ўзига хослиги².

Тадқиқотчилар орасида кенг тарқалган ушбу фикрлар ҳарбий-маъмурий манзилгоҳлар ёки давлат чегара қалъалари ёнида вужудга келган, аммо ҳали ҳақиқий шаҳар белгиларига эга бўлмаган ёдгорликларни нисбатан юзаки тадқиқ қилиш асосида илгари сурилган.

Археолог Я.Ф.Үуломов кузатувича, Хоразмда мавжуд қалъаларнинг ўзига хос ажратиб турувчи белгиси уларнинг атрофида аҳоли яшайдиган манзилгоҳларнинг мавжуд бўлганлигидир.³ Бу ҳолат Гулдурсун, Кўҳна Уаз, каби истеҳкомлар атрофи текширилган вактда қайд қилинган. Ҳар бир мавзеда битта йирик марказ бўлиб, унинг атрофида майда аҳоли яшайдиган пунктлар шаклланган. Ту-

¹ Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). Из истории жилища и семьи. Археолого-этнографические очерки. ТХАЗЭ, т. 9, М., «Наука», 1976, с. 202–203.

² Путаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма, с. 58.

³ Үуломов Я.Ф. Қадимги Хоразмнинг сугорилиш тарихи, 83, 85, 88, 91–92; 93–95-бетлар.

нилиши жиҳатдан бу ҳолатни Месопотамия ва қадимги Бақтриядаги воҳа номлари билан қиёслаш мумкин. Аммо В.М.Массон ёзганидек, Бақтриядаги қишлоқ манзилгоҳлари қалъа девори, миноралари, кўргони бўлган кичкина шаҳарчани эслатса,¹ Хоразмдаги майда қишлоқ қурилмалари орасида мустаҳкамланган, ихчам шаҳарлар ёки шаҳар типидаги манзилгоҳлар борлиги билан ажралиб туради. Демак, Марказий Осиёнинг турли худудлари каби Хоразмда вужудга келган қишлоқларнинг бир-биридан фарқлари ўрта асрларда яна-да яққол намоён бўла бошлиганди.

Хоразмдаги йирик каналларнинг археологик-топографик тадқиқотлари суғориш иншоотлари ёқалаб чўзилган антик дехкончилик мавзеларининг шаклланганлигини исботлади. Суғориш иншоотлари қишлоқ аҳолиси, уларнинг дехкончилик ва чорвачилик эҳтиёжларини ҳам қондирган. Воҳалар ва улардаги шаҳарларни сув билан таъминлайдиган алоҳида ариқ ва каналлар бўлиб, уларнинг номлари аҳоли пунктлари номларининг шаклланишига бевосита таъсир қилган. Шаҳарлардан ташкири байзода айрим қишлоқларнинг ҳам ўз ариги мавжуд бўлган. Хусусан, араб тарихчиси Ал-Истаҳрийнинг ёзишича: “Кердор ва асосий шаҳар орасидаги ҳар бир қишлоқда Жайхундан оқиб келувчи ўз канали бор, умуман бу каналларнинг барчаси Жайхундан сув олади”.² Шу билан бир қаторда, шаҳарларнинг номларида “булоқ”, “манба”, “канал” маъно-ларини англатувчи -канн (хан) кўшимчалари учрайди (Миздаҳон, Вайхан).

Хоразм воҳасидаги шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар орасида шаклланган ўзаро муносабатларни ўрганиш асосида қизиқарли маълумотлар тўплаган археолог С.П.Толстов феодалларнинг кўргони атрофида ўрта аср шаҳарларининг вужудга келиши уларнинг ривожланишида ўзига хос йўлларидан бири деб хисобланганди.³ Аммо кейинги тадқиқотлар олимларнинг ўрта асрларда Хоразмда мавжуд бўлган шароитни анча ошириб баҳолаганигини кўрсатади.⁴

¹ Массон В.М. Проблема древнего города и археологические памятники Северной Бактрии. Древняя Бактрия. Л., 1974, с. 9.

² МИГТ, т. 1, М.-Л., 1939, с. 179.

³ Толстов С.П. По следам древнекорезмийской цивилизации. С. 240–241.

⁴ Беленицкий А.М., Бенгович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., «Наука», 1973, с. 171.

Хоразмда қадимдан давом этиб келаётгани каби шаҳарлар давлатнинг чегарасидаги мустаҳкам мудофаа қалъалари (Пулжой ёки Гит) асосида шаклланиб борган. Шу билан бир қаторда, эски шаҳар марказларининг ўсиши ҳисобига бўлган ривожланиш яна-да катта аҳамиятга касб этид. Ана шундай эски марказлардан ҳисобланган қадимги Садвар, Жигарбанд, Хива, Миздаҳон ва бошқа қалъалар шаҳар сифатида қачон шаклланганлиги тўла аниқланмаган бўлсада, илгаридан уларнинг марказида мустаҳкам қалъа-истеҳкомлар мавжуд бўлганлиги исботланган.

XX асрнинг 70-йилларидағи археологик-топографик изланишлар Хоразм воҳаси шаҳарлари тарихига анча аниқлик киритди. Уларни таҳлил қилишга интилган О.Г.Большаковнинг кўрсатишича: “XI–XII асрларда воҳа чегараларида қалъаларнинг жадал суръатда қурилиши ва янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши археология нуқтаи назаридан қайд қилинган. Бунинг устига янги шаҳарларнинг майдони жуда кичик. Бу шаҳарлар орасида (Гулдурсун, Қаватқалъя, Даудонқалъя, Жанипикқалъя) фақат Гулдурсун шаҳар деб аталишга лойик, бошқалари эса қалъалардир. Янги шаҳар деб белгиланган манзил 15 гектар майдонга эта ва истеҳкомлари йўқ. Ёрбакирқалъя антик манзилгоҳ худудидаги майда шаҳарча бўлиб, унинг майдони 4,8 гектарни ташкил қиласди”.¹ Шаҳарча сифатида тилга олинган Ёрбакирқалъя қадими тўртбурчак қалъа ичида қолиб кетмасдан, балки унинг атрофидаги деворларнинг узунилиги 1,5 километрни ташкил қиласди. Шаҳар атрофида эса бир-бирига анча зич жойлашган иморатларнинг қолдиклари топилди.

Хоразмдаги дастлабки шаҳарлар атрофидаги қишлоқлар билан кўшилиш натижасида вужудга келганлигини ташки деморининг шакли ва ўлчамлари билан бир-бирига ҳайрон қоларли даражада яқин бўлган Қаватқалъя ва Даудонқалъя мисолида кўриш мумкин. Шунга ўхшаш ҳолат Ўзбекистоннинг бошқа худудларида ҳам мавжуд бўлганлигини тадқиқотчи О.А.Сухарева Ургут ва Жиззах шаҳарлари мисолида кўрсатиб ўтганди.² Академик В.В.Бартольд ўрта аср шаҳарларининг қалъя ва қишлоқлар кўшилиши натижасида вужудга келишини тасвирлаган араб сайёхи Ёкут Ҳамавий маълумотлари асосида ёзганда: “Панж воҳасидаги асосий йирик манзилгоҳ – Панжа, XIII асрда бир шаҳарга бирлашган бешта қишлоқдан иборат

¹ Ўша жойда, 176-бет.

² Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. М., 1976, с. 318.

бўлган. Натижада илгариги қишлоқлар эндиликда шаҳар мавзеларига айланиб қолган. Янги шаҳар воҳанинг ҳамма қисмини эгалла-маганди”.³

Хоразм воҳаси шаҳарлари тарихини тадқиқ қилишда маҳаллий топонимлар жуда қимматли манба ҳисобланади. Аммо уларнинг моҳиятини очишга тарихчи, шарқшунос ва тилшунос олимлар (проф. В.А.Лившиц, проф. А.И.Абаев каби рус олимлари, ўзбек олими проф. З.Янгибоевни ҳисобга олмаганда) етарли эътибор бермасдан келмоқдалар.

Хоразмда мавжуд жой номлари жуда қадимги даврларда шаклланган.⁴ Улар орасида “уй”, “яшаш жойи”, “шаҳар”, “манзилгоҳ” маъноларини англатувчи ўзакдан ташкил топган бир қатор номлар бор. Масалан, маевана (митана) сўзи – Ардахушмитан, Хушмитан, Рахумитан каби қишлоқ номларида, “Кат”, “Кас” сўзи – шарқий эрон тилларида “шаҳар” номларида акс этган. “Авесто”даги kata (“ертула”, “ер ости саганаси”), пахлавий тилидаги katak, форсчадаги kada, kad – “уй”, “шаҳар”, сўғччадаги kt ‘k, kty ‘k – “уй” сўзларини эрон тилларида яхши маълум бўлган ва “қазимок”, “кавламок” ҳамда “кўммок” маъноларини берувчи kan феълига боғлаб ўрганиш лозим. Шунда “kata”, “kanta” сўзлари девор билан ўралган ва мустаҳкамланган манзилгоҳ маъносини билдиради⁵.

Хоразм шаҳарлари номларида ҳам уларнинг мустаҳкамланган манзиллар бўлганлиги тўғрисидаги қарашлар бошқа сўзларда ҳам ўз ифодасини топган. Проф. В.А.Лившиц фикрига қараганда Садвар, Нузвар каби сўзларнинг иккинчи қисмидаги -вар кўшимчаси – “девор”, “қалъа-қўргон” каби тушунилиши мумкин. Проф. М.Н.Боголюбов Хоразм топонимини таҳлил қилиш жараённида – huwarazam сўзининг форсча – huwarazmi ва “Авесто”даги xvairizam ибораларига тўғри келиши билан бирга “чорва учун яхши мустаҳкам қўргони бўлган мамлакат”, “мустаҳкамланган манзилгоҳлари бор ер”, “яхши варлари бор мамлакат”⁶ деган мазмунларни беришини кўрсатган.

Хоразм шаҳарлари номлари мазмунини аниқлаштириш борасидаги дастлабки тадқиқотлар муҳим хуносаларга олиб келди. Қа-

¹ Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Сочинения. Т.3, М., 1965, с. 144–145.

² Нерзик Е.Е. К проблеме развития городов., с. 224.

³ Там же.

⁴ Боголюбов М.Н. Древнеперсидские этимологии. Древний мир. М., 1962, с. 368–370.

димги Хоразм топонимларида мамлакат аҳолиси ҳаёти учун зарур сув манбалари ва қалъалари номлари ўз аксини топган. Кенг тарқалган “кат” иборасида эса тахт, пойтахт, “мурдалар уйи”, ертўлага хос кулбалардаги бўлмалар, ёғоч сўри¹ каби маънолар ўз аксини топган².

Хоразм шаҳарлари тарихи учун Хива-Ардахива, Хушмитан-Ардахушмитан, Кардор-Кардоронхос, Журжония – Кичик Журジョンия каби жуфт номлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маълумотнинг таҳлили Шарқнинг бошқа ҳудудлари каби Хоразмда ҳам бир шаҳардан искеничисининг “сачраб чикиши”, эски шаҳардан кўчиб келганларнинг ўз номларини саклаб қолишга интилганликларини кўрсатади. Айрим вақтларда янги ва эски шаҳарлар дарёнинг икки қирғогида жойлашган бўлиб, у Хоразмнинг пойтахти Кат шаҳрига ҳам хос эди.

Хоразмга келаётган карvon йўллардаги манзил ва маконларнинг номлари кўпгина олимлар томонидан бир хилда санаб ўтилади. Ал-Мақдисий Амударёнинг Мош ва Сандадан деган тор жойдан ўтгач, Бокирғон, Шўрахон, Кат, Хос, Нузкат, Вайхон, Нукфаг, Миздаҳқон ва шу каби шаҳарлар яқинидан оқиб ўтганлигини қайд этган. Яна бир номаълум сайёҳ тасвирида Катга олиб борувчи йўлда, Гардман, Вайхон, Ардахива, Нукбоғ каби шаҳарлар борлигини кўрсатган.³ Ушбу шаҳарларнинг номлари таҳлил этиладиган бўлса, Нузкат – “янги шаҳар”, Нукбоғ – “янги майдон”, “янги боф”, Гардман – “жаннатмакон жой” деган иборалар шаҳисланади. Вайхон, Шўрахон шаҳарлари номларидаги “хон” негизи шаҳар ва канал номларига асос бўлган.⁴

Хоразмнинг ўрта аср шаҳарлари номларида “хос” иборалари учраб туради. Жумладан, Хива ва Кат шаҳарлари оралиғида Кардоронхос ва Дасканонхос шаҳарлари жойлашган. Проф. В.А.Лившиц фикрича, “хос” сўзи – “манзилгоҳ”, “яшаш жойи” маъносини билдирусада, айрим ҳолларда сўғчадаги – kand-kat-kav, яъни шаҳар сўзи билан этимологик жиҳатдан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Хоразм вилоятидаги ўзбекларнинг этнографиясини чуқур ўргангандан Г.П.Снесарев таъкидлаганидек, “хос” ибораси жанубий Хоразм то-

понимикасида жуда кўп учрайди. Жуворхос, Навхос, Пирнахос, Зепахос, Незахос, Чорхос каби номдаги қишлоқлар ўрта асрларда ийрик аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар ҳисобланган.¹

Хоразм топонимларида “банд” ибораси ҳам кўп учрайди ва у “ўтиш жойи” деган тушунчани беради. Амударё қирғогида жойлашган қадимги Жигарбанд қишлоғи ёнида кечув бўлган. Житбанд қишлоғи эса Хоразм воҳасининг Қоракум саҳросига яқин ерида жойлашган бўлиб, карвонларнинг саҳрони кесиб ўтишни бошлайдиган жой ҳисобланган. Хоразмдаги “Сафардиз” қишлоғи номидаги “диз” кўшимишчаси – “қалъа” маъносини, “Кўҳандиз” – “эски қалъа” номларини билдирган. Қадимги Сафардиз қалъаси ҳозирги Хонқа тумани марказига яқин ерда жойлашган бўлиб, савдо-сотиқни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутган. Келгусида ҳам Хоразм шаҳарлари тарихини ўрганишда топонимик тадқиқотлар натижаларидан кенг фойдаланиш лозим.

Кейинги йилларда Хоразм Шарқий Эрон ва Марказий Осиёда бирин-кетин вужудга келган тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар, газнавийлар, қораҳонийлар ва салжуқийлар давлатлари таркибиға кирди. Аммо лекин ўзининг географик шароити ва узоқдиги билан нисбатан мустақил сиёсат юритишига муваффақ бўлган Хоразм ҳукмдорлари воҳасининг батамом инқизорзга юз тутишига йўл кўймадилар.

Айниқса, сомонийлар ва салжуқийлар даврида сиёсий жиҳатдан марказлашган ва кучли давлатнинг мавжудлиги Хоразмда савдо-сотиқни ривожлантириш учун қулаги шарт-шароитлар вужудга келтирди. Бу ерда шаҳарлар барпо қилиш, бозорлар ахволини яхшилаш, тартиб-интизом ўрнатиш, карvon йўллари хавфсизлигини таъминлаш, маълум масофаларда работлар, карвонсаройлар, тўхташ жойлари бунёд этиш, пул муомаласини назорат қилиш каби қатор муҳим тадбирларнинг изчил амалга оширилиши Буюк илак йўли орқали амалга оширилган иқтисодий алоқаларни қайта тиклаш ва жонлантириш имкониятларини кенгайтириди.

Х асрга оид бўлган бир қатор тарихий ва археологик ашёвий далиллар Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан тез юксалиш жараёнини бошидан кечирганлигини исботлайди. Ушбу прогрессив жараён

¹ Снесарев Г.П. Большие семейные захоронения у оседлого населения Левобережного Хорезма. КСИЭ. Вып. 33, М., 1960, с. 60–71.

² Бартольд В.В. Туркестан при исламе. Соч., т. 2, ч. 1, М., 1963. с. 209.

³ МИТТ, т. I, с. 206.

⁴ Неразик Б.Б. К проблеме развития городов..., с. 225.

¹ Снесарев Г.П. Объяснительная записка к "Карте расселения узбеков на территории Хорезмской области (конец XIX – начало XX в.). В сб.: Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М., 1975, с. 88.

Хоразмдаги шаҳарларнинг гуркираб ўсишида ўз аксини топди. Араб тарихчиси Табарий араблар Хоразмни истило қилган вақтда фақат З шахар – Кат (Фир), Ҳазорасп ва Урганч бўлганлигини кўрсатиб ўтганди.¹ Яна бир араб тарихчиси ал-Истаҳрий тахминан 930 –933 йилларда Хоразмдаги шаҳарларни санаб ўтаркан: Хоразм (Кас), Дарғон, Ҳазорасп, Хива, Хушмисан, Ардахушмисан, Сафардиз, Нузбар, Кардаронхос, Кардар, Баратегин, Мазминия, Журжония (Гурганж)² каби ўн учта номни тилга олади. Ниҳоят, 985 йилда Хоразмга келган араб муаллифи ал-Мақдисий воҳа шаҳарлари сони 32 бўлганлигини ёzáди. Жумладан, у Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Кас, Гардман, Ойхон, Арзахива, Нуқфаг, Кардар, Миздаҳқон, Жашира, Садвар, Зардуҳ, Баратегин, Мадқаминия; чап қирғоғида жойлашган Журжония (Гурганж), Нузвар, Замахшар, Рузунд, Вазарманд, Васкахансас, Рахушмисан, Мадамисан, Хива, Кардаронхос, Ҳазорасп, Жигарбанд, Жаз, Дарғон, Жит, Кичик Журжония, иккичи Жит, Садвар, Масасан, Кардар, Андарстан³ каби шаҳарлар борлигини кўрсатган. Бундан ташқари, Хоразмга борадиган йўлларда Шўрахон, Ҳас, Нузкат, Дарсон, Жувикан, Амир, Барабсар, Вардара каби аҳоли пунктлари бўлганлиги таъкидланади.

Хоразмда шаҳарларнинг пайдо бўлиши, дехкончилик ва хунармандчиликнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, айниқса, сунъий суғориш жарёни кенгайиши унга кучли туртки берган. “Ҳазораспдан бошлаб Жайхун қирғоқларида каналлар қазилган, – деб ёзганди ал-Истаҳрий. – Улар орасида Ҳазорасп канали ҳам бў-либ, узунлиги жиҳатидан у Гавҳара каналининг ярмига тенг келади. Кейин эса Ҳазораспдан икки фарсаҳ масофада Кардаронхос канали бўлиб, у Ҳазорасп каналидан каттадир. Ундан сўнг Хива канали келади ва у Кардаронхосдан катта, ундан кемалар то Хивагача қатнаб турганлар”.⁴ Демак, Истаҳрийнинг кўрсатишича, Амударёнинг чаг соҳида Ҳазорасп (Хасса канали), Кардаронхос (Қалъажик, Довуд калъа канали), Хива (Полвонён), Мадра (Ғазовот), Бува (Ёрмиш) ва Вадақ (кейинги Шоҳобод) каналлари бўлган. Бува ва Вадақ каналларининг охири кўшилиб, Журжония (Гурганж) гача етказилган.⁵

¹ Толстов С.П. Қадимти Хоразм маданиятики излаб, 250-бет.

² МИТТ, т. I, с. 178.

³ Ал-Мақдисий текст, 286–289; МИТТ, т. I, с. 186–188.

⁴ МИТТ, т. I, с. 179.

⁵ Ўша жойда, 179-бет.

Бу каналлардан кўпларида кемалар қатнаб, улар ички савдода ўзига хос артерия ролини ўйнаган.

Шаҳарларнинг ўсиши мамлакат умумий иқтисодий тараққиётининг муҳим томонларидан бири бўлиб, янгича асосда юксала бошлаган Хоразм шаҳар цивилизациясининг атрофдаги даштлар ва узоқдаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари мустаҳкамланадиганни ва кенгайиб борганидан далолат беради. Хоразмлик савдо-гарлар, худди қадим замонлардагидек, Туркманистон ва Фарбий Ко-зогистон ўрнида бўлган дашт кўчманчилари билан, Волга бўйи – Ҳазория (кейинчалик Даҳти Қипчоқ) ва Булғория билан, ниҳоят, Шарқий Европадаги кенг славянлар олами билан савдо-сотиқ алоқаларини кучайтиридилар. X асрда ёкюридаги худудлар билан савдо-сотиқ муносабатлари кенгайғанлиги тўғрисида ва умуман хоразмликлар ҳақида Истаҳрий ёзганди: “Хоразм – ҳосилдор, озиқ-овқати ва мевалари кўп шаҳар (мадина), фақат ёнғоги йўқ; бу ерда пахта ва жундан кўп нарсалар тайёрланади ҳамда бу нарсалар узоқ-узоқ жойларга элтилади. Аҳолисининг ажралиб турадиган хусусияти – бойлиги ва мардлик кўрсатишига интилишидир”¹. X аср охирида ёзилган “Худуд ал-олам” асарининг муаллифи Кат шаҳри тўғрисида қўйидагиларни ёzáди: “Шаҳарнинг бойлиги катта. Бу ердан ёстиқ жилди, қавима кийим-бош, ип газлама, кигиз, қора уй, рухбин (пишлоқнинг бир тури) чиқарилади”².

Ал-Мақдисий Булғордан келтирилган моллар қатори Хоразмнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳам кўрсатиб ўтган: “Хоразмда узум, майиз кўп, бодом мағизи, кунжут, йўл-йўл кийим-бошлар, гиламлар, кўрпалар, ажойиб кимхоб, “мулҳам” деган чойшаб, кулф, рангли кийимлар, энг кучли одамларгина эга оладиган камонлар, алоҳида бир хил пишлок, зардоб, балиқ тайёрланади. У ерда кемалар ясалади, ясалганда ҳам ниҳоясига етказилади”³. Ал-Мақдисий келтирилган рўйхатда Хоразмдан ташқарига чиқариладиган моллар ичida металл ишлани (кулф), қуролсозлик (камон), кемасозлик саноати маҳсулотлари ҳам бўлганлигини кўрамиз. Хоразм хунармандчилик саноати маҳсулотларининг мамлакатдан четга чиқарилган турлари йилдан йилга анча кўпайғанлиги билан уларнинг ҳаридоргирлиги ҳам ошиб борганди..

¹ МИТТ, т. I, с. 180.

² МИТТ, т. I, с. 216.

³ МИТТ, т. I, с. 202.

Археологик маълумотлар ва ёзма манбаларда кўрсатилган шаҳарларнинг қолдиқлари ўрганилганда, уларнинг айримлари ҳозирги кунгача ўз номини сақлаб қолган (Ҳазорасп, Хива, Урганж (Гурганж, Журжон), Шўрахон), баъзилари ўрта асрлардаги номи билан бизга маълумдир (Дарғон, Миздаҳқон, Замахшар ва ҳ.к.). Хоразм шаҳарларининг вужудга келиши, жойлашган ўрни ва топографиясига оид фикрларни С.П. Толстовнинг тўплаган маълумотлари асосида таҳлил қиласа бўлади. Олимнинг фикрича, ўрта асрлар Шарқ шаҳарлари тараққиётiga хос бўлган хусусиятлар ҳамма вақт ҳам Хоразмга мос келавермайди. Тадқиқотчилардан Б.Б. Жуковский, В. В. Бартольд, Н.И. Веселовский, А.Ю. Якубовский ва И.П. Петрушевский каби машҳур тарихчиларнинг Марказий Осиё шаҳарларининг вужудга келиши ва тараққиётаги тўғрисидаги концепциясига мувофик, ўрта аср шаҳарлари, дастлаб, қалъанинг (арк, кўхандиз) атрофида шаклланади. Кейинчалик улар ривожланиб, шаҳристон, яъни шаҳар вужудга келади, сўнгра эса шаҳар атрофидаги жойлар – работлар ривожланади. XI асрга келганда, шаҳар иқтисодий ва ижтиёмий ҳаётининг маркази работларга кўчади. Охир-оқибатда шаҳарлар уч қисмдан иборат бўлиб қолади.¹

Ушбу хуносалар Хоразм учун эмас, балки ялпи Марказий Осиё шаҳарлари учун ҳам тўлиқ мос келавермаслигини С.П. Толстов кўрсатиб ўтади. Олим VIII–IX асрларда вужудга келган шаҳарларнинг айримлари шаҳарча ёки истеҳкомли работлар тариқасида, қалъя этагида пайдо бўлган (Бургутқалъя, эски Норинжон), айримларида эса (Гулдурсун, Қаватқалъя, Жанпиққалъя, Довдонқалъя) шаҳар сифатида ҳеч қандай арки бўлмаган, уларнинг атрофи истеҳкомланмаган ва гоҳо-гоҳо истеҳкомланган (Гулдурсун) битта шаҳристондан иборат бўлган деб таъкидлайди.² Шу ўринда биз ҳам Хоразм шаҳарларининг вужудга келишини амалда чукур ўрганиб чиққан С.П. Толстовни ҳақ, деб хисоблаймиз. Чунки Хоразмдаги фақат айrim шаҳарларгина уч қисмдан иборат бўлган (Кат, Гурганж, Бўғроҳон). Археологик тадқиқотлар кўпгина шаҳарларнинг атрофига улкан дехқончилик туманлари – рустоқлар ҳам мавжуд бўлганигини кўрсатади (Миздаҳқон, Қаватқалъя, Замахшар, Ҳайвонқалъя ва ҳ.к.).

¹ Якубовский А.Ю. Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X–XV вв. МИУТТ, ч. I, с. 4–5; Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданийтини излаб. 254-бет.

² Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданийтини излаб. 254–255-бетлар.

Чап қирғоқ Хоразмнинг жанубий чеккасида жойлашган йирик қалъалардан бири – Дағрон шаҳри бўлиб, унинг кулаге географик миқеи Бухоро, Амул (Чоржуй) ва Марв билан савдо муносабатла-рида муҳим роль ўйнаган. Ал-Макдисий Дағронни Хоразмнинг Гурганждан кейинги иккинчи йирик шаҳри деб таъкидлаганди. Шаҳар атрофларида жуда катта худудда 500 та токли узумзор мавжуд бўлган.¹ Хоразмга бораётган савдо карvonларининг Амударё-нинг ўнг ва сўл қирғоқларига ўтиши учун кулаге кечув ҳам шу ерда мавжуд эди. Урганчга борадиган йўл устида жойлашган яна бир йирик савдо шаҳри – Ҳазорасп бўлиб, у Хоразмнинг жанубидаги энг кучли қалъалардан бири хисобланган.

Хивадан 80 км. шимоли-ғарбда Замахшар шаҳри жойлашган бўлиб, у йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири эди. “Замахшар – атрофи девор билан ўралган, теварагида ҳандак мавжуд кичкина шаҳар. У темир қопланган дарвоза, қамоқхона ва ҳар қуни кечкурун кўтариб кўйиладиган кўприкка эга. Шаҳар савдо йўли устида жойлашган”,² – деб ёзганди ал-Макдисий. Замахшар ҳаробаларида ўтказилган археологик тадқиқотлар даврида топилган турли-туман ҳунармандчилик буюмлари: темир, сопол, шиша буюмлар, тугалланмаган маҳсулотлар ва қолиплар, ишланмаган темир ва мис парчалари бу ерда темирчилик, дегрезлик, мискарлик, куллоччилик, шишагарлик, тўқимачилик ва дурадгорлик каби соҳаларнинг ривожланганлигини кўрсатади.

IX–X аср манбаларида Хоразмнинг пойтахти – Гурганж (араб тилида – Журжония) йирик шаҳар сифатида тилга олинади. Шаҳар, айниқса, Шарқий Европа билан савдо-сотиқ алоқалари йилдан йилга тарақкий эта борган даврда Хоразмнинг биринчи даражали йирик савдо марказига айланади. Бу ҳақда ал-Истаҳрий шундай деб ёзганди: “Бу шаҳар Хоразмнинг пойтахти Катдан кейин турувчи энг катта шаҳардир. У ғузлар билан савдо қилинадиган жой, Журжонга, ҳазорлар томон ва Хурносонга кетадиган карvonлар ўша ердан йўлга чиқади”.³ Номаълум муаллиф асари бўлган “Ҳудуд алолам”да ҳам бу ҳақда: “Жуда бой бўлмиш бу шаҳар Туркистонга кирадиган дарвоза, ҳамма жойлардан келадиган савдогарлар тўпла-

¹ МИУТТ, т. I, с. 188.

² Ўша жойда, 188-бет.

³ Ўша жойда, 178-бет.

надиган бир жойдир”,¹ – деб маълумот берилган. 994 йилда Кат шаҳрини Амударё суви ювиб кетиши сабабли Гурганж шаҳри Хоразмнинг ягона пойтахтига айланганди.²

Гурганждан жануби-шарқда, ҳозирги Хўжаэли туманида жойлашган ва ўрта аср манбаларида кўрсатилган Миздаҳқон шаҳрига тўғри келувчи Гавурқалъя атрофлари жуда серунум, бой рустоқ (туман) бўлганлиги аниқланди. Ал-Мақдисий: “Миздаҳқон – катта шаҳар, унинг атрофида ўн икки минг қалъя ва жуда кенг рустоқ мавжуд”,³ – деб ёзади. Ал-Истаҳрий: “Миздаҳқон билан Гурганж бирбирига қарама-қарпи – 3 фарсаҳ (18–24 км.) масофа оралиқда, дарёнинг икки соҳилида жойлашган”,⁴ – деб гувоҳлик беради. IX–X асрларда Амударё ҳозирги ўзанидан анча ғарбда – Гурганж шаҳри яқинидан оқиб ўтганлиги сабабли, ал-Истаҳрий Миздаҳқон қальасини ўнг қирғоқ Хоразмда жойлашган деб таъкидлайди.

Хоразмнинг X аср охиригача пойтахти ва энг йирик шаҳри, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Кат шаҳри бўлган. “Худуд алолам”да: “Кат – Хоразмнинг бош шаҳри, ғузлар Туркистонига кириладиган дарвоза, турклар, Туркистон, Мовароунаҳр ва ҳазорлар музофоти молларининг омбори, савдогарлар тўпланадиган жой” деб кўрсатилган.⁵ VIII–IX асрларда шаҳардаги зарбхонада афригийлар, аббосий ва сомоний ноиблар томонидан кумуш ва мис танглар зарб этилган.⁶

IX–XI асрларда ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб турган Кердор (Курдор) ҳам Хоразмнинг йирик шаҳарларидан бири саналади. У Амударёдан сув оладиган канал яқинида жойлашган деб ҳисобланади. Аммо манбаларда Кердорнинг ўрни аниқ кўрсатилмаган ва ҳозирги кунгача ягона бир фикрга келинмаган. “Худуд алолам”да Кердор шаҳарчаси дашит билан деҳқончилик худудлари чеграсидаги кичик бир савдо манзилгоҳи сифатида, аҳолиси кўплиги, экинларга бойлиги, у ердан кўплаб кўзи териси чиқарилиши таъкидланади.⁷ Ал-Мақдисий эса Кердорни йирик шаҳар-қалъя

¹ Ўша жойда, 216-бет.

² Ўша жойда. 187–188-бетлар.

³ МИТТ, т. 1, с. 187.

⁴ Ўша жойда, 181-бет.

⁵ Ўша жойда, 216-бет.

⁶ Кононов Б.Д. Среднеазиатские куфические фельсы с изображением коня. Нумизматика Центральной Азии. Т., 1999, с. 47–51.

⁷ МИТТ, т. 1, с. 217.

еканлигини таъкидлаб, унинг Нукфаг қалъасидан каттароқ ва мустаҳкамроқ эканлигини эслатиб ўтади.¹

Ўз вақтида, Кердор қалъасини ўрганган археолог Я.Ғуломов уни ҳозирги Чимбой қалъаси ўрнида бўлган деб тахмин қилган. Этнограф С.П.Толстов эса Ҳайвонқалъя ёдгорлигини ўрта асрлардаги Кердор шаҳри билан қиёслайди.² Қорақалпоғистон археологларининг кейинги даврдаги тадқиқотлари натижасида IX–X асрларда Ҳайвонқалъанинг кенгайиб, Кердор шаҳри марказига айлангани исботганди.³

XI–XII асрлардаги Марказий Осиёда рўй берган сиёсий жараёнлар қорахонийлар, газнавийлар ва салжуқийлар давлатларининг нујудуга келиши ва уларнинг ўзаро тўқнашувлари билан бевосита боғлиқ бўлса-да, бу ҳолат Хоразмнинг ташқи савдо-сотиқ алоқалари ривожига ҳалокатли таъсир кўрсата олмади. 1017 йилда Султон Маҳмуд Ғазнавий Гурганжни эгаллаб, ўзининг ҳожиби, турк ёлланма армияси бошлиғи Олтинтошни ҳукмдор қилиб кўйди. Хоразмшоҳ унвонини олган Олтинтош (1017–1032) ва унинг ворислари Газнадан мустақил сиёсат юргизишга интилдилар.

1043 йилда Хоразмни салжуқийлар босиб олди. Салжуқийларнинг ҳукмронлиги даврида Хоразм ўзининг стратегик мавқеини йўқотмади. Натижада салжуқ султонлари Хоразмга Ануштагин Гарчали ислми шахсни ҳоким қилиб тайинладилар. Аммо унинг 1097 йилдаги вафоти натижасида таҳтга ўғли Кутбиддин Муҳаммад чиқди. Салжуқийлар давлатининг содик хизматкори сифатида иш юритган Кутбиддин Муҳаммад умумдавлат сиёсатига фаол аралашиб, катта обру ортиргани билан ўз юрти мустақиллигини тиклай олмади.

Хоразмшоҳ Отсиз ҳам аввалига салжуқийларга садоқат билан хизмат қилди ва дипломатик усуслар билан Хоразмни мустақил давлатга айлантиришга тинмай харакат қилди. Унинг кучли душман билан 20 йиллик кураши таҳсинларга сазовор бўлса-да, Хо-

¹ МИГТ, т. 1, с. 187.

² Ғуломов Я.Ғ. Қадимига Хоразм сугорилиш тарихи. 57-бет; Толстов С.П. Хорезмская археологический-этнографическая экспедиция АН СССР в 1947 года. М., ИАН СССР, серия истории и философии, т. V, 1948, №2, с. 190.

³ Ягодин В.Н. К вопросу о локализации Кердера. «Вестник» ККФ АН УзССР, 1963, №2, с. 70–72. Бу жада қаранг: Очкери истории Каракалпакской АССР. т. 1, Т., «Наука», 1964, с. 88; Егоже: Городище Хайнанкала раннесредневековый Кердер. В кн.: Археологические исследования в Каракалпакии. Т., «Фан», 1981, с. 78–102.

размнинг тўла мустақиллиги таъминланмади. Биринчидан, салжуқийлар ҳали жуда кудратли эди.

XI асрнинг 30–40-йилларида Мовароуннахр сиёсий майдонига қорахитойлар (каракиданлар) чиқдилар. Улар қорахонийларни ҳам, салжуқийларни ҳам енгиди, Хоразмга оғир ўлпон солдилар. Отсизнинг вориси Эл-Арслон (1156–1172) ҳам қорахитойларга қарамликтан кутулиш чораларини кўп излади. У кудратли давлат тузиш максадида Нисо ва Дехистон вилоятларини босиб олди. Эл-Арслон ворислари Султон Такаш (1193–1200) ва Алоиддин Мұхаммад (1200–1220) Хурросон, Шарқий Ирок, Мовароуннахр, Фазна, Эрон, Фарбий Ирок ва Озарбайжон худудларини Хоразмга бўйсундирдишига эришдилар.

XIII аср бошларига келиб Хоразмшоҳлар давлатига 27 йирик вилоят тобе бўлиб, унинг худудлари Ирокдан Ҳиндистонгача, Оролденгизидан Ҳинд океанингача кенгайтирилганди. Улкан минтақада сиёсий яхлитлик ва баркарорликнинг таъминланиши ижтимоий-иктисодий муносабатларда ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Даставвал, хоразмшоҳлар ануштагинийлар барпо қилган йирик давлат заминида сугориш тармоқлари анча узайтирилди ва янги сунъий сугориш иншоотлари курилишига катта эътибор берилди. Маъмунийлар даврида Замахшар шаҳрига етган Чермонёп канали, XII асрда яна 70 километрга узайтирилиб, ҳозирги Шоҳсана нам шаҳар-ёдгорлигигача (Субурна) етказилди. Мўғул босқини арафасида, айниқса, ўнг қирғоқ Хоразмнинг Гўвҳара канали атрофлари анча тараққий килди. Натижада, суформа дехқончиликнинг ривожланиши билан азалдан етишириб келинаётган маҳсулот турларини етишириш ва ҳажмини оширишга эришилди.

Мўғул-татарлар истилоси арафасида Хоразмда бўлган машхур араб сайёҳи Ёкут ал-Ҳамавий ўзининг “Мулькам ал-булдон” (“Мамлакатлар лугати”) асарида шундай деб ёзганди: “Мен у ерга 616 йили (1219–1220) борган эдим. Ҳеч қаерда бундай гавжум ва яшинаган ўлкани кўрмаганман. Экинлари ёпласига парвариши қилинган, қишилоклари бир-бирига яқин қаторлашиб кетган, алоҳида ҳовли-ю чорбоглари кўп. Даشتда ҳам кўра-ю кўргонлар бор. Ўлканинг рустоқларида (дехқончилик туманларида) парваришлиланмаган, нообод жойни топиши қийин. Яшил дароҳтзорлар, айниқса, гужуму тут кўп, чунки улар (аҳоли) курилиш ёғочларига муҳтож, тут барги эса ипак куртига емдир. Унинг барча вилоятларида юрасанми, ё бозорларида

юрасанми (аҳоли кўплиги жиҳатидан) – бунинг фарқ йўқ. Дунёнинг ҳеч бир ерида Хоразмдек фаровон ва аҳолиси гавжум юрт бўлмаса керак. Хоразмнинг кўпчилик аҳоли манзиллари – бозорларга, ҳаёттый зарур нарсаларга мўл-кўл, расталари кўп шаҳарлардир. Бозори бўлмаган қишлоқ камдан-камдир. Буларнинг ҳаммаси умумий ҳавфсизликда ва тинчлик-хотиржамлиқда амалга ошмоқда”¹.

Мўғуллар истилоси арафасидаги ва ундан кейинги Хоразмда мавжуд шаҳарларларда Шарқона хусусиятлар тўла мужассамлашганди. Ўрта аср форс тарихчиси Закариё ибн Мұхаммад ал-Казвиинийнинг ёзишича: “Ҳар бир шаҳар ўртасида яна бир кичик шаҳар бўлган. Кичик шаҳарнинг ўртаси кўҳандиз деб аталган. Марказдаги кичик шаҳарларни шаҳристон ёки арабча – мадинат ус-сугро (кичик шаҳар) деб атаганлар. Унинг атрофи девор билан ўралган ва бир неча дарвозалари бўлган. Шаҳристон атрофида катта шаҳар – мадинат ул-кубро бўлиб, у ҳам девор билан ўралган ва бир неча дарвозалари бўлган. Катта шаҳар атрофларида эса узумзорлар ва мевали боғлар, уларнинг теварагида – экинзор далалар бор эди”².

Хоразм шаҳарларида ҳаёт қайнаб, савдо-сотиқ, хунармандчилик гоятда ривожланган. Хунармандлар ишлаб чиқарган турли хилдаги газламалар, заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар, гилам-поёндоз, тери, жун, ёғ-мой, совун, курол-аслаҳа, эгар-жабдуғлар, хўл мева, куруқ мева, ипакликлар, жавоҳирлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳам ички бозорда, ҳам ташки бозорда харидоргир бўлган.

Археологик тадқиқотлар давомида Хоразмшоҳлар шаҳар-ёдгорликларидан турли хил хунармандчилик маҳсулоти қолдиқлари, бутун-бутун хунармандчилик маҳаллалари – кулолчилик, дегрезлик, мисгарлик, темирчилик, тўқимачилик, тикувчилик, шишагарлик ва шу каби маҳаллалари топилди.

Археологик тадқиқотлар хуносалари ва ёзма манбаларда Хоразмда хунармандчиликнинг 50 га яқин турлари ривожланғанлиги кўрсатиб ўтилади. XII аср охири ва XIII аср бошларида Хоразм куллари оддий лой билан бирга, сопол қоришимаси – кошинларни ишлата бошладилар. Сопол идишларни безаща эса илгариги қизил, кулранг, яшил ва оқ ранглар билан бир қаторда кўк, ҳаворанг

¹ МИТТ, т. 1, с. 419.

² Бу жада караиг: Буниев 3.М. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати, (1097–1231). Т., «Адабиёт ва санъат», 1997, 134-бет.

ва қора ранглардан ҳам усталик билан фойдаланилди. Сопол буюмларни күйдириш, пишириш жараёнлари ҳам такомиллаштирилди.

Үртагаср Хоразм ёдгорликларидан бир хил рангли ва безакли сирли феруза идишлар, сирти рельефли нақш билан серҳашпам қилиб безатилган кулранг ва қора сирсиз идиш-төвоклар кўплаб тошилган. Улар билан бир қаторда, “Рай” ва “Кошон” типидаги кўк рангли қандил керамика, “Миной” шаклидаги эрон идишлари, хитой “селадон” – чинни буюмларининг кўплаб топилиши Хоразмнинг Шарқ давлатлари билан савдо муносабатлари ривожланганлигини кўрсатади.

Хоразмшоҳлар сарҳадларида карвон йўллари яхши қўриқлангани учун, ички ва ташқи савдо жуда ривожланган. Бозорлардаги нарх-наво, маҳсулотларнинг сифати, тош-тарозининг аҳволи қаттиқ назорат остига олинган. Карвон йўлларида тўхташ жойларида янги сув ҳавзалари курилган ва аввалдан мавжуд бўлганлари қайта таъмирланган. Катта карвонларни қўриқлаб боришга, ҳатто Хоразмшоҳнинг шахсий паҳлавонлари ҳам жалб этилган. Хоразмшоҳ Ташқаш савдогарларнинг хоразмлики, туркми, хорижлики – кимлигидан қатъий назар – ҳаммага бир хил адолатли муносабатда бўлиш, уларнинг олди-сотди ишларига тўскинлик қиласлик, йўллар ҳавфислизгини таъминлаш, мол ва ҳаётига турли тажовуз ва суиқасдларнинг олдини олиш тўғрисида фармон чиқарган.¹

Ички савдо ва у билан боғлиқ ташқи савдонинг ривожланишида Амударёда кема қатновининг йўлга қўйилганлиги ҳам катта аҳамиятга молик бўлган. Манбаларда сув йўли куруқлик йўлига нисбатан кулай, ҳавфсиз, энг асосийси, манзилга тез етиб бориш мумкин бўлганлиги кўп таъкидланади. Бу даврда Хоразмнинг ташқи савдо-сотик муносабатларида Эрон, Волгабўйи, Ҳиндистон ва Жанубий рус князликлари асосий ўринни эгаллаб турардилар. Хитой ва Мўгулистон билан алоқалар ҳам анча ривожланди. Хоразм савдогарларининг мўғуллар ерлари ва Хитойда иззат-хурмат билан қабул қилинганинг рамзи сифатида уларга оқ наматдан чодир қуриб берилган.² Археологик тадқиқотлар давомида Хоразмдан Хитой чинни идишлари парчалари топилиши икки томонлама муносабатларнинг давом этганлигини тасдиқлайди.

¹ Буниядов З.М. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 62-бет.

² Хидоятов Г.А. Моя родная история. Т.: «Ўқитувчи», 1990, с. 127.

Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж (Журжония) ташқи ва ички савдо йўллари кесишиган ерда жойлашганлиги билан ва империя пойтахти сифатида йирик иқтисодий марказга айланди. 1219 йилда шаҳарда бўлган Ёкут Ҳамавий: “Мен Гурганж каби буюк, бой ва гўзал шаҳарни кўрмадим”, – деб таҳсинарлар айтганди.¹ Закариё Қазиний эса Гурганж ҳақида сўз юритаркан: “У Жайхун дарёси бўйидаги жуда катта шаҳар ва аҳолиси жуда кўп. Уни жаннатдаги шаҳар ва чимилдикдаги келинчакни кўриқлагандай, фаришталар кўриқлайди”, – деб ёзган эди.²

Гурганжда аҳоли кўплигидан кўчалар, бозорларда одамлар бир-бирига тутилар, уларнинг тўқнаш келганда бемалол ўтишлари қийин эди. Шаҳарда барча касб-хунарлар тараққий этган бўлиб, айниқса, темирчилар, дурадгорлар кўп бўлганди. Нақошлар фил суяги ва сандал дараҳтидан ажойиб санъат асарлари яратардилар. Шаҳар аёллари чеварликда моҳир саналиб, пиллачилар эса табиий ипакнинг олий навини етиширишганди. Бинокорлар тол дараҳти ёғочидан синч ясад, енгил бинолар қуардилар. Зилзила пайтида бундай бинолар тош ва гиштин уйларга нисбатан анча чидамли ҳисобланарди.³

Гурганж савдогарлари дунёнинг кўпгина мамлакатларига ўз молларини сотар ва кўп хорижий мамлакатларнинг савдогарларига зарур шароитларни яратиб берарди. Шаҳарда бозорлар кўп бўлиб, улар турли-туман молларга сероблиги билан ҳам машҳур эди. Бозорларда жуда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатилган бўлиб, савдо-сотик ишларини мухтасиб (назоратчи) кузатиб турарди. Мухтасиб лавозимига ишончли фуқаролар, кўп ҳолларда имомлар кўйиларди.

Тарихий манбаларда Хоразмнинг бошка савдо шаҳарлари тўғрисида ҳам кўп маълумотлар сақланиб қолган. 922 йилда Хоразмда бўлган араб дипломати Ибн Фадлан “Ардахушмисан бозорлари гавжум ва аҳолиси фаровои, катта шаҳар. Ардахушмисан Кат ва Гурганж оралиғида жойлашган ҳамда Амударё бўйидаги шаҳар бўлиб, унга сув йўли орқали борилади”.⁴ – деб ёзганди. “Худуд ал-олам” асарида “Ардахушмисан савдогарларнинг тўпланиш жойи”, – деб кўрсатилган. 1219 йилда Ардахушмисанда бўлган Ёкут Ҳамавий,

¹ МИТТ, т. 1, с. 419.

² Буниядов З.М. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 135-бет.

³ Уша жойда, 135-бет.

⁴ МИТТ, т. 1, с. 156.

⁵ МИТТ, т. 1, с. 216.

шаҳарни Суриянинг йирик шаҳарларидан бири – Нисибин билан тенглаштиради. Аммо сайд ёрдахушмисан шаҳрининг муҳташамроқ, бозорларида моллари кўп, аҳолиси кўпроқ ва бадавлат эканлигини таъкидлаганди.¹

Истаҳрий ва Мақдисийлар Ардахушмисанни Хоразмнинг Кат (Кос) ва Гурганждан кейинги йирик шаҳри сифатида кўрсатишган². Коидан Журжониягача масофа З кунлик йўл, Ардахушмисангача эса 1 кунлик йўл³ деб кўрсатганди Истаҳрий. Хивадан Рахушмисангача (Ардахушмисан) ҳам масофа (30–40 км.) шунча бўлганлигини Мақдисий ёзиб қолдирган.⁴ Ҳамдуллоҳ Қазваний ва Хожи Ҳалфарининг маълумотларига кўра, Гурганж билан Ардахушмисан оралиғидаги масофа – 14 фарсаҳ (84–112 км.) бўлган.⁵ Ардахушмисан орқали Хивани четлаб, тўғри Ҳазорасп билан Гурганжни боғловчи йўл ҳам ўтганди. Ҳазорасп ва Ардахушмисан ўртасидаги масофа 16 фарсаҳдан иборат деб ҳисобланган.⁶ Ардахушмисан ўрнидаги ҳозирги Воянган ёдгорлигига олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихий манбалардаги маълумотларни тўла тасдиқлаб, ўрта асрларда шаҳарнинг йирик савдо-хунармандчилик маркази бўлганлигини кўрсатади.

Араб олимларидан Мақдисий ва Истаҳрий асарларида Хоразм воҳаси савдо-сотик ва маданий марказлари орасида Хива шаҳрини катта, бой шаҳар сифатида тилга олиб ўтганлар. Хоразмшоҳлар даврида Хива ўзининг энг гуллаб-яшинаган даврини бошидан кечирган. Шу даврда Хоразм воҳасидаги асосий ташки ва ички савдо йўлларининг Хивадан ўтганлиги шаҳарнинг тараққиётiga имкон яратган. Шаҳар ва унинг атрофларини Амударё суви билан таъминлаган Хейконик (Полвонён) каналидан кемалар қатнаб, савдогарлар ўз молларини узоқ манзилларга ташиш имкониятига эга бўлганлар.

Х–XI асрларда ҳам Хоразмнинг энг йирик савдо марказлари сифатида танилган Ҳазорасп, Дарғон, Замахшар, Норинжон, Кат шаҳарларининг ривожланиши кейинги даврларда ҳам давом қилинган. 1219–1220 йилларда Хоразмда бўлган Ёкут Ҳамавий “Ҳазорасп

¹ МИТТ, т. 1, с. 410.

² МИТТ, т. 1, с. 181; с. 206.

³ МИТТ, т. 1, с. 181.

⁴ МИТТ, т. 1, с. 206.

⁵ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, с. 211.

⁶ МИТТ, т. 1, с. 211; Бартольд В.В. К истории сроцения Туркестана. Сочинения. Т. II. М., «Наука», 1965, с. 171.

мустахкам калья, гўзал ва бозорлари, расталари кўп бўлган йирик савдо шаҳри”¹ деб гувоҳлик берган.

Ёкут Ҳамавий Дарғонни ҳам йирик савдо маркази сифатида тилга олиб ўтади. Улкан хоразмшоҳлар давлати шаклланган даврда асосий савдо йўлларидан бирида жойлашган Дарғон қалъаси муҳим стратегик таянч шаҳарга айланган. Савдо-сотик мунсабатларининг ривожланишига замин тайёрловчи сиёсий барқарорликнинг таъминланиши натижасида Буюк Ипак йўлининг ҳам шимолий, ҳам жанубий тармоқлари тулашган жойда турган Дарғон шаҳрининг муҳим иқтисодий тутунга айланишига шароит яратган.

Х асрдаёқ Истаҳрий ва Мақдисийлар томонидан Хоразмнинг муҳим савдо марказларидан бири сифатида эслатиб ўтилган Замахшар шаҳри хоразмшоҳлар даврида анча кенгайган. Бу ердаги бозорлар атрофида янги иморатларнинг курилиши, ҳунармандларнинг устахоналари кўпайиши натижасида аҳолининг турмушки учун зарур хом ашё ва маҳсулотлар тайёрланган. Довдон ҳавзаси бўйида жойлашган ва йирик Мадра (Ғазовот) каналидан сув олган Замахшар атрофларида дехқончилик ҳам анча ривожланганди. Археологик тадқиқотлар жараёнида Замахшар шаҳри ҳаётига оид муҳим ашёвий далиллар аниқланган.

Хоразмшоҳ ануштагинийлар хукмронлиги даврида Довдон ҳавзасидан то Дарёлик ўзанингача бўлган ҳудудлар ҳамда улкан Чермонёп канали атрофлари (Замахшар, Довдонқалъа, Ёрбакирқалъа, Шоҳсанам, Кўхна Уаз шаҳарлари) Хоразмнинг аҳоли энг зич жойлашган (ҳар бир кв.км.га таҳминан 400–500 киши тўғри келган) ҳудудларига кирган. Ўнг кирғоқ Хоразмнинг ануштагинийлар замонида аҳоли энг зич жойлашган ҳудуди – Қаватқалъада ҳар 1 кв. км.га 200–250 киши тўғри келган.²

Кўхна Урганчдан Замахшаргача бўлган ҳудудда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ушбу шаҳарлар оралиғидаги ўнлаб километр масофада узлуксиз иморатлар қолдиклари, гишт, сопол парчалари топилган. Бу ерда юксак даражада тараққий килган дехқончилик рустоклари, каналлар излари мавжуд. Бир вақтлар ушбу замонидан ўтган Ёкут Ҳамавий: “Унинг барча вилоятларида юрасанми, ё бозорларида юрасанми – бунинг фарқи йўқ. Ўйлайман-

¹ МИТТ, т. 1, с. 419.

² Валиневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях Левобережного Хорезма. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961 гг. Т. II, вып. 7, с. 67.

ки, Хоразм сингари бепоён ва кенг ер, шу сингари ахолиси кўп юрт дунёда бўлмаса керак”, – деган ҳайратомуз сўзларни ёзганди.

Кўхна Урганчдан 60 км. жануби-гарбда жойлашган Ёрбакир-кальта қолдикларида олиб борилган археологик тадқиқотлар унинг хоразмшоҳлар даврида жуда катта савдо маркази бўлганлигини тасдиқлади. Калъада мўғуллар босқини оқибатида курилиши охирига етказилмаган жуда катта – 750 хона ва 250 турар жойи бўлган ҳамда деворлари узунлиги 200 метрга чўзилиб кетган карвонсарой борлиги аниқланди¹.

Кўхна Урганчдан 90 км. жануби-гарбда яна бир йирик савдо маркази – Шаҳарлик қалъаси жойлашган. Археологларнинг изланишлари натижасида Шаҳарликнинг майдони 15 гектар эканлиги ва унинг атрофига мудофаа деворлари йўқлиги аниқланди. Қазув ишлари давомида топилган кўпдан-кўп кулолчилик, тўкувчилик, темирчилик, шишагарлик ва бошқа хунармандчилик устахоналари қолдиклари, карвонсарой биноси ҳамда кўплаган тангаларнинг тошилиши ушбу шаҳарнинг катта савдо-сотик ва хунармандчилик маркази бўлганини кўрсатади.² Шаҳарлик қалъасидан шимолий-гарбдаги Оққалъя (Адок)гача, жануби-шарқдаги Ёрбакиркальягача майдонларда катта дехкончилик рустоглари мавжуд бўлиб, уларда етиширилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат ҳом ашёси йирик бозорларга чиқариб сотилган.

Сўл кирғоқ Хоразмда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва хоразмшоҳлар даврига оид манбаларда Субурна (Шоҳсанам), Жигарбанд, Садвар, Сафардиз, Кардаронхос (Қалъажик, Довудкалья), Саракуста, Мангқишлоқ, Нузвар (Бўлдумсоз), Совкан (Олмаотишган), Варгода (Варагда, Мунҷоқли), Куджаг (Тупроқкалья), Мадминия (Буғрохон), Гит (Пулжой), Қалъалик каби савдо марказлари ҳам бўлганлигини кўрсагади.

Ёкут Ҳамавий Хоразмнинг Субурна, Совкан шаҳарлари Хоразмнинг Мовароуннаҳр ва Хурсон вилоятлари билан олиб борилган савдо-сотик муносабатларида мухим роль ўйнаганлиги ва обод шаҳарлар бўлганлигини таъкидлаганди.³

¹ Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. С. 41–45; Вишиевская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях Левобережного Хорезма. С. 68–72. Бу ҳақда қаранг: Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961 гг. Т.II, вып. 7, с. 41–54; 54–73.

² Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. С. 41–45. Вишиевская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях Левобережного Хорезма. С. 68–72. Бу ҳақда қаранг: Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961 гг. Т.II, вып. 7, с. 53.

³ МИГТ, т. 1, с. 423–424.

Араб географи Ибн Руста Журжониядан 4 фарсак (28 км.) жа-нубда Варгода (Варагда) қишлоғи жойлашган деб ёзганди.¹ Археолог олимларнинг аниқлашича, Варгода IX–X асрларга келиб шаҳарга айланган ва унда ҳаёт то XIV асрдагача узлуксиз давом этган. Шаҳарнинг умумий майдони 20 гектардан ортиқ бўлиб, унинг қолдикларида турли-туман хунармандчилик буюмлари, сопол идишлар тошилиши шаҳарнинг Хоразмшоҳлар даврида йирик савдо-хунармандчилик маркази бўлганлигидан далолат беради. Шаҳар атрофларида кенг экинзорлар, қишлоқ ва каналлар излари, сугориш иншоатлари мавжуд бўлиб, у йирик дехкончилик рустоги маркази бўлганлигини ҳам кўрсатади.

Дехкончилик маркази бўлган шаҳар-қалъалар қаторига Мунҷоқли манзилгоҳидан 48 км. шимоли-гарбда жойлашган Қалъалик ва ундан яна 20 км. шимолроқда турган Тупроқкалья кирган. Ҳар икки манзилдан ҳам турли ихтисосликка мўлжалланган жуда кўп устахоналар (айниқса, кулолчилик ва шиша ясаш) тошилиши, уларнинг дехкончилик билан бир қаторда кичикроқ савдо-хунармандчилик марказлари ҳам бўлганлигини кўрсатади. Тупроқкальяни ўрганган археолог олимлардан Я.Ф.Гуломов ва В.Н.Ягодин уни араб географи ал-Истаҳрий эслатиб ўтган Куджаг шаҳри билан бир, деган фикрни билдирганлар.²

Тупроқкальядан тахминан 20–23 км. шимоли-шарқда IX асрда вужудга келган Буғрохон шаҳри ҳаробалари сақланиб қолган. Археологлар ушбу ёдгорликни ал-Истаҳрий, ал-Мақдисий асарларида ва “Худуд ал-олам” китобида кўрсатилган Мадминия (Мазминия, Мадкаминия ёки Бадминия) шаҳри бўлса керак, деган тахминни илгари сурадилар. Бундан ташқари, Мадминия – ибн Руста асаридаги Берабид шаҳри бўлса керак, деб кўрсатилганди.³ Буғрохон шаҳри Волгабўйи, Шарқий Европа ва кўчманчилар билан бўладиган муҳим савдо йўлида жойлашганлиги сабабли жуда тез ўсан. Қалъаарк, майдони 4 гектар бўлган шаҳристон ва 25 гектарга тенг рабод-

¹ Бу ҳақда қаранг: Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования левобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961 гг. Т.II, вып. 7, с. 77–79.

² Гуломов Я.Ғ. Қадимги Хоразмнинг сугорилиши тарихи. 161-бет; Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961, т. II, вып. 7, с. 83.

³ Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961, т. II, вып. 7, с. 90; Гуломов Я.Ғ. Қадимги Хоразмнинг сугорилиши тарихи 158-бет.

дан иборат бўлган. Ўрта асрларда шаҳар йирик савдо марказига айланган. Археологлар шаҳар қолдиқларини қазиб ўрганган чоғида турли хил буюмлар билан бирга катта бозор ўрнини аниқладилар.

Буғроҳон шаҳридан 36–37 км. гарбда яна бир йирик ўрта аср истеҳкоми – Пулжой шаҳри қолдиқлари ўрганилди. Археологлардан Я.Ф.Гуломов ва В.Н.Ягодин ушбу савдо марказини араб манбаларида тилга олинган Гит шаҳри билан таққослайдилар.¹ Олимларнинг фикрича, ушбу ёдгорлик IX–XI асрларда чегара истеҳкоми сифатида бунёд этилган. Хоразмшоҳ ануштагинийлар даврида эса Пулжой Волгабўйи ва Шарқий Европа билан бўлган савдо-сотик муносабатларида муҳим роль ўйнаган. Айниқса, ушбу савдо марказининг кўчманчи ҷарвадорлар билан бўлган иқтисодий муносабатларидағи ўрни бекиёс бўлган.

Х асрдаги араб ёзма манбаларида қайд этилган Миздаҳқон, Нузкат, Нуқфаг, Кардор, Баратегин, Жувакин, Шўроҳон каби тарақкиёти юксалган шаҳарлар билан бир қаторда сўл қирғоқ Хоразмда Даскоҳонхос, Рузунд, Вазарманд каби араб манбаларида тилга олинган шаҳарлар ҳам мавжуд бўлганки, ҳозиргача уларнинг аниқ ўрнини аниқлаш имконияти топилмасдан қолмоқда.

Мўғул-татарлар истилоси арафасида ўнг қирғоқ Хоразмнинг Гўвҳара канали ўтган жойлар анча гуллаб-яшинаганди. Археологлар бу ердан жуда кўп ўрта аср қалъалари, шаҳарлари қолдиқларини, рустоқлар изларини топиб ўргандилар. Ўрта асрларда Гўвҳара канали жуда катта узунылтика – 12 фарсах (72 км.)га эга бўлиб, унда кемалар ҳам қатнаган. XII–XIII асрларда Гўвҳара канали атрофларида мавжуд бўлган Норинжон, Гулдурсун, Жанпиқалъа, Қаватқалъа каби ярим истеҳком шаҳарлар яна-да кенгайган ва ривожланган.

Қаватқалъа атрофларида аҳоли жуда зич жойлашган бўлиб, улар кенг майдонларда дехқончилик билан шуғулланганлар. Шаҳар қолдиқларидан топилган буюмлар унинг дехқончилик рустоги маркази бўлиши билан бирга, йирик савдо ва хунармандчилик ривожланган шаҳар бўлганлигини кўрсатади. Шаҳар орқали Буюк Ипак ўринининг кичик тармоги ўтган ва Мовароунаҳр билан олди-сотди муносабатлари олиб борилган.

Буюк ипак йўли ўтган яна бир йирик савдо маркази Шўраҳон шаҳри эди. Шаҳар Хоразмни Мовароунаҳр билан боғловчи ва ўрта

¹ Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи, с. 96; Гуломов Я.Ф. Кадимги Хоразмнинг сугорилиши тарихи. 159-бет.

асрларда машҳур бўлган Сепоя (Уч Ўчоқ) савдо йўлида жойлаштиди. Гўвҳара канали атрофидаги дехқончилик қилинадиган ерлар ёки Шўраҳон шаҳри яқинидан бошланган.

Ўз даврида ўнг қирғоқ Хоразмда жойлашган (ҳозир сўл қирғоқда) яна бир йирик савдо маркази – Миздаҳқон шаҳри бўлган. Араб сайёҳи Мақдисий ўнг қирғоқ Хоразмдан ўтган қадимги учта асосий савдо йўли ҳам Миздаҳқондан ўтади деб ёзганди.¹ Миздаҳқон фақат йирик рустоқ маркази бўлиши билан бирга, энг йирик савдо маркази ҳисобланган. Миздаҳқонда бирлашган савдо йўллари кейинчалик Амударёдаги асосий кечув орқали Гурганжга қараб кетган. Миздаҳқон кўчманчилар (айниқса, ўғузларга) худудларига яқин жойлашганлиги сабабли, улар билан бўладиган савдо-сотик шлоқаларида ҳам муҳим марказ вазифасини ҳам бажарган.

Араб сайёҳи ал-Мақдисий тилга олган Хоразмнинг Нузкат, Нуқфаг, Баратегин ва Жувакин шаҳарлари тўғрисида бошқа манбаларда маълумотлар учрамаса-да, уларнинг мўғуллар босқини арафасида йирик савдо марказлари қаторида турганлигини тахмин қиласа бўлади. Ёқут Ҳамавий XIII аср бошларида Нузкатни Гурганж яқинидаги шаҳарча сифатида тилга олганди.² Археолог Я.Ф.Гуломов Нузкатни Жумиртов этагидаги Жумриқалъа ҳаробаси ўрида бўлган, деган фикр билдирганди. Олим яна Жувакинни Куюқалъа, Нуқбог (Нуқфаг)ни Эски Порсу, Баратегинни эса Кизқалъа ёдгорликлари ўрнига тўғри келиши мумкин деб ҳисоблаганди.³

XII аср ўрталаридан – XIII аср бошигача бўлган давр, ҳақиқатан ҳам, Хоразм савдо марказларининг энг гуллаб-яшинаган даври ҳисобланади. Хоразмшоҳ ануштагинийларнинг сўнгги ҳукмдорларидан бири – Аловуддин Мухаммад (1200–1220) даврида Хоразм давлати тараққиётининг энг юкори чўққисига чиқкан бўлиб, ҳудудий ва ҳарбий жиҳатдан дунёда тенги йўқ қудратли давлат эди. Хоразмшоҳлар давлатига 27 та ҳокимлик бўйсундирилган бўлиб, ташқаридан назар солгандагина у буюк империя сифатида енгилмас куч-қудратга эга салтанатдек туюларди. Аммо давлатнинг ички ҳаётидаги кўчманчи турк қабилаларидан иборат улкан армия лашкарбошилари, қабила сардорлари ва махаллий зодагонлар ўртасида бошланган очик ва хуфиёна сиёсий кураш мамлакатни ҳалокат ёқа-

¹ МИТТ, т. I, с. 206.

² МИТТ, т. I, с. 436.

³ Гуломов Я.Ф. Кадимги Хоразмнинг сугорилиши тарихи. 156 – 158-бетлар.

сига келтириб кўйганди. Натижада Хоразм мўгуллар хужумига дош бера олмади. Мўгуллар босқини натижасида Хоразмдаги савдо-сотик муносабатлари инқироз ҳолатига тушиб қолди. Тохирия, Дарғон, Жигарбанд, Садвар, Кардаронхос, Совкан, Ардахушмисан, Нузвор, Гулдурсун, Шўрохон, Норинжон, Қаватқалъа, Миздаҳқон, Кердор каби савдо ўйлидаги шаҳар ва қальалар абадий харобазорларга айланаб қолди.

Вакт ўтиши билан, Хоразм шаҳарлар ва қишлоқларидағи ҳаёт яна жонлана бошлади. Солиқ ва ўлпоилар ҳажмини оширишга интилган мўгуллар Хоразмдаги аҳоли сонини оширишдан манфаатдорлигини яширмадилар. Мўгул ҳоқони Ўгадойхон (1229–1239) буйруғи билан Мўгулистандаги хоразмлик асиirlарнинг бир кисмини ўз юргита қайтариш ҳақида фармон берди. Мўгул империяси улуслари ўртасида иқтисодий алоқаларни кучайтириш мақсадида карвонлар ёрдамида савдо-сотик муносабатлари ўрнатилиди. Олтин Ўрданинг Сарой Берка, Сарой Боту ва Гурганж шаҳарлари йирик савдо марказлари сифатида бутун мўгуллар империясида муҳим роль ўйнай бошладилар. Хоразмнинг Волга бўйлари ва Шарқий Европа билан савдо муносабатлари жонланишида, айниқса, Гурганж шахрининг ўрни муҳим эди. Йирик савдо-хунармандчилик ҳамда маданий марказ сифатида шаҳар аста-секин букилган қаддини тиклай бошлади. XIII–XIV асрлардаги Урганч шаҳри майдонининг катталиги ва унда мавжуд бўлган иморатлар излари, маданий қатламнинг миқдори ва қалинлиги шаҳарнинг иқтисодий кўтарилиш босқичига кирганидан далолат беради.

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб мўгуллар вайрон қилган шаҳарлар тиклана бошлади ва янгилари барпо қилинди. Суғориш ишиштотларининг тикланиши ва қайта таъмирланиши дехқончиликни ривожлантиришга асос яратди. Шаҳарлар ва кўпгина рабодларнинг мудофаа деворлари бузуб ташланганди. 1333 йилда Хоразмда бўлган араб сайёҳи Ибн Battутa воҳада табиий бойликлар мўл ва савдо-сотик ривожланганигини кўргая. Урганч ҳақида у: “Бу – туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажо-иб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ва жозибадор, кўркам жойлари бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки, у мавжланиб турган денгизни эслатади. Бир куни шаҳардан отда ўтиб бораётib, бозорга кирдим, ярмига етганимда, “шўр” деб аталадиган жуда гавжум жойдан чиқиб қолдим. Одам шунчалик ту-

монат эдики, мен олдинга ҳам, ортимга ҳам силжий олмадим”,¹ – деб Ўзганди. Хоразмга келгунинг қадар Ибн Battutа Қохира ва Дашибик каби йирик шаҳарларда бўлган ҳамда йириклиги ва гавжумнинг билан Урганчни уларга қиёслаган.

Олтин Ўрда даврида қайтадан тикланган Урганч шаҳри Буюк Ишак йўлининг шимолий тармоғидаги Волгабўйи, Дашиби Қипчоқ ва Шарқий Европа мамлакатлари билан боғловчи асосий марказ сифатида яна муҳим аҳамият касб этган. Ибн ал-Асир маълумотларига кўра, Жебе ва Субугой нуён бошлиқ мўгуллар кўшинлари юриши даврида тўхтаган Дашиби Қипчоқ билан боғловчи карвон йўли Олтин Ўрда даврида яна қайтадан ишлай бошлади.² Худди шу даврда Марказий Осиёни Хитой ва Ҳиндистон билан боғловчи Буюк Ишак йўлининг жанубий тармоғи ҳам тикланганлигини ёзма манбалар билан бир қаторда, археологик маълумотлар ҳам тасдиқайди.

Археологик тадқиқотлар вактида Хоразм худудидан Хитой селадони ва Эроннинг “миной” типидаги қандилсимон идиш-төвоклари жуда кўп микдорда топилган. Хоразм ажнабий моллар айрбошланадиган йирик бозор ва боғловчи ҳалқа бўлиши билан бир қаторда, ўзи ҳам турли-туман маҳсулотлар етказиб берувчи мамлакат бўлган. Ибн Battutанинг кўрсатишича, илгаридан жаҳонга донги кетган Хоразм қовунларига талаб катта бўлиб, у куритилган ҳолда Ҳиндистон ва Хитойгача чиқарилган³.

XIV аср бошларида Олтин Ўрда таркибига кирган Шимолий Хоразмнинг Урганч, Миздаҳқон каби шаҳарлари қаторида турган йирик савдо-хунармандчилик марказларидан бири сифатида тикланган Шемахақалъанинг роли орта борди. Устюртнинг жанубий-шарқида жойлашган ушбу истеҳком қолдикларини ўрганган С.П. Толстов уни XVI–XVII асрларда мавжуд бўлган Тирсак қалъаси билан бир, деган хulosага келганди. Ўз навбатида, археолог Я.Ф.Гуломов Шемахақалъани Девкесканқалъа (Вазир) харобаларидан 7–8 км. шарқда жойлашган Кумкенд қишлоғи билан бир, деган фикри билдирганди. Ҳар иккала таникли олимнинг маълумотлари кейинги даврда шубҳа остига олинди. Натижада, Шемахақалъа кўпроқ XVI–

¹ Иброяхимов Н. Ибн Battutа ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. 58-бет.

² Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. I, с. 112.

³ Иброяхимов Н. Ибн Battutа ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. 62-бет.

XVII аср маңбаларида тилга олинган Янгишаҳар, деган таҳмин илгари сурилди.¹

Хоразмшоҳ ануштагинийлар даврида курилган Шемаҳақалъанинг гуллаб-яшинаган вақти Олтин Ўрда даврига тўғри келади. Ушбу калья атрофида мудофаа инишотлари йўқ бўлиб, унинг ахолиси шу давр сиёсий ҳаётига боғлик равишда тинч шароитда яшаган. Хоразм археологик-этнографик экспедицияси ходимлари томонидан шаҳар қолдиклари ўрганилган вақтда ҳунармандчилик маҳаллалари, кулоччилик, металл қуиши устахоналари топилди. Бир вақтлар муҳим савдо маркази ҳисобланган ушбу шаҳардан жуда кўплаган Олтин Ўрда хонлари танглари ҳам топилган.

XIII аср охирларига келиб мўғуллар вайрон қилган Замахшар ва Давронқалъя соралиғидаги дехқончилик ҳудудлари қайтадан тикланган бўлса-да, улар душман босқинидан олдинги мавқеига кўтарила олмаганди. Бунга қарама-қарши ўлароқ, Шимолий Давсон ва Дарёлик оралиғидаги ҳудуд нисбатан тез ривожлана бошлаган. Бундай тараққиёт излари Амударёning Оролбўйи дельтасининг чап қирғоғида жойлашган савдо маркази – Мунҷоқли ва ундан 36 км. шимоли-гарбдаги Катанли (Катанқалъя) шаҳарлари ҳаётида ҳам кўзга ташланганди.

Хоразмнинг Россия ва Шарқий Европа билан савдо-сотиқ алоқаларида Куджаг (Қальъалик), Мадминия (Бугроҳон), Гит (Пулжой) шаҳарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эдилар. Ушбу шаҳарлар бозорларида Эрон, Кавказорти, Ҳиндистон ва Хитойдан келтирилган моллар кўплаб сотилган. Гит, Мадминия ва Куджаг шаҳарлари ийрик дехқончилик рустоқлари ва ҳунармандчилик марказлари ҳам ҳисобланган. Ўз даврида гуркираб турган Устюрт олди ва Коракум яқ-нидаги шаҳарларнинг ҳаёти фожиали тугади. Амударёning оқими ўзгариши оқибатида Каспий денгизи томонга оқкан ўзанлар қуриб қолди. Натижада XIV аср II ярмида Девкескан, Шоҳсанам, Қалалиқ, Ақча келин каби шаҳарларда ҳаёт сўна бошлади. XV асрга келиб Пулжой шаҳри Орол денгизи остида қолиб кетди.

Хоразмшоҳлар даврининг ийрик савдо маркази бўлмиш Ёрбакирқалъя қолдикларидаги карвонсаройлар, ҳунармандчилик устахоналари қолдиқлари археологлар томонидан текширилганда Олтин

Ўрда хонларидан Жонибек (1345–1346) ва Бердикек (1357–1359) номидан зарб қилинган танглар кўплаб топилган.¹ Ушбу ҳолат Шаҳарлик ҳаробалари ўрганилган вақтда ҳам аниқланди. Шаҳар қанилган вақтда топилган 400 га яқин танглар орасида 2 таси хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Такаш, 5 таси темурийлар ва 305 таси Олтин Ўрда хонлари номидан 1301–1388 йиллар оралиғида зарб қилинганини аниқланди.² Топилмалар орасида Ҳиндистондан келтирилган молларнинг борлиги узок вақт давом этган инқироздан кейин Хоразм билан айrim мамалакатлар ўртасида савдо-сотиқ муносабатлари қайта тикланганлигини тасдиқлайди.

XIII аср охирларига келиб Хива шаҳри қайта тикланди ва унинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган ҳунармандчилик соҳалари маҳсулотлари ички ва ташки бозорга кўплаб чиқарила бошланди. Кулочлар кошинкор идишлар ишлаб чиқариш ва сопол идишларга бадиий ишлов беришида турли-туман янги усусларни кўллай бошладилар. Жумладан, идишлар сиртига сержило ранглар бериш, ўсимлик ва жониворлар суратларини чизиш, қабариқ нақшлар солиши ва тамға босиши ишлари такомиллаштирилди.

XIII–XIV асрларда Хива шаҳри ҳунармандчилигига мавжуд бўлган тараққиёт, кейинги асрларда яна юқори поғонага кўтарилди. Буюк Ипак йўлида турган Хива Хоразмнинг бошқа шаҳарлари каби Олтин Ўрда тасарруфига кирган шимолий ерлар билан савдо-сотиқ алоқаларини кучайтириди. Шу билан бир қаторда, жанубий ҳудудларга ҳам кўплаган моллар Хива шаҳри орқали ўтаказила бошланди. Амир Темурнинг 1400–1401 йилларда зарб қилдирган кумуш танглари Хивадаги археологик тадқиқотлар вақтида топилганлиги ушбу шаҳарларнинг Мовароуннаҳр билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берилганидан далолатdir.³

Сўл қирғоқ Хоразмда бир оз жонланиш кўзга ташланган бир вақтда унинг ўнг қирғоқ ҳудудларида ҳали ҳам тушкунлик ҳолатлари сақланиб турарди. Машхур сайёҳ Иби Battутa ӯз хотиралирида Урганчдан Каттагача бўлган масофада “аҳоли яшайдиган қишлоқларни учратмаган”лиги ҳақида сўз юритади. Шу билан бир қаторда, Иби Battutанинг фикрлари бироз шубҳа ҳам туғдиради. Илгари Буҳорога олиб борувчи йўлда жуда кўплаган обод қишлоқ ва шаҳар-

¹ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 332-бет. Ғуломов Я.Ф. Қадимги Хоразмнинг суторијли тарихи, 182-бет; Вактурская Н.И. О средневековых городах Хорезма. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961, МХЭ, т. 7, с. 41–45.

² Вактурская Н.И. О средневековых городах Хорезма. МХЭ, т. 7, с. 41–45.

³ Ўша жойда, 53-бет.

³ Хива – минг гумбаз шаҳри. Т., «Шарқ», 1997, 29–30-бетлар.

лар бўлганлигини барча Хоразмга келган савдогар ва сайёхлар қайд қилган. Мўгуллар босқини вактида вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқларнинг аксарияти XV аср бошларида ўз қаддини тиклаганлигини археологик тадқиқотлар натижалари тасдиқлаб берган. Афтидан, сайёқ Ибн Баттута ўзи ўтган йўлда катта ва обод қишлоқларни кўрмаганлиги ҳақида фикр юритган бўлса керак.

Археологик тадқиқотлар Шўрахон шаҳрининг мўгуллар ҳукмронлиги ва ундан кейинги даврларда ҳам йирик савдо ва хунармандчилик маркази бўлиб қолганлигини кўрсатади. Жанубий Хоразм пойтахти Кат ўзининг илгариги юксаклигини тиклай олмаган бўлса-да, Мовароуннаҳр билан савдо-сотик муносабатларида муҳим стратегик марказ бўлиб қолаверди.

Хоразмда бошланган хўжалик юксалиши, унга бирлашиш ва мустақилликка эришиш учун имконият яратди. Ўзбекхоннинг вафоти натижасида Олтин Ўрдада бошланган парокандаликдан фойдаланган Хоразмдаги ноиб Кутлуг Темур марказий ҳукуматдан мустақил сиёsat юргиза бошлади. Кейинги йилларда Ўрда хони Бердивек вафотидан фойдаланган Қўнғирот сўфилари иноқи Ҳусайн бошчилигига Шимолий ва Жанубий Хоразм бирлаштирилди. 1359–1388 йилларгача давом этган Хоразмда сўфиларнинг бошқаруви вактида олтин динор ва аноним тангалар зарб қилиниб, савдо-сотик муомаласига киритилди. Хоразмда маҳаллий пуллар билан бир қаторда 1379, 1380, 1391 йилларда Олтин Ўрда хони Тўхтамиш номидан зарб қилинган кумуш тангалар ҳам муомала воситаси сифатида ишлатиларди.¹

Хоразмнинг мустақиллиги ва Олтин Ўрда сиёсати доирасида айланиши Мовароуннаҳрни марказ қилиб, йирик давлат барпо этишга интилаётган Амир Темур олиб бораётган сиёсатга тўсиқ бўла бошлаганди. Ўзини Чигатой улуси таркибига кирган барча ерлар, шу жумладан, Жанубий Хоразмнинг ҳам ҳукмдори хисоблаган соҳибқирон сўфиларнинг бирлаштириш ҳаракатларига чек қўйишга биринчи даражали масала деб қаради. Шу боис итоат этишдан бош тортган Хоразмга 1372–1388 йиллар оралиғида Амир Темур 5 марта ҳарбий кучларини юборди. Охир-оқибатда Хоразмда сўфилар сулоласи ҳукмронлиги тугатилди.

¹ Мамбетуллаев М., Ходжаниязов Г. Живинский клад // «Вестник» ККО АН РУз., 2003, №5, с. 68–70.

Темур Олтин Ўрдага қарши ҳарбий юришлари вактида йирик сиёсий-иктисодий ва савдо-сотик марказлари хисобланган Сарой Богу, Сарой Берка ва Ҳожитархон шаҳарларини вайрон қилди. Натижада Буюк Ипак йўлининг Олтин Ўрда худуди орқали ўтган шимолий карвон йўллари Мовароуннаҳр орқали ўтадиган бўлди. Амир Темурнинг улкан, кучли ва марказлашган давлат тузишга эришиши бу худудда сиёсий барқарорликни таъминлади. Бу эса, ўз навбатиди, иктисодиёт юксалишига, савдо-сотикнинг кенгайишига имкон яратди. Темур ва унинг маҳаллий амалдорлари Хитой ва Ҳиндистондан Марказий Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига олиб борадиган ҳалқаро савдо йўлларида карвонлар ҳафузлигини таъминлашнинг муҳим чора-тадбирларини кўрадилар. Натижада Мовароуннаҳрда Шарқ билан Фарб ўртасида савдо-сотик ва элчилик алоказаларини ҳар томонлама ривожлантиришга эришилди.

Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий каби Амир Темур салтанати тарихини ёзган алломалар Хоразмдаги Вазир, Тирсак, Янгишаҳар (Шемахақалъя), Адок (Оққалъя), Кумкенд, Бағдолик, Хива, Урганч каби шаҳарларда ҳаёт изга тушганлиги, хунарманд ва савдогарларнинг иши юришиб кетганлиги ҳақида гувоҳлик берганлар. Гарчи бу шаҳарлар Хоразмшоҳ аншутагинийлар ва Олтин Ўрда давридаги даражага кўтарила олмаган бўлсалар-да, аммо серқатнов савдо йўлларида жойлашганлиги сабабли аҳолисининг турмуши учун керакли бўлган кўплаб молларни арzon нарҳларда олиш ва ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш имкониятларига эга бўлганлар.

Амир Темур вафотидан кейин унинг ворислари ўртасида бошланган ўзаро курашлар Хоразмнинг иктисодий ва сиёсий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. 1405 йилда уни Олтин Ўрда лашкарбошиси Едигей истило қилди. 1413 йилда эса Мовароуннаҳр ҳокими Улугбекнинг оталиги Шоҳ Малик Хоразмни яна темурийлар салтанатига бўйсундирди. Кейинги даврда ҳам Хоразм тинч, осойишта турмуш кечириш имкониятидан маҳрум этилди. Воҳада гоҳ темурийлар, гоҳ Олтин Ўрда, гоҳ Даشتни Кипчоқ ўзбеклари кўшинлари пайдо бўлар ва улар ўргасидаги қонли жангларда минглаган аҳолининг қирилиши билан бир қаторда, дехқончилик ва чорвачилик учун қулай ерлардан ризқ-насиба этиштириб олиш имкониятларини чеклаб қўярди.

Темурий шаҳзодаларнинг Хоразм ҳудуди учун олиб борган урушлари Абулхайр бошлиқ кўчманчи ўзбеклар учун талончилик юришларига турткি берди. Гарчи улар 1430 йилда Хоразмга биринчи марта юриш қылган чоғларида ўлат касаллиги тарқалганидан чўчиб, орқага қайтган бўлсалар-да, кейинги йилларда воҳа атрофидағи чўл ҳудудларини эгаллашни давом эттирилар. Оқибатда, нотинчлик мавжуд бўлган бир шароитда савдо карвонлари Хоразмни четглаб ўта бошладилар. Ушбу нокулай шароитга Даشت Қіпчоқдаги ўзбек хонлари ва сultonлари ўртасидаги ўзаро кураш ҳам таъсир қылганди. Шу боис Шарқий Европа мамлакатлари ва Россия давлати билан савдо-сотик алоқаларини амалга ошириш ҳисобидан жуда катта манфаат кўрган Хоразмнинг шаҳарларидағи бозорларда нархнаво жуда юкори даражага кўтарилилган. Айниқса, хунармандлар учун зарур ҳом ашёлар, металлдан дехқончилик учун зарур меҳнат куроллари ва ҳарбий эҳтиёжлар учун ишлаб чиқариладиган аслаҳаларга талаб ҳаддан ташқари ортиб кетди.

Воҳадаги сиёсий бекарорлик ва иктиносидий тушкунлик оқибатида ички ва ташқи савдо-сотик алоқалари ҳаддан ташқари сусайиб кетганди. Натижада XVI асрга келиб, Буюк Ипак йўли ҳам деярли ўз фаолиятини тўхтатди. Бу ҳолат Хоразмнинг йирик савдо-сотик марказлари фаолиятининг қисқаришига ва уларнинг илгариги аҳамияти деярли йўқолишига олиб келди.

1.2. Хоразмнинг Марказий Осиё ички савдосида туттаги ўрни

Жаҳон савдо-сотик муносабатларида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган Хоразм, биринчи навбатда, кўшни ҳудудлардаги давлатлар ва йирик шаҳарлар билан алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қылган. Чунки савдо-сотик муносабатлари молиявий жиҳатдан жуда катта фойда келтириши билан бир қаторда ўзаро тинчлик ва осоишиштилики сақлаш кафолати ҳам ҳисобланган. Шу сабабдан Хоразм давлати сиёсий арбоблари Мовароуннахрдаги ижтимоий-иктиносидий ҳаётни доимо кузатиб туришган ва етилган арим муаммоларни қурол-аслаҳа ўрнига икки томонлама олди-сотди ва дипломатия имкониятлари ҳисобига ечишга ҳаракат қылганлар.

IX–X асрлардаги сомонийлар хукмронлиги даврида Мовароуннахрнинг хўжалик тараққиёти Яқин ва Ўрта Шарқда етакчи ҳисобланарди. Ўлгадаги шаҳарлар ва қишлоқлар, ўтрок дехқончилик

мишслари билан кўчманчи қабилалар ҳудудлари ўртасидаги маҳсулоти айирбошлишнинг кучайиб бориши карвонлар ёрдамидаги савдо-сотик муносабатларининг ўсишига, қишлоқ хўжалиги, кон ишнишири ва хунармандчилик соҳаларининг ривожланишига ижобий омил бўлди.

Мусулмон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини ишлаб Мовароуннахрда ривожланган дехқончилик ва хунармандчилик ўлка эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, четга ҳам жуди кўп микдорда маҳсулотлар чиқариш имкониятини яратганди.¹ Ал-Истаҳрийнинг таъкидлашича: “Мовароуннахрнинг ўзида ишлаб чиқариладиган моддий бойликлар шунчалик мўлки, бу ернинг ахолиси, бошқа мамлакатлардан маҳсулотлар олмасдан ҳам ўз эҳтиёжларини қондира олардилар”². Ёзма манбалардаги маълумотларига қараганда, IX–XV асрларда Зарафшон, Қашқадарё, Хоразм воҳалари, Фарғона, Элоқ, Шошда дехқончилик ва боғдорчилик соҳаларида маълум бўлган барча маҳсулотлар етиширилган, хунармандлар ёса аҳоли эҳтиёжи учун зарур ҳамма асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга кодир бўлғанлар. Зарафшон водийсини тасвирлаган ал-Истаҳрий унинг унумдорлигига қойил қолиб, Бухоро воҳасини мовий осмон гумбази остига тўшалган ва қасрлар билан нақшланган ямияшил гиламга ўҳшатади.³ Гурганжда хунармандчиликнинг барча турларининг ниҳоятда ривожланганини кўрган Закарие Қазвиний ҳайратда қолганилигини ёзади.⁴

Мовароуннахр иктиносидиётининг ривожланиши шаҳарларнинг кенгайиши ҳамда уларда ички ва ташқи савдо учун керакли маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришга шароит яратди. Ўлгадаги Самирқанд, Бухоро, Гурганж, Шош, Балх, Ҳирот, Марв, Жанд, Банокат, Ҳарашкет, Ўзган, Косон, Ахсикет, Ўтрор, Термиз, Кува каби шаҳарлар Ўрта Шарқнинг энг йирик хунармандчилик ва савдо марказлари қаторидан ўрин олганди. Буюк Ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳарлар ўлка иктиносидиёти учун муҳим роль ўйнаганлар. Агар илгари араб халифалиги даврида карвон савдоси факат зебзийнат буюмлари, серҳашам ва қимматбаҳо моллардан, масалан, ипак ва пахта товарларининг энг яхши навлари, кумуш ва олтин

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. С. 295.

² Ўша жойда, 295-бет.

³ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. С. 290.

⁴ Буниевов З.М. Агуултегин Хоразмшоҳлар давлати. 135-бет.

идишлар, олтин, кумуш ва нозик тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ҳамда қимматбаҳо курол-яроғлардан иборат бўлганлиги қайд этилса, X асрда асосий ва биринчи даражали зарур моллар қаторидан озиқ-овқат маҳсулотлари, хунармандчилик асбоб-ускунлари ясаш учун керакли бўлган ҳом ашё асосий ўринни эгалай бошлаган.

Араб сайёхи ал-Мақдисийнинг манбаларини таҳлил қилган шарқшунос В.В.Бартольд асарларида келтирилган маълумотларга караганда, мӯгуллар истилоси арафасида Мовароуннахрнинг турли вилоят, шаҳар ва қишлоқларидан четта қуидаги маҳсулотлар чиқарилган: Термиздан – совун, фата ва қайиқлар; Бухородан – юмшоқ матолар, жойнамозлар, гиламлар, палослар, мис чироқлар; Табаристондан – матолар, узангилар, мой, қўй жуни, сочга суртиладиган мойлар, қовунлар; Карманадан – сочиқлар; Добусия ва Вадордан – ҳаонга машхур водор матолари; Рабинжондан – қизил жундан тўқилган кишки чакмонлар, жойнамозлар, қалайи идишлар, тери, пишиқ каноп мато, олтингугурт; Самарқанддан – симгун, мис қозонлар, чодирлар, узангилар, қайиш-камарлар, баҳмаллар (у туркларга сотилган), қизил рангли мамаражил, синизи матолари ва кўплаб ипак ва ипакли матолар, чақилган ва чақилмаган ёнғоқлар ва ипак қоғозлар; Жиззахдан – аъло нав жун матолардан тикилган либослар; Банокатдан – Туркистон матолари; Шошдан – от терисидан тайёрланган баланд эгарлар, зирҳ-совутлар, чодирлар, терилар (турклардан олиб келиб ошланган), чакмонлар, жойнамозлар, елкапўшлар, дон-дун, ажойиб ўқёйлар, паст сифатли игналар, паҳта толасидан тўқилган матолар (асосан, туркларга сотилган), қайчилар, идиш-төвоклар; Фарғона ва Исфижобдан – турк куллари, оқ мато, мудофаа қуроллари, шамширлар, мис, темир; Тароз (Талас)дан – эчки жунлари; Шелжадан – кумуш; Туркистон ва Хутталондан – отхачирлар чиқарилган.¹

Ўрта аср олимларидан ал-Истаҳрий, Гардизий, Ибн Ҳавқал, Ёкут Ҳамавий ва бошқалар маълумотларига кўра Мовароуннахрнинг тоғли минтақаларида қадимдан мавжуд тоғ-кончиллик тармоклари X–XV асрлар оралиғида ғоят тараққий қилганди. Шош вилояти, Фарғона водийси, Нурота, Уструшона, Хўжанд, Бадахшон ва Зарафшон тоғларидан темир, мис, кўргошин, олтин, кумуш, феруза

тошлар, кўмир ва нефть қазиб олинган. Кумуш ва кўргошин олинадиган йирик марказлардан бири ҳисобланган Элоқ вилоятидаги Корамозор тоги, Кўҳисим ва Кони-Мансур конларидан олтин, мис, темир ва феруза каби маъданлар ҳам қазиб олинган. Рангли металлар кўплаб қазиб олинган Элоқда Мовароуннахрдаги энг йирик зарбхона фаолият юритган. Ўз кумуш конларига эга бўлмаган Шарқий Европа мамлакатлари савдогарлари Ўрта Осиёдан жуда кўплаган сомонийлар давлатига мансу кумуш тангаларни олиб кетишган ва уларнинг айримлари археологик тадқиқотлар вактида топилган.

Мовароуннахрда темирчилик соҳаси ҳам жуда катта хўжалик аҳамиятига эга бўлган. Ибн Ҳавқал маълумотига кўра, Уструшонадаги иксита жойда – Минк ва Марсмандада жуда кўп микдорда темир рудаси қазиб олинган. Бир қисми шу жойда ва қолгани эса Фарғонадаги металл эритиш ўчокларида қайта ишланган. Темирга ўлканинг йирик хунармандчилик марказларида ишлов берилган. Минк ва Марсмандада металлдан тайёрланган турли хил буюмлар Хурросон бозорларида кўплаб сотилган ҳамда Богдодгача етиб борган.² Марсмандада ҳар ой бошида бир кунлик ярмарка ўтказилган бўлиб, шу куни бозорлар бутун мусулмон шарқидан савдогарлар билан тўла бўларди.

Фарғона водийси ҳам фойдали қазилма бойликларга бой бўлиб, унинг атрофидаги тоғлардан темир, кўргошин, кумуш, симоб, мис, қалай, феруза, новшадил каби нодир металл ва минераллар қазиб олинган. Ал-Мақдисий Фарғонадан мис ва темирдан тайёрланган курол-яроғлар ҳамда турли хил уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарилгани ҳақида ёзиб қолдирганди. Ал-Истаҳрий Исфарадан тош-кўмир ҳам қазиб чиқарилгани ва ундан турли мақсадларда фойдаланилганлигини кўрсатган.³ Фарғонада қадимдан нефть қазиб олишни билишган ва ундан X–XV асрларда кўпроқ ҳарбий мақсадларда фойдаланилган.

Мовароуннахрнинг хўжалик ва савдо ҳаётида Хоразмнинг ўзига хос ўрни бўлган. Ибн Фадлан, ал-Мақдисий, ал-Истаҳрий, Ибн Руста каби араб олимлари Хоразмни Мовароуннахрнинг ташки савдосида жуда катта роль ўйнаган, айникса, Шарқий Европа, Волгабўйи ва Сибирь ҳалқлари билан бўладиган транзит савдода асос

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. С. 294–295.

² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. С. 298.

³ Уша жойда, 298-бет.

³ Уша жойда.

сий боғловчи ҳалқа сифатида беқиёс катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлар.¹ Кейинги даврларда ҳам Хоразмнинг Волгабўйи, Шарқий Европа, кўчманчилар дунёси, Хурсон, Эрон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой, кўшни Мовароуннахр худудлари билан бўлган савдо алоқалари йиллар ўтиб, кенгайса-кенгайланки, асло, тўхтаб қолмаган.

Хоразмнинг Мовароуннахр билан олиб борган савдо-сотик алоқалари ҳақида X–XV аср ёзма манбаларда мавжуд маълумотларни археологик тадқиқотлар натижалари билан тўлдириш ва аниқлаштириш имкониятлари кенгайди. Баъзи ҳолларда олимлар ўз вактида ал-Истаҳрий, ал-Мақдисий каби сайёҳларнинг Хоразмнинг савдо-сотик йўллари хусусида қолдириган маълумотларини археологик изланишилар хуносалари билан тақослашга ҳаракатлар килинмоқда. Хусусан, ал-Истаҳрий Ҳазораспдан Катгача бўлган йўлни тасвирилашга ҳаракат қиласкан уни қўйидаги бўлакларга бўлиб кўрсатган: Ҳазорасп–Кардараҳос оралиғи 3 фарсах (1 фарсах – 6–8 км.); Кардараҳос–Хива – 5 фарсах; Хива–Сафардиз – 5 фарсах; Сафардиз–Кат – 3 фарсах.² Ҳозирги кунда Кардараҳос қалъаси Бофот туманидаги Қалъажиқка, Сафардизни Хонқа яқинидаги Мадир қишлоғига, Катни ҳозирги Беруний шаҳрига тўғри келишини хисобга оладиган бўлсак, ал-Истаҳрий келтириб ўтган ўлчовлар бугунги кундаги ўлчов бирликларига тахминан тўғри келади. Аммо нима учун Ҳазораспдан Катга бориш учун Қалъажиқ, Хива, Сафардиз орқали ўтадиган ҳалқа йўлдан юриш лозим бўлган? Балки, бу даврда Амударё ўзани Хоразм воҳасининг Қорақум саҳросига яқин ерлардан ўтганлиги сабабли сайёҳлар ва савдогарлар айланма йўллардан юришга мажбур бўлишгандирлар?

Ўз навбатида, ал-Мақдисий Хоразмнинг ички савдо йўллари ҳақида маълумотлар қолдириган бўлиб, Ҳазорасп ва Гурганж шаҳарлари орасидаги масофа қўйидагича тасвириланган:

Ҳазорасп–Зардуҳ (ўнг қирғоқда) – 2 барид (1 барид – 2 фарсахга тенг, тўхташ жойи); Кардараҳос – 1 тўхташ жойи; Хива – 2 тўхташ жойи; Рахушмитан ёки Ардаҳушмитан – 1 тўхташ жойи; Даскананхос – 1 ўтиш жойи; Узарманҷ – ёки Вазарманҷ – 2 тўхташ

жойи; Рузунд – 1 тўхташ жойи; Нузвар – 2 ўтиш жойи; Замахшар – 1 ўтиш жойи; Гурганж – 1 ўтиш жойи.¹

Ал-Мақдисий ўз асарларида Работи Мош карвоисаройидан Миздаҳқонга, Миздаҳқондан Кардоргача ҳамда Работи Мошдан Кат ва Нукбоғача бўлган йўллар ҳақида куйидагиларни ёзib қолдирган:

Работи Мош – 1 ўтиш жойи; Работи Санде – 1 ўтиш жойи; Боқирғон – 1 ўтиш жойи; Шўроҳон – 1 ўтиш жойи; Кат – 1 ўтиш жойи; Хас – 1 ўтиш жойи; Нузкат – 2 тўхташ жойи; Вайхон – 1 ўтиш жойи; Нукбоғ – 1 ўтиш жойи; Миздаҳқон – 2 ўтиш жойи (кум орқали).

Работи Мошдан бошланган йўл: Амир – 1 ўтиш жойи; Барабар – 2 ўтиш жойи; Ардахива – 1 ўтиш жойи.

Катдан бошланган йўл: Гардман – 1 ўтиш жойи; Вайхон – 2 тўхташ жойи; Ардахива – 1 тўхташ жойи; Нукбоғ – 1 ўтиш жойи.

Миздаҳқон – Кардор оралиғи: Миздаҳқон–Дарсон – 2 тўхташ жойи; Кардор – 1 ўтиш жойи; Жувикан – 2 тўхташ жойи; Боратегин – 1 ўтиш жойи; Кўл қирғоғи – 1 ўтиш жойи; Вардраг – 1 ўтиш жойи; Кардор – 1 ўтиш жойи.²

Хоразмнинг ташки савдо-сотик йўллари ҳақида тўхталган ал-Мақдисий Бухородан Амударёгача бўлган жойлар ҳақида куйидагиларни қайд этади:

Бухоро–Амза – 2 тўхташ жойи; Тош (работ) – 1 ўтиш жойи; Шурух – 1 ўтиш жойи; Ар-рамл (кумлик) – 1 ўтиш жойи; Тўғон работи – 1 ўтиш жойи; Жигарбанд работи – 1 ўтиш жойи.³

Археолог олимлар томонидан юқорида тилга олинган тарихий жойларни ўрганилиш жараённида уларнинг баъзиларининг ўрнини тўла аниқлаш имкони бўлмаган. Устига айрим манбаларда мавжуд чалкашликлар ҳам тадқиқот ишини мураккаблаштириди. Агар Хоразм билан Мовароуннахрни боғловчи савдо йўлларини ва унда жойлашган савдо марказлари, карвоисаройларни тарихий манбалар билан археологик тадқиқотлар маълумотларини бир-бирига тақкослаб ўргандиган бўлсак, ўрта асрларда бу икки худудни боғлаб турувчи учта куруқлик ва Амударё орқали битта сув савдо йўли мавжуд бўлганлигини кўрамиз. Мавжуд савдо йўлларининг аксари-

¹ МИТТ, т. I, с. 206.

² Бартольд В.В. Туркестак в эпоху монгольского нашествия. Соч., т. I, с. 204–206.

³ Ўша жойда, 210-бет.

¹ Ўша жойда, 297-бет.

² МИТТ, т. I, с. 181.

яти Бухоро орқали ўтган бўлиб, унинг савдо-сотик алоқаларини ишгайтириш ва кучайтиришда алоҳида катта аҳамияти бўлган.

Хоразм билан Марказий Осиё ўртасидаги савдо йўлни таъминчичи, Мақдисий томонидан кўрсатилган бўлиб, у Китобхонни жануби-гарбий қисми орқали ўтган. Кейинчалик ушбу йўлни келаётган карвонлар Амударёнинг кенг қирғоқлари бўйлаб ўзини давом эттириб, йирик савдо-сотик маркази ва пойтахт шаҳар ўзунлиги 360 км. бўлиб, карвонлар уни камида 13 кунда босиб ўзганлар. Йўлда Варахша ва Шўрахон шаҳарлари, 7 работ (карвонлар) ва 6 та тўхтаб ўтиш жойлари (кўналға) мавжуд эди. Кепини вакълларда Гурганж шахрининг нуфузи ошиб, Катга келадиган карвонлар ўз сафарини Шимолий Хоразм марказига қараб давом эттирганлар. Натижада Катдан бошланган савдо йўллари Ходжадон, Нижкат, Вайхон, Нукбоғ ва, ниҳоят, Миздаҳон шаҳарлари орқали Гурганжгача давом этган.¹

Бухоро орқали Хоразмнинг Мовоароуннаҳр билан олди гонита за маданий алоқалар Амударёнинг чап қирғони бўйлаб ҳам оширилган. Бу сўл қирғоқ орқали ўтган йўлнинг узунлиги 310 бўлиб, уни карвонлар 12 кун давомида босиб ўтишган. Мизкур этида 6 та йирик шаҳар (Пойқанд, Амул, Жигарбанд, Дарғон, Сандала, Ҳазорасп) ва 20 га яқин карвонсаройлар ҳамда мустаҳкам шаҳар қальъалар, мансилгоҳлар, тўхташ жойлари жойлашган².

Бухордан Гурганчга борадиган ушбу йўл орқали ҳарикат ўзган савдогарлар Амударё яқинидаги Фарабр (ҳозирги Фароб) шаҳрига етиб келгач, ўз юкларини дарёнинг чап соҳилида жойлашган кадимги Амул (кейинчалик, Чоржўй, Туркманобод) қальясига ўзини ёзишга интилганлар. Бугунги кунгача ҳаробалари сақланиб келинган Амул қальясига бир вақтлар жуда катта ҳарбий стратегик ва исламий аҳамиятга эга бўлиб, жуда кўп фалокатларни бошидан келинган ва ҳар гал ўз қаддини ростлашга эришган. Бу ердаги катта ғизорларда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ноёнб мосул сотилган. Бугунги кунда Амул қальясига қолдиклари яқиниди “Дунёнчи бозори” номи билан янги тижорат маркази барпо этилган ва унда

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., т. I, с. 204–205; Так же: Манылов Ю.П. Первые итоги изучения караван-сааров из торговых путей между Бухарой и Хорезмом. Города и караван-саары на трассах Великого Шелкового пути. Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО, Курск, 1991, с. 53.

² Манылов Ю.П. Первые итоги изучения караван-сааров..., с. 53.

Афғонистон, Россия каби мамлакатларнинг ишбигайтиришни таъминчичи савдо-сотик ишлари билан шуғулланадиган.

(Мовоароуннаҳр) кейин карвонлар Тохиря (Дояхотин), Дарғон, Сандала, Ҳазорасп, Ҳонка (Сафардиз), Хива, Гурганжга ўтиб борган. Нерску киби савдо марказларидаги бозор ва карвонлар ўз жойлашганини чиқаргач, Гурганжга етиб борган. Мизкур этида шаҳарни ўз бекатариниги билан ном чиқарган ушбу йўл, нафараларни Мовоароуннаҳр билан боғловчи асосий йўл, балки, Ишон ўзининг шимолий тармоғидаги асосий йўналишини ўзига олиндиган.

Мовоароуннаҳр билан боғловчи яна бозорни ўзига олиндиган ўзли ҳам мавжуд бўлиб, у Истахрий, Мақдисий, Сандала шаҳарларни маълумотларда “Сепоя йўли” деб кўрсатиладиган. Истахрий бу йўлнинг Бухоро ва Варахшадан бошланган савдо ўтишини таъминчичи орқали 8 кунда босиб ўтилиши мумкинлигини кўрсанадиган. Айрим таҳминларга таъянган ҳолда ушбу йўл Катга ҳамда Гурганжга таъминни илгари суриш мумкин.

Бухоро таҳминларга таътида нисбатан қисқа ҳисобланган бозорни ўзига олиндиган ўзини ўзига олиндиган тадқиқотлар вақтида мадами қиялти шарқий қисмидаги жойлашган мадами қиялти орқали ўтганлиги аниқланди. Бу ердан VI–XII ғизорларга оид Хоразм кулолчилигига хос сополлини таъминчичи орқали топиб ўрганилди. Айрим таҳминларга кўра мадами қиялти орқали кейин бу савдо йўли ўз йўналишини мерида сарнадиган кенглик ўлчовига ўзгартирган. Халататепада кейин мадами қиялти орқали Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Тупрокқалъа работи орқали таъминчичи орқали Топиқалъа, Мошработ, Сандала (Мешекли рабо-кундаки) (Мискин), Шўроҳон шахри орқали Катгача чўзилган. Бозорни таъминчичи орқали яна 4 кун юриб, Гурганжга етиб борганлар.

Мадами қиялти орқали ушбу савдо-сотик йўли ҳақида машҳур бозорни таъминчичи орқали шубҳаларни туғдиради. Ҳолбуки, сайдоҳ: “Хоразм бизнесси таъминчичи орқали саҳрони 18 кун давомида босиб ўтилади”, шундай таъминчичи орқали саҳрони 18 кун эмас, балки 11 кун йўл юриш керак

яти Бухоро орқали ўтган бўлиб, унинг савдо-сотик алоқаларини кенгайтириш ва кучайтиришда алоҳида катта аҳамияти бўлган.

Хоразм билан Марказий Осиё ўртасидаги савдо йўлларининг биринчиси, Мақдисий томонидан кўрсатилган бўлиб, у Қизилкүмнинг жануби-гарбий қисми орқали ўтган. Кейинчалик ушбу йўлдан келаётган карвонлар Амударёнинг кенг қирғоқлари бўйлаб сафари ни давом эттириб, йирик савдо-сотик маркази ва пойтахт шаҳар ҳисобланган Каттacha борган. Бухородан бошланган мазкур йўлнинг узунлиги 360 км. бўлиб, карвонлар уни камида 13 кунда босиб ўтганлар. Йўлда Варахша ва Шўрахон шаҳарлари, 7 работ (карвонсарой) ва 6 та тўхтаб ўтиш жойлари (қўналига) мавжуд эди. Кейинги вақтларда Гурганж шаҳрининг иуфузи ошиб, Катта келадиган карвонлар ўз сафарини Шимолий Хоразм марказига қараб давом эттирганлар. Натижада Катдан бошланган савдо йўллари Хос, Нуздат, Вайхон, Нукбоғ ва, ниҳоят, Миздаҳон шаҳарлари орқали ўтиб, Гурганжгача давом этган.¹

Бухоро орқали Хоразмнинг Мовароуннахр билан олди-сотди ва маданий алоқалар Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб ҳам амалга оширилган. Бу сўл қирғоқ орқали ўтган йўлнинг узунлиги 510 км. бўлиб, уни карвонлар 12 кун давомида босиб ўтишган. Мазкур йўлда б 6 та йирик шаҳар (Пойканд, Амул, Жигарбанд, Дарғон, Садвар ва Ҳазорасп) ва 20 га яқин карвонсаройлар ҳамда мустаҳкамланган қалъалар, манзилгоҳлар, тўхташ жойлари жойлашган².

Бухородан Гурганчга борадиган ушбу йўл орқали ҳаракат қилинган савдогарлар Амударё яқинидаги Фарабр (ҳозирги Фароб) шаҳрига етиб келгач, ўз юкларини дарёнинг чап соҳилида жойлашган қадимги Амул (кейинчалик, Чорҷуй, Туркманнобод) қалъасига ўтказишга интилганлар. Бугунги кунгача харобалари сақланиб қолган Амул қалъаси бир вақтлар жуда катта ҳарбий стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, жуда кўп фалокатларни бошидан кечирган ва ҳар гал ўз қаддими ростлашга эришган. Бу ердаги катта бозорларда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ноёб моллар сотилган. Бугунги кунда Амул қалъаси қолдиқлари яқинида “Дунё бозори” номи билан янги тижорат маркази барпо этилган ва унда

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., т. I, с. 204–205; Так же: Манылов Ю.П. Первые итоги изучения караван-сараев на торговых путях между Бухарой и Хорезмом. Города и караван-сараи на трассах Великого Шелкового пути. Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО, Ургенч, 1991, с. 53.

² Манылов Ю.П. Первые итоги изучения караван-сараев..., с. 53.

Эрон, Туркия, Афғонистон, Россия каби мамлакатларнинг ишибалармон доиралари вакиллари савдо-сотик ишлари билан шуғулланниб келмокдалар.

Амул (Чорҷуй)дан кейин карвонлар Тоҳирия (Дояхотин), Дарғонота, Жигарбанд, Садвар, Ҳазорасп, Ҳонка (Сафардиз), Хива, Гурлан (Дархос), Порсу каби савдо марказларидаги бозор ва карвонсаройларда ўз ҳожатларини чиқаргач, Гурганжга етиб борган. Ўз қулайлиги ва бехатарлиги билан ном чиқарган ушбу йўл, нафакат Хоразмни Мовароуннахр билан боғловчи асосий йўл, балки, умуман, Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғидаги асосий йўнанин сифатида тан олинган.

Хоразмни Бухоро орқали Мовароуннахр билан боғловчи яна бир – учинчи савдо йўли ҳам мавжуд бўлиб, у Истаҳрий, Мақдисий, Ибн Батута қолдиран маълумотларда “Сепоя йўли” деб кўрсатилган. Ҳусусан, ал-Истаҳрий бу йўлнинг Бухоро ва Варахшадан бошланиши ва Қизилкүм орқали 8 кунда босиб ўтилиши мумкинлигини таъкидлаган. Айрим таққослашларга таянган ҳолда ушбу йўл Катта олиб борган, деган тахминни илгари суриш мумкин.

Археологик тадқиқотлар вақтида нисбатан қисқа ҳисобланган мазкур учинчи йўл – Мадами қиялиги шарқий қисмида жойлашган Ҳалататепа шаҳарчаси орқали ўтганлиги аниқланди. Бу ердан VI–X асрлар ва XIII–XIV асрларга оид Хоразм кулолчилигига хос сополидишилар қолдиқлари топиб ўрганилди. Айрим тахминларга кўра Ҳалата манзилгоҳидан кейин бу савдо йўли ўз йўналишини меридиан ўлчовидан кенглик ўлчовига ўзгартирган. Ҳалататепада кейин савдо йўли Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Тупроққалья работи орқали Эшонработ, Тошқалья, Мошработ, Сандала (Мешекли работи), Бақирғон (Мискин), Шўрохон шаҳри орқали Каттacha чўзилган. Кейинчалик карвонлар яна 4 кун юриб, Гурганжга етиб борганлар.

XIV аср бошларида ушбу савдо-сотик йўли ҳақида машҳур сайёх Ибн Баттута маълумот берган ва ундаги мавжуд бир оз ноаనиклик айрим шубҳаларни туғдиради. Ҳолбуки, сайёҳ: “Хоразм билан Бухоро оралигидаги саҳрони 18 кун давомида босиб ўтилади”, деб ёзади. Шу вақтнинг ўзида сайёҳ Урганчдан Каттacha – 4 кун, Катдан Вобкентгача – 6 кун, Вобкентдан Бухорогача эса – 1 кун. Катдан Вобкентгача – 6 кун, Вобкентдан Бухорогача эса – 1 кун пойтахтидан Бухорогача 18 кун эмас, балки 11 кун йўл юриш керак бўлган.

Ўрта аср олимлари маълумотларида Хоразм ва Бухоро оралиғидаги йўлнинг узунлиги ҳақида қатъий бир ўлчамли масофани кўрсатмаган бўлсалар-да, улар бир-бирига яқин маълумотларни берганлар. Яъни, Истахрий ўз вактида Варахшадан Катгача бўлган масофани 8 кунлик йўл деб кўрсатган бўлса, Ибн Баттута Бухородан Катгача бўлган масофа 7 кунлик йўл деб таъкидлаган.¹

Хоразмнинг Мовароуннаҳрдаги савдо марказлари билан алоқаларида Амударё ўзани муҳим роль ўйнаган. Дарё орқали юк ортилган кемалар тинимсиз ҳаракат қилиб турган. X аср сайёҳи Ибн Фадлан Бухоро билан Хоразм ўртасидаги савдо-сотик, асосан, кемалар ёрдамида амалга оширилган, деган фикрни ёзиб қолдирган.² Ал-Мақдисий Хоразм ва Термизда қайиқлар ясалиб, улардан Амударё орқали савдо-сотик молларини ташишда кенг фойдаланилганни кўрсатган. Ибн Баттута ёз кунлари Амударё орқали Термиздан Хоразмга кемаларда буғдой ва сули олиб келинганини ёzáди. Сайёҳ оқим бўйлаб сузib борилса, икки ўртадаги масофани 10 кунда босиб ўтилиши мумкинлигини кўрсатган.³

Агар Хоразмдан Термизгача бўлган 1000 км. масофани юқорида кўрсатилган қисқа муддатда босиб ўтиши имкониятини ҳисобга оладиган бўлсак, савдо-сотик муносабатларини кенгайтиришда Амударёнинг жуда катта имконияти борлиги ва кулай бўлганлигини кўриш мумкин. Ўрта асрларда Амударёдан Хоразм воҳасини сув билан таъминлаш мақсадида чиқарилган каналларда ҳам кема қатнови йўлга кўйилганди. Натижада, воҳада жойлашган йирик шаҳарлар бозорларига кемаларга ортилган Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Хиндистон моллари узлуксиз келтирилиб турилган.

Савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг кенгайиши натижасида карvonлар юрадиган йўлларда маҳсус қалъя ва кўргонлар барпо этилган. Айниқса, сомонийлар хўкмронлиги даврида Хоразм билан Мовароуннаҳрни боғловчи йўлларда жуда кўплаб карvonсаройлар барпо этилган. Археологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатади, бу даврга оид карvonсаройларнинг курилиш ва архитектура услублари, ўлчамлари бир-бирига яқин бўлган. Айрим карvonсарой ва кўналғалар мустаҳкам қалъя шаклида курилиб, уларда доимий

равишда савdogарлар ва уларга ҳизмат қиласидиган одамлар ҳамда қўриқчилар яшаган. Ўз навбатида, карvonсаройларда яшаган одамлар савdogарлар ва уларнинг мол-мулки ҳавфисизлигини таъминлашган ва шу йўл билан келгусида ҳам кўпладб карvonларнинг келишига имконият яратганлар.

Хоразмга келадиган карvonлар учун Амударёнинг ҳар икки қирғоги яқинида барпо этилган кўпладб карvonсаройларнинг қолдиқлари мавжуд. Улар орасида Фаробр (Фароб), Динглиқир, Устик, Илжик, Оқ-работ, Наргиз, Қизқалъя, Йигитқалъя, Кўкўғуз, Кўкартли, Сартарош, Тупроққалъя, Эшонработ, Тошқалъя, Мешекли (ўнг қирғоқ Хоразм), Дейнов, Ўртатепа, Мовизотатепа, Моор, Томокир, Санробот, Кабакли, Кўшқалъя – 1, 2, Тупроққалъя, Учхарсанг, Тоҳирия (Дояхотин), Кетманчи, Гугердли, Байроқтепа, Донишерқалъя, Оққалъя, Чошқалъя ва Отатуркқалъя (чап қирғоқ Хоразм) каби карvonсаройлар ҳамда қалъалар бўлган.

Хоразмни жануби-шарқий Европа билан боғловчи қатор карvonсаройлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Қадимшунос олимларнинг изланиш ва тадқиқотлари натижасида Беловли, Қораумбат, Қияжол-2, Урга, Алан каби карvonсарой қолдиқлари аникланган. Уларнинг курилиш услуги ва тарҳ тузилиши ҳам Кутуртли, Мешекли, Кўнақалъя, Сартарош, Оқ-работ, Оққалъя, Кетмончи, Дояхотин (Тоҳирия) каби карvonсарой ва работлар билан деярли бир хил эканлиги тасдиқланган. Ҳусусан, Дояхотин карvonсаройи бурчакларидаги айланга миноралар, бу ердаги асосий бинонинг тарҳ тузилиши ва унинг ҳовли-саройи курилиши услуги Устюртдаги Кулонли карvonсаройи архитектурасида тўла-тўқис, ҳеч ўзгаришсиз такрорланган. Бундай ҳолатни Хоразмнинг ўрта асрларга оид Буронқалъя – 1, 2, Ноибқалъя – 1 каби тарихий ёдгорликларида ҳам кузатиш мумкин. Ўз навбатида, ушбу ҳолат Мовароуннаҳрдан Хоразмга, Хоразмдан эса Жануби-Шарқий Европа ва Сибирга чўзилиб кетадиган савдо йўллари Буюк Ипак йўлиниң яхлит бир улкан тармоғи бўлганлигини яна бир бор тўла тасдиқлайди.¹

Мазкур хulosани чиқаришга фақат Хоразм атрофидаги карvonсаройларнинг курилиш услуги бир хил бўлганлиги эмас, балки тарихий манбаларда келтирилган кўпдан-кўп маълумотлар, архео-

¹ Иброкимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати, 63–64-бет; Манылов Ю.П. Первые итоги изучения караван-сараев..., с. 53–54.

² Манылов Ю.П. Первые итоги изучения караван-сараев..., с. 54

³ Иброкимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати, 58-бет.

логик тадқиқотлар вақтида топилган турли-туман буюмлар ҳамда нумизматик намуналар ҳам имкон беради.

Савдо-сотик муносабатлари Хоразм ва Мовароуннахр хўжалик ҳаётида жуда катта роль ўйнаганлигини ҳисобга олган ҳолда карvon йўлларини муҳофаза қилиш ишини давлат ўз қарамоғига олган. Ушбу масалага, айниқса, сомонийлар даврида катта эътибор қаратилган бўлиб, карвонсаройлар ҳар йили давлат томонидан таъмирланиб турилган ва қулай жойларда янгилари барпо этилган.

Хоразм сомонийлар барпо этган улкан давлатнинг сиёсий жиҳатдан барқарор ҳудудларидан бири сифатида хўжалик ютуқларига эришган. Воҳа савдогарлари сўғдларлар билан тенг мавқеда иш юритиб, Мовароуннахр билан савдо-сотик муносабатларидан жуда улкан фойда олишган. IX–X асрларда анча юксалган Сўғд шаҳарлари – Варахша, Пойкент, Кумсовгандан топилган ашёлар орасида Самарқанд Сўғди тангалари, Хоразмда ишлатилган майда айирбошлиов тангаси кўплаб учрайди.¹

Машҳур олим Мухаммад Наршакий ўзининг “Бухоро тарихи” китобида араблар истилоси ва ундан олдинги даврларда Сўғдиёна-нинг ички савдосида Хоразм тангалари кўплаб муомалада бўлганлигини ёзib қолдирган.² X–XV асрларда рўй берган сиёсий воқеалар натижасида савдо алоқаларидағи еткачилик сўғдийлардан хоразмликлар кўлига ўта бошлаган. Бунинг сабабларидан бири Марказий Осиёда вужудга келган ва бирининг ўринини иккинчиси эгаллаб турган қораҳонийлар, ғазнавийлар ва салжуқийлар давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳалокатли тўқнашувлардан Мовароуннахрнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Хоразмнинг бир оз бўлса-да, четда турганлиги эди.

X–XII асрлар давомида Хоразм нафақат Шарқий Европа, Волгабўйи ва Русь билан бўлган савдода транзит ҳудуд ролини ўйнаган, балки у ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш имкониятидан кенг фойдаланган. Келгуси босқичда XII–XIII асрларда вужудга келган хоразмшоҳ-ануштегинлар давлатининг марказий ҳудуди сифатида Хоразмнинг мавқеи шу даражада юқори поғонага кўтарилиди, воҳа савдогарлари Буюк Ипак йўлиниң Марказий Осиёдаги қисмини тўлалигича ўз назорати ва қарамоғига олишга эришдилар.

¹ Манылов Ю.П. Первые итоги изучения караван-сараев..., с. 56.

² Наршакий. Бухоро тарихи. «Мерос» тўпламида. Т., «Камалак», 1991, 14-бет.

Хоразмшоҳлар давлатига келган барча карвонларга жуда катта имтиёз ва эркинликлар яратиб берилган ва уларнинг хавфсизлиги тъминланган. Натижада обод ва фаровон шаҳарларнинг бозорлари гавжум, фуқаролари бой-бадавлат даражада яшаган. Ёкот Ҳамавийнинг: “Ҳеч қаерда бундай гавжум ва яшнаган жойни кўрмаганман... Хоразмнинг деярли ҳамма шаҳарларида мол-товар ҳамда дўкон-расталарга бой бозорлар бор. Бозори бўлмаган қишлоқ камдан-камдир”, – деб ёзишига тўла асос бор эди.

Мўғул-татарлар босқини Мовароуннахр каби Хоразмнинг ҳам шаҳарлари ва қишлоқларига чексиз ҳалокат ва вайронагарчиликлар келтириди. Мўғул татарлар босқини оқибатларини тугатиш учун бир яrim аср вақт ва тинимсиз меҳнат талаб қилинди. Хоразмликлар шу давр оралиғида нафақат ўз пойтахти Гурганж, балки Хива, Ҳазораси, Миздаҳқон каби қалъя ва истеҳкомларини тиклаб ҳам олдилар, балки савдо-сотик муносабатларини кенг йўлга кўйишга эришдилар. Айниқса, Олтин Ўрда таркибида хисобланган Шимолий Хоразмда иқтисодий ва маданий ривожланиш сезиларли бўлиб, воҳа савдогарларлари Каспий бўйлари ва Уралолди ҳудудлари билан савдо-сотик муносабатларини жонлантиридилар.

Шимолий Хоразм маркази Гурганж шаҳри Мовароуннахр ва Олтин Ўрдада ишлаб чиқарилган барча тур маҳсулотлар тўпланувчи ва айирбошланувчи савдо марказларидан бири сифатида қайтадан юксала бошлади. Аммо бу юксалишга Амир Темурнинг ҳарбий юришлари салбий таъсир ўтказди. Натижада Хоразм савдо-сотик юришлари ўлқадаги мавқеи яна пасайиб кетди. Эндиликда Буюк Ипак йўли орқали ҳаракат килаётган барча савдо карвонлари Мовароуннахрнинг бош шаҳарлари – Самарқанд ва Бухорога кириб ўтишлари шарт эди. Сўнгра улар Балх ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эрон ва Яқин Шарқ мамлакатларига қайтнай бошладилар.

Ўзини Чигатой улуси ерларининг хукмдори хисоблаган Амир Темурнинг Олтин Ўрда ҳонлари билан олиб борган кўп ийлилк низо сиёсати натижасида савдогарлар деярли Хоразмга келмай кўйидилар. Темурийлар даврида бошланиб кетган ўзаро низолар эса Хоразмнинг Мовароуннахр билан бўладиган савдо алоқаларига ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатди. Шундай шароитда Хоразм савдогарлари ички бозорларда ўз тижоратини давом эттириш ва атрофдаги кўчманчилар овлу ва яйловларига ҳар хил молларни олиб бориб, сотиш ва товар сифатида айирбошлашга мажбур бўлдилар.

И БОБ. ХОРАЗМНИНГ КЎЧМАНЧИЛАР ДУНЁСИ ҲАМДА ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ

2.1. Буюк Ипак йўли орқали кўчманчилар билан савдо алоқалари

Хоразм воҳасининг миңтақавий жойлашув ўрни унинг қадим замонлардан қўшини худудлар аҳолиси, хусусан кўчманчи қабилалар вакиллари билан олди-сотди алоқаларини доимий равишда амалга оширишга имконият яратган. Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзолари томонидан кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг ҳаёти ва турмуши изларини топиш мақсадида Сирдарёning куйи оқими, Амударёning эски ўзани – Ўзбой атрофлари ва Каспийорти худудларида олиб борган кўп ийллик тадқиқотлар натижасида кўп минг кишилик чорвадор аҳолининг тарихининг турили даврларида Хоразм воҳаси билан узвий иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлиб келганликлари аниқланди. Сўнгти йилларда Устюрга олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари ҳам шундан далолат беради.

Ўтрок дехқончилик худудлари билан кўчманчилар дунёси ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва юксалишида савдо-айирбошлиш муносабатлари кенг ўрин эгаллаган. Чунки ўтрок хоразмлик ҳунармандлар яратган кундалик турмуш эҳтиёжлари учун зарур молларни чорвадорларнинг кўй-эчки ва қорамолларига, улардан олинадиган жун, тери, гўшт, сут, пишлоқ каби маҳсулотларга айирбошлиш ҳар икки томон учун ҳам катта фойда келтирган.

Кўчманчилар билан бўлган савдо алоқалари Хоразм воҳасидаги шаҳарларда бозорларнинг кенгайиши, ҳунармандчиликнинг ривожланишига туртки берган. “Ўрта Осиё ҳаётида кўчманчилар билан бўладиган савдо Шарқий Европа билан олиб борадиган савдо муносабатларидан кам роль ўйнамаган, – деб ёзганди таъникили олим А.Ю.Якубовский. – Бутун бир худудлар айнан шу маҳсулот айирбошлиш таъсири остида ривожланганлар. Хоразм иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан фақат Шарқий Европа билан бўлган савдо таъсирида эмас, балки кўчманчи туркман ва ўғуз даштлари билан бўлган савдо орқали ҳам ўсган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, шу давр Ўрта Осиё йирик шаҳарларидан бири, Шимолий Хоразм пойтахти – Ур-

гичи ўзининг асосий бойлигини ўша кўрсатилган кўчманчилар бини бўлган савдо алоқалари орқали тўплаганки, кўчманчилар Урғич бозорларига чорва моллари, жун ва тери олиб келиб, унинг өназига шоли, нон, газламалар ва металл буюмлар олиб кетганлар”¹.

Х асрдаёқ машҳур ал-Истаҳрий: “Хоразмликтарнинг мамлакатида олтин йўқ, кумуш конлари йўқ, қимматбаҳо тошлар тўғрисида оса сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бойликнинг катта қисмини туркялар билан савдодан ва мол бокиб кўпайтиришдан топадилар”, – деб ёзганди.

Айниқса, Хоразмнинг Устюрг, Оролбўйи худудлари билан, яъни кўчманчилар билан яқин бўлган шимолий қисмидаги шаҳарлар, хусусан, Урганчнинг бойлиги ва имкониятлари ортиб борди. Мазкур илмий муаммони ўрганишга зътибор берган академик В.В. Бартольд: “Хоразм ўз бойликларини ислом даврида яна-да таракқий қилган кўчманчилар билан бўладиган савдо алоқалари орқали гина ортирган. Бу савдо, асосан, Хоразмнинг шимолида жамланган эди”, – деб ёзганди.³

Хоразмнинг ташки савдо-сотиқ муносабатларида Сирдарё бўйларида шаклланган янги уруг-қабилалар, хусусан, қадимги сакмассагетлар авлодлари билан кўшилган туркий халқлардан пайдо бўлган ўғузлар мухим роль ўйнай бошлаганлар. Ўғузларнинг асосий қисми Сирдарёning куйи ва ўрта оқими ҳамда шарқий ва шимоли-шарқий Орол бўйига ёндошган кенг яйловларда яшаган. IX аср охирида Сирдарё ҳавзаси ҳамда Орол денгизи бўйларида ўғузларнинг маркази Янгикент шаҳри бўлган худудларни, дастлабки давлати вужудга келди. Ўғузлар қиска вақт оралиғида Каспий деңгизнинг шимоли-шарқидан то Эмба дарёсигача бўлган Устюрг ва унинг атрофларида кўчманчилик қилувчи бижанакларнинг бир қисмини ўз давлатига бўйсундирдилар. Бунгача бижанакларнинг иккинчи қисми эса ўғузлар тазикини натижасида жанубий Рус даштларида кўчиб кетиб, печенеглар номини олганди.

XI–XII асрларга оид ёзма маңбалар ва ўрта асрларда ўғузлар тасарруфида бўлган худудларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида жуда кўп шаҳарлар бўлганилиги, бу эса уларнинг

¹ Якубовский А.Ю. Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X–XV вв. МИУТТ, ч. I, Л., 1932, с. 15.

² МИУТТ, т. I, с. 180.

³ Бартольд В.В. История Туркестана. «Груды Туркестанского Государственного Университета». Вып. 2. Т., 1922, с. 14–19.

кўплари ўтрок шароитта кўнишиб, дехқончилик маданиятини ўзлаштирганилиги, қолган қисми эса кўчманчилик турмуш тарзи билан ҳаёт кечиришни давом эттирганигини тасдиқлади. “Ғузларнинг шаҳарлари кўп, улар шарқ ва ғарбга томон бирининг кетидан иккинчиси чўзилиб кетган”,¹ деб ёзади ал-Идрисий. Олим катта-кичик шаҳарларни санаб ўтиб, улар яхши мустаҳкамланган ва ажойиб бозорлари ҳамда мўл-кўл маҳсулотларга эга бўлганигини таъкидлайди. Машхур олим Маҳмуд Қошигарий бир талай ўғуз шаҳарларни санаб ўтиш билан кифояланмай, ўзининг харитасида Куйи Сирдарё ҳавзасини “Ғуз” шаҳарлари тўпланган бир музофот тариқасида тасвирлайди.²

Ўгузлар давлати таркибида Сирдарё бўйлаб жойлашган Янгикент (Жонкент), Жанд ва Сигноқ каби бир нечта бой шаҳарлар бор эди. Аммо X аср араб манбаларида “ўгузлар кўчманчи чорвадор қабила сифатида тасвирланиб, юқоридаги шаҳарлардан бирортасига асос солмаган” деган хулоса ҳам мавжуд. Хусусан, 922 йилда Устюртдан ўтган Бағдод элчиси Ибн Фадланнинг “Саёҳатнома” ва муаллифи номаълум бўлиб қолаётган “Худуд ал-олам” китобларида “ўгузлар шаҳар ҳәтини билмайдиган кўчманчилар” сифатида тасвирланади. Бизнинг тахминимизча, Хоразм, Сўғд ва Шош савдогарлари томонидан дашт аҳолиси билан олиб борган қизғин савдо алоқалари жараённида қадимдан Жанд, Сигноқ ва Янгикент шаҳарларига асос солинган бўлиши мумкин. Ушбу гипотезани асослаши ва исботлаш учун жуда катта ва жиддий тадқиқотлар олиб бориш лозим.

Тахминлар қанча кўп бўлишига қарамасдан ўғузларнинг Хоразм билан савдо-сотиқ алоқалари йилдан-йилга кенгайиб борган. Кўчманчилар дунёси билан бўлган савдода Кат, Гурганж, Миздаҳқон, Мадминия (Бугрохон) ва Гит (Пулхой) каби савдо шаҳарлари энг муҳим марказлар бўлиб, Кат билан Гурганж деярли барча манбаларда ғузлар Туркистонига кирувчи дарвоза сифатида эслатилади.³ Шу билан бир қаторда, хоразмликларнинг ўғузлар ва бошқа кўчманчи қабилалар билан савдо-сотиқ алоқалари ҳолати ва айрбошлиш жараённида молларнинг ҳажми қандай деган саволларга жавоб излаш муҳим аҳамиятта эга.

¹ Аль-Идриси. Нузхат ал-муштак фи-истирак ал-афак. Текст, 108. МИТТ, т. I, с. 220.

² Маҳмуд Қашгарский. Дзвани лутаг ат-Тюрк. Текст, III, 11, МИТТ, т. I, с. 312.

³ МИТТ, т. I, с. 178, 216.

Савдо-сотиқ муносабатларида ўғузлар худудидаги айrim шаҳарларнинг мавзеи жуда баланд бўлган. Хусусан, Сирдарё бўйларидан ўтадиган савдогарлар ҳаётида Жанд шаҳри аҳамияти Хоразмнинг Кат ёки Гурганч каби марказий шаҳарларидан кам бўлмаган. Бу шаҳар, айниқса, Хоразмшоҳлар даврида жуда йирик савдо ва хунармандчилик марказига айланishi билан бир қаторда салжуқийлар ва мўғул-татарларлар тажовузлари вақтида кескин сиёсий кураш майдонларидан бирига айланди. XI–XIII асрларда Жанд шаҳрининг йирик савдо-сотиқ маркази сифатида аҳамияти шу даражада юксак бўлганки, ҳатто Орол денгизини ҳам, баъзан Жанд денгизи деб аташган.¹

Ўгуз давлати худудидан Хоразм бозорларига қишу ёз фактат отар-отар кўйлар ва қорамоллар ҳайдаб келинган, чорвачиликдан олинадиган хом ашё сотиши учун келтирилган, деса, хато бўларди. Ўтрок ҳаётга ўтган ўғузлар жуда кўплаган хунармандчик молларини ҳам савдога чиқара бошлаганлар. Хусусан, Сигноқ шаҳрида ясалган камонлар ва унинг ўқлари бутун шарқда жуда харидоригир бўлганлиги маълум. Археологик тадқиқотлар ҳам кўчманчиларнинг Уйгарак, Сарлитомқалъя каби ёдгорликлардан ва Жанд шаҳарларидан тошилган хунармандчилик буюмларининг жуда сифатли ясалганлигини тасдиқлайди.² Хоразм савдогарлари кўчманчилар яшайдиган худудлар ва уларнинг шаҳарлар аҳолисига асосан, қимматбаҳо ип ва ипак матолар, уй-рўзғор буюмлари, курол ва ярголар олиб бориб сотганлар. Холижон деган жойдан эса кўп микдорда балиқ овланиб, у ҳам кўчманчиларга сотиши учун олиб борилган.

1946, 1959–1961 йилларда Хоразм археологик-этнографик экспедицияси аъзоларининг Сирдарёнинг ўғузлар яшаган Жанидарё ва унинг ирмоги – Инкардарё ҳамда Кувондарё ўзанлари яқинида олиб борган тадқиқотлари натижасида Кесканкуюққалъя, Сарлитомқалъя, Зангарқалъя, Ашанас ва Уйгарак каби ўтра аср ёдгорликлари чукур ўрганиб чиқилди. Ёдгорликларнинг атрофида каналлар ва далаляр қолдиқлари аниқланганлиги бу ерларда кўп асрлар давомида дехқончилик қилиниб келинганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, бу ёдгорликлардан турли хил хунармандчилик устахона-

¹ Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. I, с. 122.

² Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта, с. 281–282; Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. I, с. 98–101.

³ МИТТ, т. I, с. 150; 179–180.

лари қолдиқлари, заргарлик, кулолчилик, тұқымачилик буюмлари топилди.

Археологларнинг фикрича, юкоридаги қалъа ва истекомларга бир вақтлар ўғузларнинг ўзлари асос согланлар. Ушбу ўғуз шахарларининг вужудга келишида уларнинг Хоразм билан бұлған савдо-сотик алоқалари мұхим роль ййнаган, деган фикрлар билдирилмоқ да.¹ Фарбга күчіб кетишгә мажбур бұлған бижанак-печенег қабилярининг бир қисми ўтроқ ақолининг (хоразмликлар, сұғдлар, шошликлар) кучли таъсири остида бўлиб, фаол савдо-сотик алоқалари олиб борганлар, деган тахминлар ҳам илгари суримоқда.

Хоразмнинг Сирдарёнинг күйи ҳавзаси ва Оролбўйи кўчманчилари билан савдо-сотик алоқалари, асосан, З та савдо йўли орқали амалга оширилган. Биринчи йўл – Хоразмнинг марказий шахарларидан бошланиб, Орол деңгизини ёқалаб шимоли-шарқ томондаги ўғузларнинг пойттахи Янгикент ва Жанд шахарларига олиб борган. Иккинчи йўл – Бельтов қирлари жанубидан ўтиб, Жанидарё бўйларидан ўғузларнинг Сифноқ, Ашсанас, Сарлитомқалъа шахарларига етиб борган. Учинчи йўл – Устюрт қирлари орқали ўтиб, бижанаклар, қипчоқлар, ўғузлар яшайдиган худудларга қараб кеттган. Араб-форс манбаларида Замжон ёки “Боб-ат-турк” – “Турклар дарвозаси” работидан бошланади, деб кўрсатилган учинчи карvon йўли Шарқий Европага мол олиб кетаётган ва Хоразмга келаётган савдо-гарлар учун жуда серқатнов бўлган.

Ўғузлар давлатининг X аср биринчи чорагида қипчоқлар томонидан тор-мор қилиниши оқибатида унинг ахолисидан бир қисми жанубий Рус даштларига кетиб қолган. Қолганлари эса Мовароуннахр худудига күчіб ўтиб, салжукйлар давлатига асос соглан ва айримлари қипчоқлар билан аралашиб кетганлар. XI–XII асрлардағи ушбу сиёсий жараёнлар Хоразмнинг кўчманчилар худудлари билан бўлған савдо-сотик муносабатларига деярлик салбий таъсир ўтказа олмаган. Мавжуд савдо йўлларидаги карvonсаройлар ва илгариги кўчманчилар овуллари ва шаҳарларидаги бозорлар ўз фаолиятини давом қылдирган. Энди савдо-айрибошлаш муносабатларida ўғузлар эмас, балки қипчоқлар бошлиқ турли-туман кўчманчилар

¹ Толстов С.П. Города гузов (Историко-этнографические этюды). СЭ, 1947, №3; Его же: Кадимги Хоразм маданиятини излаб, 259–266-бетлар; Его же: По древним дельтам Окса и Яксарта, с. 281–282; Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. I, с. 95–100.

асосий воситачи ва савдогар сифатида хоразмликлар билан алоқа қиласылди.

Хоразмнинг шимоли-ғарбида кўчманчилар билан олиб борилган савдо-сотик алоқаларининг кенгайиб бориши карvonлар ўтадиган йўлларнинг хавфсизлигини таъминлашни талаб қиласылди. 1946 ва 1952 йилларда С.П. Толстов бошлиқ ХАЭЗ ва 1971–1975 йилларда В.Н. Ягодин раҳбарлигидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Ко-рақалпоғистон филиали Археология бўлими ходимлари томонидан Устюрт платосининг шарқий қирларида олиб борилган тадқиқотлар вақтида жуда кўплаб соқчилик миноралари, карvonсаройлар, аҳоли мансизлгоҳлари топилди ва ўрганилди. Олимларнинг дикқатини ўзига жалб қиласылган Устюрт миноралари қандай мақсадда қурилган ва қайси мұхим вазифани бажарган, деган масала кескин мунозараларга олиб келди. Табиий мұхит таъсирида нисбатан ёмон сақланган ва узоқ йиллар қаровсиз турган ушбу миноралар Шарқий Европа ва кўчманчилар билан бўладиган савдо йўлларида турли хил масофа-да, қирлар устидаги баландликларда жойлашган.

Ўз вақтида С.П. Толстов бу минораларни кўчманчилар хужумидан воқиғ қилувчи сигнал маёқлари вазифасини бажарган, деган фикрни билдирган.¹ Минораларнинг ҳарбий мақсадлар учун қурилганлигини кўпгина олимлар² (В.Н. Ягодин, Е.Б. Бижанов, А.В. Гудкова, С.Г. Агажанов) ҳам узок вақт давомида матькуллаб келдилар. Аммо Устюртда 1971–1975 йилларда олиб борилган янги археологик тадқиқотлар натижасида янги фикр ва ғоялар илгари сурилди. Жумладан, Устюртнинг шарқий қисмидаги қирлардаги миноралар ўз жойлашув ўрнига кўра кўпроқ, савдо карvonларининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласылган. Уларнинг аксарияти Амударё ирмоқлари бўйлаб жойлашганки, натижада сузувчи кемалар учун ўз йўналишларини тўғри белгилаб олиш имконияти яратилган. Бу минораларнинг Устюрт қирларининг анча қиярок, кўтарилиш учун кулагай бўлған баландликларida жойлашганлиги эса, карvonларнинг ана шу кулагай жойларга қараб ҳаракат қилишига кўмаклашган.

¹ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб 264-бет; По следам древнекорезмийской цивилизации. М.-Л., 1948, с. 249.

² Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Аму-Даръи. МХЭ, вып. 7, М., 1963, с. 95; Бижанов Е.В. Юго-Восточный Устюрт. Некоторые итоги и перспективы археологического изучения. «Вестник» ККФ АН УзССР, 1970, №3, с. 56; Гудкова А.В. Токала Т., 1964, с. 141; Гуламов Я.Г. История орошения древнего Хорезма. Т., 1957, с. 154; Манылов Ю.П. Сигильные башни Султанузидага. «Вестник» ККФ АН УзССР, 1969, №3, с. 70; Агаджанов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии в IX–XIII вв. Алхабад, 1969, с. 148.

Хуллас, Устюрт орқали ўтган карвон йўлларидаги турли-туман карвонсаройлар, миноралар, сардобалар ва аҳоли яшаган манзилгоҳлар қолдиклари Хоразмнинг Шаркий Европа, айниқса, кўчманчилар дунёси билан бўлган савдо-сотик алоқаларининг ўрта асрларда анча ривожланганини кўрсатади.

Хоразмшоҳлар-аңуштегинийлар давлатининг вужудга келиши ва унинг дунёвий империяга айланиши натижасида кўчманчилар дунёси билан бўлган савдо-сотик муносабатлари ўзининг энг ривожланган босқичига киради. Жанд шахри Хоразмшоҳлар давлатининг энг муҳим сиёсий ва савдо-сотик марказларидан бирига айланади. Ушбу шаҳар учун Султон Такаш чиқарган фармони олийда қандай қилиб бўлса-да, савдо-сотик ишларига ҳеч қандай тўсқинлик кильмаслик, тижоратчиларнинг мол ва ҳаётини турли тажовуз ва суиқасдлардан химоя килиш тадбирларини амалга ошириш лозимилиги кўрсатилганди.¹

Хоразмнинг жаҳон савдо-сотик муносабатларидаги жуда катта хажмдаги мол айирбошлиш алоқаларига мўғул-татарлар босқини жуда катта зарба берди. Бир вақтлар аҳолиси кўп ва бозорлари гавжум Сигноқ, Куюккесканқалъа, Жанд, Ашанас, Сарлитомқалъа, Ўйгарак каби кўчманчилар билан алоқани таъминлайдиган шаҳар ва қалъалар ҳувиллаб қолди. Сирдарё бўйларидаги ушбу тижорат марказларининг ҳаётида Олтин Ўрда ва Амир Темур давлати ҳукмронлиги даврида бироз жонланиш бўлса-да, улар ўзларининг илгариги даражасига кўтарила олмадилар.

Темурийлар ва ундан кейинги даврларда ҳам кўплаган савдо карвонлари Сирдарё бўйларидаги шаҳар ва кўчманчилар яйловларини четлаб ўтадиган бўлдилар. Чунки XIV–XV асрлардаги Дашти Қипчокда рўй берган сиёсий жараёнлар, кўчманчи ўзбеклар, ўзбек-қозоқ ва қозоқлар уруг-қабилалари ўртасидаги худудий ҳукмронлик ва етакчилик қилиш учун ўзаро курашлари, уларнинг Мовароннахр ерларига тез-тез аёвсиз ҳужумлари ўтроқ аҳоли билан кўчманчилар ўртасидаги азалий савдо-хўжалик алоқаларини узид кўйди. Шундай бўлса-да, ўлка ҳалқларининг иқтисодий ҳаётига катта таъсир ўтказиб келган савдо-сотик алоқалари умуман тўхтаб қолмасдан, чекланган ҳажмда бўлса-да, давом этган ва доим ўтроқ аҳо-

ни билан кўчманчилар ўртасидаги икки томонлама фойдали муносабатларга замин яратган.

2.2. Хоразмнинг Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда Ҳиндистон ва Хитой билан савдо-сотик муносабатлари

VII асрда Араб халифалигининг вужудга келиши ва қисқа муддатда унинг йирик империяга айланиши натижасида аста-секин ишчи ва ҳалқаро савдо-сотик муносабатлари жонлана бошлади. Халифаликнинг чекка ҳудуди ҳисобланган Хоразм воҳасидаги шаҳарлар сони кўпайиб, уларнинг жаҳон тижорат муносабатларига кўшилиш имкониятлари кенгайди. Натижада X асрдан бошлаб, Хоразм Яқин ва Ўрта Шарқ, Эрон, Ироқ мамлакатлари билан фаол савдо-сотик алоқаларига киришади.

Хоразм савдогарлари, айниқса, Шимоли-шарқий Эрон ҳудудлари билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга эътибор қаратардилар. Хуросоннинг йирик шаҳарларида ишлаб чиқарилган юксак даражадаги бадиий-хунармандчилик буюмлари, мавжуд бозорлар ва карвонсаройларга жойлашган хоразмликлар учун мол айирбошлиш имкониятларини кенгайтирган. Бу ҳудудда фаолият кўрсатган хоразмликлар ҳақида араб сайёхи ал-Истахрий шундай деб ёзганди: “Улар Хуросоннинг бутун аҳолисига нисбатан тарқоқдирлар (бировларнинг жойларида) ва ҳаммадан кўра кўпроқ саёҳат қиладилар: Хуросонда биронта катта шаҳар йўқки, унда кўплаб Хоразм аҳолиси мумкин яшамайдиган”¹.

Хуросон аҳолиси хоразмлик савдогарларга ҳамма вақт ҳам дўстона муносабатда бўлмаган ва айрим ҳолларда икки ўртада ниزو-жанжаллар чиқиб турган. Хуросоннинг Нисо шаҳридаги ер ва мулкнинг аксарият қисмига эгалик қилган хоразмлик савдогарларга маҳаллий аҳолининг муносабати ҳақида ал-Макдисий: “Улар Куръон ўқийдилар, икки марта аzon айтадилар ва шу билан бир вақтда, мусулмонлар билан урушлар олиб борадилар”,² – деб ёзганди.

992 йилда Сомонийлар давлати амири Нуҳ II ўз рақиби – Хурросон амири Симжурийни енгиш мақсадида Нисо шаҳрини Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммадга, Обивард шаҳрини эса пойтахти Кат бўлган Жанубий Хоразм ҳукмдори – хоразмшоҳ Абдул-

¹ Бузнидов З.М. Аңуштегин-Хоразмшоҳлар давлати, 62-бет.

² МИТТ, т. I, с. 180.

² МИТТ, т. I, с. 201.

лохга берганди. Орадан сал вакт ўтиб, Хурносон учун курашлар Хоразм хукмдорларининг ўзаро тўқнашувлари га туртки бўлди. Натижада, 995 йилда Урганч ҳокими Маъмун нафақат Катни эгаллаб, Хоразмшоҳ Абдуллоҳи ўлдиртириди, балки унга қарашли бўлган Обивард шахрини ҳам ўзига тобе қилди.

IX–X асрда ҳам Хуросонда хўжалик ҳаёти юқори даражада ри-вожланган эди. Ҳалқаро қарвон йўлларида турган Нишопур, Марв, Нисо, Обивард, Дехистон каби йирик савдо-хунармандчилик марказларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намуналари Шарқ ва Фарбдаги бозорларда сотилган. Жумладан, шу даврда энг яхши пахта ва ипак кийимлар, кулолчилик буюмлари Марв ва Нишопурда, ипак матолардан тикилган кийимлар Нисо ва Обивардда ишлаб чиқарилган, полиз экинлари ва ширин мевалар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Дехистонда етиштирилар ва четга ҳам чиқариларди. Шимолий Хуросондаги Нишопур шаҳри яқинида феруза конлари, Тусда сопол буюмлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё олинадиган конлар мавжуд бўлган.

Хуросон масаласида араб ҳалифаси ва Хоразм хукмдорлари орасида ҳам очик ва яширин рақобат давом этарди. Ҳусусан, 1004 йилда араб ҳалифаси Мунтасир катта кўшин билан Обивард шаҳрини эгаллаш учун интилган. Аммо бу ҳаракатларга Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун қарши чиқиб, Нисо шаҳридан бир оз жануброқда ҳалифа кўшинларига қақшатқич зарба берган.

X–XIII асрларда бутун Шарқда кузатилган иқтисодий юксалиш ҳам Буюк Ипак йўлнинг ҳар иккала тармоғида олиб борилган савдо-сотик алоқаларининг ривожига туртки бўлган. Ушбу алоқаларнинг яна-да кенгайиши натижасида Хоразм воҳаси ва унинг атрофидаги ерларнинг аҳамияти яна-да кучайган. Ибн Ҳавқал берган маълумотларга кўра, ҳалифаликнинг гарбий вилоятларида Хоразмдан келтирилган қоракўл терилари жуда харидоргир бўлган. Рангига қараб ҳар бир тери 1/4 динордан 2 диноргача нарҳда сотилган. Айниқса, қора ранг терилар киммат туриб, улар 3–4 диноргача баҳоланганд. Қора ва қизил бўлмаган рангдаги терилар баҳоси паст бўлиб, уларнинг 10 донаси 1 дирҳамга сотилган.

Багдод ҳалифалари Хоразмдан келтириладиган маҳсулотлар орасида қоқ (куритилган) қовун магзини яхши кўрганлар. Таникли

идабиётшунос олим Мухаммад ас-Саолибий (961–1038) берган маълумотларга қараганда, ҳалифалардан Маъмун ва Восиқ саройига ичига муз солинган маҳсус кўргошин идишларда Хоразмнинг қонун-тарвузлари келтириб турилган. Олимнинг “Китоб латоиф алмаориф” (“Фаройиб маълумотлар китоби”, 990–995) асарида Хоразмда етиштирилган, бутун Шарқда машхур бўлган, ҳозирда эса Йўқолиб кетган битта машхур қовун нави тилга олинади. У шундай өзади: “Хоразмга хос нарсалардан у ерда боранж номи билан юритиладиган қовундир. У қовунларнинг энг ширини ва яххисидир. Агар яхши сақланиб етиб келса, бир донаси етти юз дирҳам турар экан”.¹

Ўз навбатида, Хоразмга Эрон, Сурия, Ирок, Миср ва Кичик Осиёдан ҳам моллар келтирилган. Ушбу мамлакатларда хунармандчиликнинг деярли барча соҳаларига оид цехлар мавжуд бўлиб, уларда қимматбаҳо парчалар, юнг ва ипақдан гиламлар тўкилар эди. Пўлат ва темирдан жанг куроллари, совут, қалқон, жез ва кумуш идишлар юксак дид билан яратилиб, ҳам ички, ҳам ташқи бозорни таъминларди. Айниқса, Эронда ишлаб чиқарилган Казерун матолари бутун Шарқда машхур бўлган. Эроннинг Кашон шаҳрида ишлаб чиқарилган “миной” типидаги кошин сопол, турли-туман ранглардаги нақшлар туширилган чинни идишлар, атир-упа маҳсулотлари дунёнинг кўплаб бозорларига чиқарилган. Хунармандчилик буюмларидан ташқари, Эрондан Хоразмга кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтириларди. Журжон (Гургон) хурмолари, шакарқамиши ва лимонлари, Нисо узумлари, беҳилари, бақлажонлари, Марв бугдойи савдогарлар томонидан Хоразм бозорларига мунтазам келтириб турилади.

Хуросоннинг Марв, Нишопур, Нисо, Обивард, Амул каби шаҳарларидан ташқари, Эроннинг яна Шероз, Исфаҳон, Рай, Балх, Хирот, Ҳамадон, Кермон, Астрабод, Машҳад каби жуда йирик савдо марказлари билан Хоразмнинг савдо-сотик марказлари ўртасида доимий алоқалар мавжуд бўлган. Хуросондаги барча шаҳарларда хоразмлик савдогарларнинг дўконлари ва доимий яшаш учун манзиллари мавжуд бўлиб, уларинг айримлари кўп йиллар давомида шу жойларда яшаганлар. Айниқса, Хуросоннинг Амул (Чоржуй),

¹ МИТТ, т. I, текст, 106–107, с. 181.

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. С. 297.

Сари, Марв, Нисо шаҳарлари Хоразм билан бўладиган савдо-сотик муносабатларида катта роль ўйнار эди.

Х–XIII асрлар давомида Шарқдаги энг йирик кул бозорларидан бири Эронда бўлганди. Шу муносабат билан, Хоразм ва Эрон орасидаги савдо-сотик муносабатларида кул савдоси ҳам катта ўрин эгаллаган. Хоразмдан кўплаб турк ва славян кулилари келтирилиб, Эрон кул бозорларида сотиларди. Ўз навбатида, Хоразм савдогарлари славян асиirlарини Даشتி Қингчоқ чўлида кўчманчилик билан ҳаёт кечираётган қипчоқлардан арzon баҳога сотиб олардилар.

XIII аср бошларида Эрон давлатининг улкан хоразмшоҳ ануштагинийлар империясига бўйсундирилиши натижасида олди-сотди алоқалари учун янги уфқлар очилди. Эрон орқали Хоразмнинг савдо-сотик марказлари Озарбайжон ва Кавказорти ҳудудлари билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатишга эришдилар.

Манбаларда ҳудудидан кўпгина муҳим карvon йўллари ўтган Грузия, Арманистон ва Озарбайжоннинг йирик савдо-маданий марказларида ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик буюмлари ва дехқончилик маҳсулотлари тўғрисида кўпгина маълумотлар сақланган. Грузиянинг Тбилиси, Артануджи, Дманиси, Салинвилди, Гори, Ахалцихе, Кутаиси каби йирик шаҳарлари, Арманистоннинг Ани, Карс, Арин, Ахлат, Ван, Двин, Хари каби ўзига хос ҳунармандчилик ва савдо марказлари узлуксиз равиша Эрон, Шарқий Европа, Ирек, Сурия, Фаластиин, Ҳиндистон, Хитой ва Мовароунинахр билан савдо-сотик алоқаларини олиб борганлар.

Грузия, айниқса, XII–XIII асрларда юқори даражада тараққий қилган бўлиб, унинг Арицн шаҳрида бутун Шарқда машхур бўлган гиламлар ва мовут ишлаб чиқилган. Тбилиси шаҳри эса нафакат Грузиянинг пойтахти ва энг йирик савдо-хунармандчилик маркази, балки бутун Кавказортидан келтирилган моллар тўпланадиган жой бўлган. Грузинлар чет элларга буғдой, вино, хом ипак, жун, момик, кўплаб от ва хачирларни сотганлар. Хоразмни бутун Шарқдаги буюк давлат сифатида таърифлаган буюк Шота Руставели ўзининг “Йўлбарс терисини ёлинган паҳлавон” достонида унинг Грузия билан муносабатлари ҳақида ҳам ёзид қолдирган.

Хоразм савдогарлари Шимолий Кавказдаги осетин ва аланлар яшайдиган ҳудудлар билан ҳам жуда қадим замонлардан бери савдо-сотик муносабатларини ўрнатган эдилар. Хусусан, VIII аср ўрта-

шрида ҳуқмронлик қилган хоразмшоҳ Шавушфанд (Савушфанд)нинг кумуш драхмаси археологлар томонидан 1988 йилда Кисловодск шаҳрининг Шарқий чеккасида жойлашган Алан қабиласига мансуб Мокрая Балка ёдгорлигидан топилиши фикримизни яна бир бор тисдиқлайди.¹ Ўз навбатида, XIII аср бошларида Хоразмда бўлган итальян саёҳи Плано Карпини Гурганнҷда кўплаган аланлар манзилгоҳлари бўлганлиги ва улар Шимолий Кавказдан бу шаҳарга ҳаридоргир моллар олиб кетиши максадида келганлигини ёзид қолдирганди.²

Ўрта асрларда Арманистон шаҳарлари орасида энг муҳим савдо маркази сифатида тан олингани – Ани шаҳри эди. Бу ерда 38 хилдаги ҳунармандчилик буюмлари тайёрланган бўлиб, улар орасида турли-туман газламалар, гиламлар, сирчали идишлар, чинни ва металлдан ясалган буюмлар харидоргир бўлган. Двин шаҳрида кошениш деган ҳашаротдан кизил бўёқ олинган бўлиб, у ҳунармандлар ясаган буюмларни ранг-баранг қилиб безашда кўлланилган. Арицн шаҳри эса ҳудудда мовут, гилам, металл ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш билан машхур эди.

Хоразмликлар билан арманлар, асосан, Эрон, Озарбайжон ва Волга бўйи орқали савдо-сотик қилишган. Арман савдогарлари кўп ерларда бўлиб, улар ҳатто Жанубий Сибиргача етиб борганлар.³ Шу ўринда, арманлар Булғор давлатида хоразмлик савдогарларнинг асосий рақиблари бўлишган, деган фикрни билдириб ўтсак, нотўғри бўлмасди.

Хоразм савдогарлари тили ва урф-одатлари бир-бирига яқин бўлган озарбайжонлар билан савдо-сотик ва маданий алоқаларни узоқ ўтмишдан сақлаб келгандар. Озарбайжоннинг Боку, Ганжа, Нахичеван, Бердаа, Табриз, Шемаха, Дарбанд, Марога, Ардабил, Шабран ва Байлақон каби Буюк Ипак йўлида жойлашган йирик савдо-хунармандчилик марказлари ўз даврида жаҳон савдо-сотик муносабатларида катта ўрин эгаллаганди. Айниқса, Шимолий Озарбайжондаги Бердаа шаҳри энг йирик савдо-хунармандчилик маркази сифатида шуҳрат қозонганди. Маъсудий, Истаҳрий ва Ибн Хавқаллар Бердаа шаҳридаги кенг ва гавжум бозорлардан дунёнинг

¹ Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. Энциклопедический справочник. Древность и раннее средневековье. Т., «Узбекистон миллий энциклопедияси», 1999, с. 141.

² Толстов С.П. Калимы Хоразм маданиятини ишлаб. 242-6-ст

³ Смирнов А.П. Волжская Болгария. Степи Евразии в эпоху средневековья. М., «Наука», 1981, с. 210

деярли барча бурчакларидан көлтирилган маҳсулотларни топиш мумкинligини ёзib қолдирғанлар.¹ Шаҳар савдогарлари четга, асан, пила, жун, от ва хачирларни сотғанлар.

Озарбайжонда йирик шаҳарлар күп бўлиб, Ширвон хунармандлари ипак хом ашёсини қайта ишлашда, ганжаликлар газлама тўқишида, дарбандликлар зигир толаларидан мато ишлаб чиқаришида, нахичевонликлар эса ёғочдан турли-туман уй-рўзғор буюмлари тайёрлашда шухрат қозонган эдилар. Шаброн шаҳри ўзининг ипаги, заргарлик буюмлари, бежирим сопол идишлари, юкори навли буғдой ва узуми билан машхур бўлган. IX асрданоқ Боку шаҳарчаси атрофларида нефть қазиб чиқарила бошланган эди².

Жанубий Озарбайжоннинг Шемаха, Нахичеван ва Бойлакан каби Буюк Ипак йўлида турган йирик шаҳарларидан Хоразм бозорларига көлтирилган жун маҳсулотлари, бўёқ моддалари, туз ва мисрудаси тез фурсатларда сотилиб кетган. Xуросон ва Қорақумдан ўтиб келадиган от-тую карvonлари билан бирга, Каспий денгизи ва Амударё эски ўзани – Ўзбой орқали кемаларда мол олиб келаётган савдогарларни кўриқлаш ва уларнинг дам олишлари учун карvonсайрлар барпо этиш ишларига эътибор берилган. Айrim ҳолларда Хоразм савдогарлари ҳам Каспий ва Кура дарёси орқали Кавказорти худудлари, Шимоли-ғарбий Эрон ва Кичик Осиёга боргандар.

Хоразм тижоратчилари Яқин Шарқ давлатлари ва узоқ Миср билан савдо-сотик ва маданий алоқаларни ўрнатишга интилганлар. Натижада, воҳадаги йирик бозорларда Сурия, Фаластин, Ироқ ва Мисрдан көлтирилган зигир толаси, ипак, пахта, жун газламаларига талаб катта бўлган. Дамашқ пўлатидан ясалган курол-аслаҳалар бутун дунёда машхур бўлгани каби Хоразм ҳукмдорларининг қўшинлари учун кўплаб харид қилинарди. Ўрта асрларда Багдод, Дамашқ, Мосул, Қохира, Искандария, Халаб, Триполи, Байрут, Акра, Куддус, Антиохия каби Яқин Шарқ ва Мисрдаги йирик шаҳарлар Буюк Ипак йўлидаги савдо-сотик муносабатларида муҳим роль ўйнай бошлидилар. X асрда илгариги ҳарбий манзилгоҳ ўрнида вужудга келган Қохира шаҳри савдо-сотик алоқаларининг ривожида муҳим

¹ Кошкарлы К.О. Города Азербайджана на трассах Великого Шелкового пути. Города и каравансараи на трассах Великого Шелкового пути. Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО. Ургенч, 1991, с. 37-38.

² Гекопов Р.Б. Городище Шабран. Города и каравансараи на трассах..., с. 33.

³ Мамбетуллаев М.М. О торговых связях Хорезма в древности и средневековья. Города и каравансараи на трассах..., с. 44.

иҳамият касб этибгина қолмасдан, тез орада энг гўзал, ақолиси кўп ва йирик савдо-хунармандчилик марказига айланди.

Мисрдан чет мамлакатларга кўплаб зигир тола, жун, пахта ва ипак газламалар, рангли чинни буюмлар, шақарқамиш, совун ва хоқазолар чиқарилган. Мисрдаги Дабика шаҳрида ишлаб чиқариладиган маҳсус матоси Хоразмда кенг тарқалганилиги ҳақида ас-Саолибий маълумотлар қолдирган.¹ Хоразмга Мисрдан көлтирилган тақинчоқларнинг савдоси чакқон бўлган. Жумладан, Қаватқальва Шоҳсанам (Субурна) ёдгорликлари ўрганилганда Миср хунармандлари томонидан оқ кваридан ясалган ва кўк ранглар берилган туғилган мунит шаклидаги маржонлар ва бошқа ранг-баранг тошлардан ясалган тақинчоқлар топилган.²

Серқатнов карвон йўллари Сурия ва Фаластиндан ўтган бўлиб, улар орқали Хоразмга ташилаётган савдо-сотик моллари ҳақида ал-Мақдисий куйидагиларни ёзганди: “Фаластиндан зайдун ёғи, майиз, шойи газламалардан кўйлаклар, совун ва мева көлтирилади. Куддусдан – пишлок, пахта, узум, олма, ойна, чироқ ва игналар; Уммондан – дон, кўзилар ва асал; Табариядан – гилам, қофоз, пахта газламалар; Қадасдан – икки асосли газлама, арқон; Сурдан – қанд, нақшили ойна; Маъабдан – писта; Байсандан – гуруч, хурмо; Дамашқдан зайдун ёғи, газламалар, парча, гунафша ёғи, мис идишлар, қофоз, ёнғоқ, майиз; Ҳалабдан – пахта, кийим-кечак чиқарилган; Тунис – кун давомида турли хил товланувчи заррин газмоли – “буқаламун” билан машхур эди”.

Хоразмлик савдогарлар ўз давлатидаги ноёб молларини Месопотамиядаги Бағдод, Шарқий Ўрта Ер денгизи буйидаги Триполи, Байрут, Акра, Аскalon, Яффа, Куддус ва Қохира, Искандария шаҳарларига олиб бориб сотар эдилар. Баъзида савдогарлар йирик давлат арбоблари ва таникли алломаларнинг ёрдами ва обрўсидан фойдаланишга уринган вақтлари ҳам бўлган. Ҳусусан, хоразмшоҳлар саройи шоири Рашидиддин Вотвот Ироқдаги Хоразм ноибига ёзган мактубида Усмон ибн Исмоил Хоразмий исмли савдогарга гамхўрлик қилишни сўраган³.

X-XIII асрлар давомида Хоразм савдо-сотик марказлари Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоги орқали Яқин ва Ўрта Шарқ, Эрон,

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху..., с. 296.

² Шершова Т.А. Египет и кушанское царство (торговые и культурные контакты). М., «Наука», 1988, с. 8.

³ Булиев 3.М. Ануштагин-Хоразмийлар давлати. 136-бет.

Кавказорти ва Кичик Осиё худудлари билан олиб борган савдо-сотиқ алоқаларининг юксалиш даврини ўз бошидан кечирди. Айникса, улкан Хоразмшох-ануштагинийлар давлати вужудга келиши ва унинг худудлари қўшни давлатлар хисобига кенгайиши нафақат сиёсий баркарорлик, балки иқтисодий ҳаётнинг мустаҳкамланишига кучли таъсир кўрсатди. Хоразмшоҳлар босқинчилик мақсадида ҳарбий ҳаракатларни қанчалик кучайтирасин, ташки ва ички савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланишига ғамхўрлик қилиш зарурлигини яхши тушунган ва Буюк Ипак йўлини энг ҳавфсиз тижорат йўлларидан бирига айлантиришга астойдил интилганилар.

Тарихнинг тури даврларида тури сиёсий жараёнлар Хоразмни узок Ҳиндистон ярим оролидаги шаҳарлар аҳолиси билан бир давлатта бирлаштириб турган. Бундай ҳолат аҳамонийлар ва Күшон империяси, араб ҳалифалиги даврида ўзаро савдо-сотиқ ва маданий алоқаларининг тикланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. X–XIII асрларда Хоразмнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан юксалиши натижасида шимоли-ғарбий Ҳиндистон билан бўлган азалий алоқалар яна кучайди.

Бир вақтлар жаҳон цивилизациясининг йирик марказларидан бири хисобланган Ҳиндистоннинг Пешовар, Мўлтон, Шринагар, Лахор ва Дехли шаҳарлари йирик савдо-хунармандчилик марказлари ҳисобланган. Бу шаҳарлардаги кўли гул хунармандлар томонидан тайёрланган зеб-зийнат буюмлари, олтин ва кумушдан ясалган кўзачалар ва идишлар, фил сугири ва ёғочнинг қаттиқ навларидан ўйилган ҳайкалчалар, пахтадан тўқилган нихоятда нафис ва сифатли газламалар ва зираворлар бутун Шарқ ва ҳатто Европада ҳам мальум ва машхур эди. Ҳиндистон дехқонлари пахта ва шоли этиштириш соҳасида катта тажрибага эга эдилар.

Хоразм савдо-сотиқлари Ҳиндистонга юқ олиб бораётганда Амударё орқали кемаларда молларни Термизгача, ундан сўнг эса от-туя карvonлари ёрдамида Балх, Қобул, Газна, Лахор шаҳарларидан ўтиб, Дехлига етказиб келганлар. Хоразмдан Ҳиндистон бозорларига кўпроқ йилки отлар, қалайи, мис, олтин, кумуш буюмлар олиб келинган.

Ҳиндистон билан савдо-сотиқ муносабатларини амалга оширган хоразмликлар узок Ҳитой давлати билан икки томонлама фойдалали алоқаларни кучайтиришга интилганилар. Машхур тарихчи Сима Цзянъ ўзининг “Шицзи” (“Тарихий эсдаликлар”) асарида ишун-

дай деб маълумот қолдирган: “Гўйшшўй (Амударё) дарёси бўйларида савдогар ва тожирлар яшайди. Улар сув ва қуруқлик йўллари орқали ўз молларинни қўшни ўлкаларга ва ҳатто минг ли узоқлиқдаги ўлкаларга олиб борадилар”.¹ Ушбу маълумот Хоразмлик савдогарларга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Ҳитой билан Хоразм ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар жуда узоқ тарихий даврни қамраб олади. Хоразмнинг Замашшар, Хива ва Миздаҳқон шаҳарларида олиб борилган археологик тадқиқотлар вақтида Тан сулоласи даврига оид ҳитой чинни идишлар топилган. Ҳитойнинг “селадон” типидаги чинни идишлари XII–XIII асрларда мавжуд бўлган Хоразм савдо марказлари ҳаробларидан топилиши ҳам савдо алоқаларининг сақланиб қолганлигини кўрсатади.²

Ҳитой билан савдо-сотиқ алоқалари Турк ҳоқонлиги даврида ҳам давом этган. Мовароунахрга араблар босқини арафасида кўпгина Ҳитой буюмлари келтирилганлиги ҳақида ўз асарларида ат-Табарий ёзид қолдирган. Ҳитой хунармандларининг ясаган буюмларидаги ноёб иакшлар маҳаллий усталар томонидан ўзлаштирилган ва айрим ҳолларда уларнинг ясаган нарсаларини ажратиш жуда мураккаб бўлган. Бу ҳақда ас-Саолибий қолдирган маълумотлардан билиб олиш мумкин эди.³

Ҳитойдан Фарбга чўзилган карвонлар Гоби чўли, Шарқий Туркестон, Фаргона ва Тоҳаристон орқали Хоразмгача етиб келишган. Савдо-лотлар бу узоқ юртдан келтирган маҳсулотлар орасида ишак матолар, чинни идишлар асосий ўринни эгаллаган. Ўз навбатида, Хоразмдан Ҳитойга сувсар, олмахон, тулки, қундуз, қуён мўйналари ҳамда ишлов берилган эчки терилари жўнатиб туриларди.⁴ VIII–IX асрлар Ҳитой манбаларида тилга олинган ва Хоразмдан келтирилган бázзи маҳсулотлар: қизил рангли буғу териси, “тош асал” (қанд бўлса керак), “кора туз” ҳамда маҳсус мис яшикларда олиб келинган тарвуз каби маҳсулотлар кейинги асрларда ҳам узлуксиз Ҳитой бозорларига келтириб турилган бўлса керак.⁵

¹ Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. С. 22.

² Кимрниязов М. Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII–XIV веках. Нукус, «Каракалпакстан», 1989, с. 132.

³ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху..., с. 296.

⁴ Шефер Э. Золотые персиды Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. М., ГРВЛ, 1981. с. 147–148.

⁵ Уна жойца, 164, 207, 287-бетлар.

Хоразмнинг Хитой билан савдо-сотик алоқалари, асосан, икки йўл орқали амалга оширилган. Биринчи йўл – Амударёнинг ўнг ва сўл қирғогида жойлашган шаҳар ва карвонсаройлар бўйлаб, Амул қалъасига олиб келарди. Кейинчалик карвонлар Бухоро, Самарқанд, Бинокат, Тароз, Кулон, Мерке, Боласогун, Сүёб, Иссиккўлнинг жанубий қирғоги ва Шарқий Туркистон шаҳарлари орқали Хитойга етиб келганлар. Буюк Илак йўлининг жанубий таромоги хисобланган ушбу йўлдан ташқари, яна иккинчи йўл ҳам мавжуд бўлиб, у, дастлаб, Урганчдан бошланиб, Сирдарё бўйидаги Ўтрор қалъасига, сўнгра эса Еттисув ва Мўгулистондан ўтиб Шимолий Хитойгача қўзилган эди.¹

Хитой билан савдо-сотик алоқалари мўгуллар истилоси бошлиниши арафасида ҳам давом эттирилганди. Хусусан, мўгуллар хизматига ўтган хоразмлик савдогар Махмуд, Чингизхон қўшинлари ортидан Хитойга борган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг элчиси Баховуддин Розий ҳамда Аҳмад Балҷич ва Аҳмад Хўжандий етакчилигидаги Мовароуннаҳр савдогарлари нафакат ўз молларини сотишган, балки нёёб маҳсулотларни харид қилиш ва ўз юртига олиб келишга муваффақ бўлгандилар. Икки ўртадаги фойдали ва кенгайиб бораётган ўзаро алоқаларнинг ривожига мўгул-татарларнинг босқинчилик юришлари каттиқ зарба берди.

1219–1221 йилларда Чингизхон ва унинг буюк лашкарбошилари Хоразмшоҳ-ануштагинийлар империясининг юраги бўлган Мовароуннаҳрни забт этгач, узоқ давом этган ҳарбий ҳаракатлар натижасида Эрон, Озарбайжон, Кавказорти, Ироқ, Суря ва Фаластин ҳудудларига хуруж қилдилар. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг кўп йиллик жанговар ҳаракатларига қарамасдан, мўгуллар гарбга қараб юришларини давом эттирдилар. 1231–1239 йиллар давомида Кавказорти забт этилди. 1236–1241 йилларда Ботухон қўшинлари Болқондаги Адриатика дengизигача, 1256–1258 йилларда Хулагуҳон армияси Ироқ ва Кичик Осиёгача етиб борди. 1258 йилда мўгуллар Бағдодни эгаллаб, аббосийлар хукмронлигидаги араб халифалигини тутгатдилар.

Мўгул қўшинлари 1211–1234 йилларда Хитойнинг шимолий қисмидаги Цзин империяси ва 1271–1276 йилларда Жанубий Хитойдаги Сун империясини яксон қилдилар. Натижада Буюк Илак

йўлининг бутун тармоқлари мўгул-татарлар ихтиёрига ўтди. Карвон йўлларида жойлашган катта-кичик шаҳарлар беаёв вайрон қилинди. Қўлидан иш келадиган кўпслаб усталар, хунармандлар Мўгулистонга ҳайдаб кетилди. Натижада, хўжалик ҳаёти анча орқага кетиб, шаҳар ва қишлоқлар ҳувиллаб қолди.

Мўгуллар босқини оқибатида Эроннинг Нишопур, Рай, Қазвин, Ҳамадон, Тус, Ҳирот, Ҳурсоннинг Марв, Нисо, Обивард шаҳарлари, Афғонистоннинг Қобул, Бомиён, Ғазна ва Қандаҳор, Ироқ ва Суриянинг Бағдод, Мосул, Ҳомс, Ҳалаб шаҳарлари вайронага айланди. Бир вақтлар 100 мингдан зиёд аҳолиси бўлган Ҳиротда атиги 16 киши тирик қолганди. Худди шундай аҳвол Нишопур ва Марвда ҳам мавжуд бўлиб, Рай, Қазвин ва Ҳамадон шаҳарларида, умуман, ерлик аҳоли қолмаган эди. “Шубҳа йўқки, – деб афсус-надомат билан ёзганди машхур форс олими Ҳамдаллоҳ Қазваний 1340 йилда, – Мўгул давлати вужудга келиши давомида келтирилган вайронагарчилик ва оммавий қирғинбарот шу даражадаки, агар бундан кейин минг йил давомида тинчлик бўлса ҳам, уларни аввалидек килиб тиклаб бўлмайди ва дунё ҳеч қачон бу босқиндан олдинги ҳаётга қайта олмайди”¹.

Мовароуннаҳр ва Эрон ҳудудларида дастлаб босқинчилик мақсади билан ҳаракат қилган мўгулларнинг бир қисми кейинчалик янги ерларда ўтрок ҳолда яшай бошладилар. Натижада, улар вайрон этилган шаҳар ва қишлоқларни тиклаш, иқтисодий ва маданий ҳаётни изга тушуриш лозимлигини тушуниб этилдilar.

1236 йилда Улуғ ҳоқон Ўгадойхон (1229–1239) Ҳиротни қайтадан тиклашга руҳсат бериб, Мўгулистандаги кўпгина хунармандларни ўз юртларига қайтариб юборишга ҳам розилик берди.² Хубилайхон Хитой билан савдо-сотик алоқаларини ривожлантириши мақсадида металл пуллар ўрнига қоғоз пулларни муомалага киритди. Амалдорлар қиска вақт оралиғида янги пулларнинг қадрли бўлишини таъминлаш билан бир қаторда унга бўлган талабнинг ҳам оширилишига эришдилар.³

Чигатой улусининг Мовароуннаҳрдаги хонлари Кебакхон ва Қозогон ўз кўл остидаги ерларнинг иқтисодиётини жонлантириш

¹ Всемирная история. Г. З. М., «Госиздат», 1957, с. 578.

² Ўша жойда, 578-бет.

³ Ўша жойда, 526-бет.

¹ Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. 1, карта на с. 116–117 (рис. 31).

мақсадида бир қатор ислоҳотлар ҳам ўтказдилар.¹ Жумладан, савдо-сотиқ муносабатлари ва ҳарбий-стратегик мақсадларни кўзлаб, йўллар ва алоқа воситаларининг яхши ишлашини таъминлаш учун ҳаракатлар бошланди.² Ўлкадаги савдо йўлларини, асосан, мусулмон савдогарлари – форслар, хоразмликлар ва мовароуннаҳриклар ўз қўлларига олиб, ширкат шаклидаги уюшмалар ташкил қилдилар.³

Мўғуллар вайрон қилган Хоразм шаҳарлари ҳам аста-секин тиклана бошлади. Ҳунармандчилик устахоналари маҳсулот чиқара бошлиши, уларни сотиш ва айирбошлаш имкониятларинг кенгайиши савдо-сотиқ муносабатларини ҳам жонлантириди. Натижада яна ҳар хил моллар ортилган карvonлар Эрон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Кавказорти, Ҳиндистон ва Хитой каби мамлакатларга йўл олдилар.

XIV–XV асрларда Хоразмнинг Жанубий Туркманистон ва Эроннинг Ҳурисон вилояти билан савдо-сотиқ алоқалари анча ривожланганини тасдиқловчи кўплаб ашёвий далиллар археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган. Жумладан, Хоразмдаги ўрта асрга оид Шемахақалья, Миздаҳон, Замахшар, Урганч, Ёрбакир-қалъадан топилган кўпгина сопол идишлар, Эронга хос “миной” типида ясалган ёки шу худуднинг ўзидан келтирилган. Маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган уй-рўзгор буюмларининг аксариятида Эрон ва Жанубий Туркманистон кулолчилигининг кучли таъсири сезилиб турган. Хоразм орқали ушбу ҳолат Олтин Ўрда кулолчилигига ҳам таъсир кўрсатганлиги исботланган.⁴

Эрон билан алоқалар таъсирида Хоразмда янги меъморчилик обидалари қурила бошланди. Уларнинг кўпларига Эронда одат тулага кирган шер тасвири туширилди. Жумладан, Беловли карvonсарайи пештоги шер тасвири билан безалган эди. Афсонавий шер тасвири туширилган кўплаб танга пуллар савдо-сотиқ муносабатларидан кенг кўлланила бошланди. Ўз навбатида, Хоразм ва Олтин Ўрда зарб қилинган танга пулларга туширилган шер тасвири Салжукйлар ва Ҳулокуйлар тангларидан кириб келганди.⁵

¹ Ўша жойда, 571, 580–581-бетлар.

² Всемирная история. Т. 3, М., «Госиздат», 1957, с. 525.

³ Ўша жойда, 525-бет.

⁴ Федоров-Давыдов Г. А. Нумизматика Хорезма Золотоордынского периода. НЭ, т. 5, с. 190.

⁵ Клырнизов М.-Ш. Культурные связи средневековых городов Хорезма. Археология Приаралья, вып. II, «Фан», 1984, с. 98.

Эроннинг мўғуллар империяси таркибига қўшиб олиншишига қарамасдан, кўп йислар давомида унинг шимолидаги Озарбайжон-винг унумдор ерлари учун Ҳулоку ва Жўжи авлодлари ўртасида тўхтовсиз урушлар бўлиб турди. Оқибатда, Эронни Олтин Ўрда билан боғлаб турувчи Кавказ ўйли бекилиб қолди. Эндиликда эронлик савдогарлар ўз молларини Олтин Ўрда ва Русга Хоразм ва Волга бўйидан ўтувчи савдо йўллари орқали ташишга мажбур бўлдилар.¹

Ушбу ҳолат Эрон товарлари ва у ердаги ҳунармандлар яратган ноёб буюмларнинг Хоразм бозорларида ўз таъсирини кучайишига объектив имкониятлар яратди. Бундан ташқари, Хоразм билан Марв ўртасидаги эски йўлларда ҳам карvonлар харакати тикланди. Жануб мамлакатларидан савдогарлар олиб келаётган товарларнинг бир қисми Хоразм шаҳарлари ва қишлоқларидағи аҳоли томонидан харид қилиниб, маҳаллий усталар улардан намуналар олишган, деган таҳминлар шаклланди.² Бундай маҳсулотлар орасида тўқимачилар яратган гиламлар, газламалар, ҳунарманд усталарнинг металли буюмлари, қурол-яроғлар (машхур исфаҳон қиличлари) асосий ўринни эгаллаган.

XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Урганч билан Жанубий ва Жануби-Ғарбий Туркманистон, Эрон-Ҳулокуйлар давлати шаҳарлари ўртасидаги савдо алоқалари яна жонланган. Ахала шаҳридаги археологик қазувлар вактида XIV асрга оид қатламлардан Урганчда ясалган жуда кўплаб сопол буюмлар топилган. Кавказорти худудлари билан Хоразм ўртасида яна ўрнатилган савдо-сотиқ муносабатлари Табриз, Ширвон, Гаنجка, Боку каби йирик шаҳарлар билан кучайган.

Машхур саёҳ Ибн Баттута ўз “Саёҳатнома”сида Хоразмда ироқлик савдогарларни учратганини ва бу ерда Бағдод шиша идишлари аҳоли томонидан юқори даражада қадрланганини ёзиб қолдирганди.³ Шиша идишлар Хоразмга Сурия ва Миср давлатларидан ҳам келтириларди. Кичик осиёлик савдогарлар гилам, ипак ва ярим ипак газламалар билан ҳам Хоразм бозорларида кенг савдо-сотиқ ишларини олиб борардилар.

¹ Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и Мавераннахр. ТЮТАКЭ, т. 13, Ашхабад, 1966, с. 98.

² Кдырнизов М.-Ш. Материалная культура городов Хорезма в XIII–XIV веках. Нукус, «Қаракалпакстан», 1989, с. 132..

³ Иброхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. 60–62-бетлар.

Хоразм бозорларида шунингдек Ҳиндистондан келтирилган буюмларни ҳам кўриш мумкин эди. Урганч шаҳри ҳаробаларидан археологлар Дехли султонлари зарб қилдирган тангаларнинг катта казинасини топишгани фикримизнинг якъол далилидир.¹ Ҳиндистонга оид тангалар ва денгиз чиганокларидан ясалган безак буюмларининг Шаҳарлик ва Миздаҳон шаҳарлари ҳаробаларидан ҳам топилиши икки томонлама алоқаларнинг доираси анча кенг бўлганигини кўрсатади.² Ҳинд тангаларида тасвирланган Тарозу ва Сувчи астрологик белгилари, кўпгина тадқиқотчilar фикрича, Волга бўйи иконографиясида учрамайди. Улар, асосан, Жўжи улуси савдогарларининг Хоразм орқали Ҳиндистон билан олиб борган савдосотиқ муносабатлари билан бевосита боғлиқ бўлганди.³

Юқорида тилга олинган жаҳонгашта Ибн Баттута Ҳиндистонга борган вақтида маҳаллий хукмдорнинг илтифоти билан Хоразмдан келтирилган қовун қоқидан истеъмол қилганини ёзib қолдирганди.⁴

XIII–XIV асрларда Хоразмнинг Хитой давлати билан савдосотиқ алоқалари кучая бошлиган. Хоразмликлар Хитойдан келтирилган “кобалтъ” ва “селадон” типидаги чинни буюмлар ҳар қандай заҳарни ҳам зарарсизлантиради деб хисоблар ва уларни кўплаб харид қилилар. Хитой чинни идишлари намуналари Кўхна Урганч, Миздаҳон, Девкеслан, Шемахақалъя шаҳарларида ва Талайхонота карvonсаройида ҳамда Хоразмнинг бошқа ёдгорликларини тадқиқ қилиш вақтида кўплаб топилган. 1987 йилда Миздаҳондан X асрга оид Сун сулоласига мансуб танга, XII–XIV асрларга мансуб “селадон” идишлар топилган.⁵

Аксарият ҳолларда Хитойдан келтирилган чинни ва сопол идишларининг атрофи, ичи ва тагига иероглиф ёзувлари, турли-туман чиройли гуллар, мевалар, аждаҳолар ва балиқлар тасвирлари туширилган бўларди. Хоразм кулолчилиги тарихи тадқиқотчиси

¹ Федоров-Давыдов Г.А. Золотоординские города Восточной Европы и Хорезма на трассах “Шелкового пути”. Города и каравансира на трассах..., с. 24.

² Клырнизов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII–XIV веках. С. 38.

³ Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. Полевые исследования ТХАЭ в 1958–1961 гг. МХЭ, т. 2, вып. 7, с. 51–52.

⁴ Ибрхимов Н. Кўрсатилган асар. 72-бет.

⁵ Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. 1, с. 113.

⁶ Клырнизов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII–XIV веках. С. 17, 38, 51, 65; Клырнизов М.Ш., Баутдинов Р. Торговые связи средневекового Миздахана. Археология Приаралья. Вып. VI, Нукус, 2003, с. 8; Клырнизов М.Ш. Зеркала с изображением драконов из Миздахана. Вестник ККО АН РУз. №3, 2000, с. 70.

Н.Н.Вактурскаяниң фикрича: “Хоразм кулоллари Хитой усталарига кўр-кўёна тақлид қилмасдан, асрлар давомида шаклланган анъ-аналарни ва мавжуд дидни ҳисобга олиб, ўз маҳаллий ашёларида қайтадан ишлаб чиқканлар”.¹

Хитой билан бўлган алоқаларининг кенгайиши натижасида хоразмликлар ўз уй-жойларини хитойча – Кан усулида иситишига интилганлар. Ўз навбатида, Ҳиндистондаги каби Хоразм қовунлари ва қовунқосиши Хитойнинг энг чекка шаҳарларигача олиб бориб со-тилганлигини Ибн Баттута эслатиб ўтганди.²

Амир Темур давлатининг вужудга келиши билан шимолий савдо йўленинг мавқеи пасайиб қолди. Натижада, тахминан, ўттиз йил давомида бутун Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари Эрон ва Мовароуннаҳр орқали ўтган Буюк Ипак йўленинг жанубий тармоғи орқали амалга оширилди. Кўп йиллик мураккаб сиёсий вазиятни бошидан кечирган ва Амир Темур давлати таркибига кўшиб олинган Хоразм эндилиқда Шарқий Европа ва Россия билан эмас, балки Эрон, Мовароуннаҳр, Ирок, Яқин Шарқ, Ҳиндистон ва Хитой билан савдо-сотиқ муносабатларини йўлга қўйишга мажбур бўлганди. Аммо бу савдо-сотиқ алоқалари илгаригидай кенг миқёсда бўлмасдан, темурийлар орасида бошланиб кетган ўзаро ички низолар натижасида жуда қисқариб қолганди.

XV–XVII асрларда Хоразмнинг ички ва ташқи савдо-сотиқ муносабатларида Урганч шаҳри ўз мавқеини йўқотмади. Шу билан бир қаторда, воҳа атрофидаги Кумкенд, Тирсак, Вазир, Янгишахар бозорларида ҳам чет эл савдогарлари дўконлари ва молларини учратиш мумкин эди. Жумладан, Хива шаҳри археологик ёдгорликларида XV–XVI асрларга оид Хитой тангалари, иероглифли чинни идишлар, металл, шиша, суяқ буюмлар топилди.³

Жаҳон савдо-сотиқ алоқаларининг мустаҳкамланишида карvon йўлларининг хавфсизлиги таъминланганлиги, тижорат ахли учун ичимлик суви, сифатли озиқ-овқат ва дам олиш имкониятларининг яхши яратилганлиги муҳим аҳамиятга эга эди. Шу боис давлат бошликлари ва йирик ишбилармонлар шаҳар ва қишлоқлар бозорларида карvonсаройлар ва чойхоналар куриш, қимматбахо мол-

¹ Вактурская Н.Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (IX–XVII вв.). В кн.: Керамика Хорезма. ТХАЭ, т. IV, М., Изд. АН СССР, 1959, с. 342.

² Ибрхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сабҳати. 62-бет.

³ Мамбетуллаев М.М. О торговых связях Хорезма..., с. 46.

лар олиб келаётган савдогарларнинг юкларини сақлаш ишларига катта эътибор каратишган. Ўз навбатида, савдогарлар ҳам тинч ва таъминланган йўллардан юришга интилганлар.

Чунончи Хоразм савдогарларининг Эрои, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон ва Хитой билан савдо-сотик муносабатлари Жанубий Туркманистон ва Хурросон йўллари орқали амалга оширилган. Қоракум ва Амударё бўйлаб ўтган ҳамда Хоразмни Жанубий ва Жанубий-Гарбий Туркманистон билан боғлаб турган ўрта аср карvon йўллари изларини XX асрнинг 70 – 80-йилларида археолог олимлар ўрганиб, мухим маълумотларни аниқладилар. Жумладан, Марв билан Хоразм оралиғида бир неча карvon йўллари мавжуд бўлиб, унда Минора номли карvonсарой катта аҳамиятга эга бўлган.

Эрон ва Хоразм ўртасидаги карvon йўлларининг кўп асрлардан бери фаолият юритиб келаётганини исботлайдиган далиллар массажет қабилалари ёдгорликларидан топилди. Улар орасида Шимолий Ҳиндистондан келтирилган маржонлар, Кавказорти сопол буюмлари, Миср чинниси ва Исиданинг бронза ҳайкалчаси каби четдан келтирилган буюмлар бор эди.

Нисодан (ҳозирги Ашхобод яқинида) Хоразмнинг йирик савдо-сотик маркази Урганчга олиб борувчи карvon йўли эса тарихда “Шахристон йўли” номи билан машҳур бўлганди. Бу йўлга чиқсан карvon, даставвал, шимол томонга юриб, Ёритигумбаз, Кашиб қудуклари орқали Нахарли қудугига етиб келарди. Кейин Нахарли қудугидан б km шимолий ва шимоли-гарбий томонда мавжуд бўлган Кирпичли қудугига борилган. Бу ерда Нисо вилоятининг шимолий чеккасида кўп аҳолили Каук қишлоғи бўлганлигини туркман археологи Д.Дурдиев таҳмин қилмоқда.¹ Чунки қудук атрофидан ўрта асрларга тегишли курилиш қолдиқлари ва уй-рўзгор буюмлари топилган. Кирпичлардан чиқсан карvonлар Уюқли ва Қарри-чирили-Бешқақ қудугларидан ўз сув эҳтиёжларини қондирганлар. Уюқлидан б km. гарбий – жануби-гарбда ўрта асрларга мансуб кичик қалья -истехқом қолдиги топилган.

Бешқадан 4 km. шимоли-шарқда (Нисодан таҳминан 110–120 km. шимолий, шимоли-шарқда) Кизилчақалья номли карvonсарой жойлашганди. Ундан кейин карvonлар Бахт қудуги орқали ўтиб, кичик карvonсарой бўлган Чурчури аҳоли манзилига етиб келган.

¹ Дурдымев Д. Транскаракумский торговый путь из Хорезма в Южный Туркменистан. Новые исследования по археологии Туркменистана. Ашхабад, 1980, с. 99.

Чурчуридан Қизилчақалья, Гичгалди, Қамишли, Аёз қудуклари орқали юрилгач, 85 km. шимоли-шарқда жойлашган Минора карvonсаройига етиб келинган. Айнан шу ерда Марвдан келаётган савдо карvonлари Нисо шахридан чиқсан карvonлар билан учрашган. Ўз навбатида, Минора қалъасидан Хонкуй қудуги орқали Марв воҳа-сига борувчи йўл мавжуд бўлганди.¹

Минорадан 50 km. шимоли-шарқда Ҳасарли карvonсаройи бўлганлиги аниқланди. Ҳасарлидан то Хивагача бўлган йўлнинг тўртта тармоғи ҳақида ёзма маълумотлар сақланиб қолган. Нисбатан аниқроқ белгиланган йўлларнинг бири – Ҳасарли. Бобохон ўюқли, Кенгкүдуқ, Яккасўзан, Ҳонкудуқ Сойгача, Кесакли, Қорақўл ку-дуқлари орқали Хивага етиб борган.² Ўрта аср манбаларида ушбу йўл Замахшарга ва ундан сўнг Урганчга олиб борганлиги ҳам қайд этилган.³ Мазкур йўлдан ҳаракат қилган карvonлар Урганч, Замахшар, Шоҳсанам, Шемахақалья каби йирик бозорлари бўлган шаҳарларга етиб келганлар.

Коракум чўли орқали Хоразмга карvonлар жуда қадим замонлардан келиб турган. Йўлнинг табиий жиҳатдан ўта мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда, вакт ўтиши билан карvonсаройлар курилишига эътибор берилган. Серсув қудуклар яқинида шинам қилиб қурилган ва мустаҳкам деворлар билан ўралган карvonсаройлар савдогарлар, йўловчилар, сайджатчилар хавфсизлигини кафолатловчи истеҳком ролини ўйнаган.

Хоразм билан Марв ва Нисо ўртасидаги йўлларда мавжуд қудуклар яқинида қурилган карvonсаройларнинг аксарияти X асрда амалга оширилган, деган таҳминлар бор. Чунки карvonсарой қолдикларидан топилган сопол буюмлар ва бошқа ашёвий далилларнинг аксарияти X–XIII аср ҳунармандчилиги намуналаридан иборатdir. Иккинчидан, сийсий вазият тақозосида Хоразм айнан шу даврларда марказлашган давлат сифатида тарих майдонига чиқсан эди. Учинчидан, хоразмликлар учун Хурросонга олиб борувчи қисқа ва кулай йўллар зарур бўлиб, улар сомонийлар мулкларини четлаб ўтиши ва савдогарларни катта бож тўлашдан ҳалос қилиши лозим эди⁴. Тўртнчидан, Эрондан Хоразмга олиб борувчи йўллар ҳақида

¹ Ўша жойда, 102-бет.

² Ўша жойда, 103-бет.

³ Ғуломов Я.Ф. Қадимги Хоразмнинг сугорилиш тарихи. 120-бет.

⁴ Дурдымев Д. Транскаракумский торговый путь..., с. 105.

ги маълумотлар ва далиллар факат савдо-сотик алоқаларини кучайтириш учунгина эмас, балки ҳарбий-стратегик ва жосуслик мақсадларини ҳам кўзлаб тўпланган, деган тахминлар бор эди.¹

Тадқиқотчилар томонидан Шимоли-Шарқий Эронни Марғиёна воҳаси орқали Хоразм билан боғлаб турган карвон йўллари нисбатан тўлиқроқ ўрганилганлиги маълум. Ўрта аср форс географи Ҳамдуллоҳ Қазвиний ўзининг “Нузхат ул-кулуб” (“Қалблар ороми”) асарида Хурросон ва Мозандарондаги савдо-сотик алоқалари ҳамда Эронни Хоразм билан боғловчи карвон йўллари тўғрисида батафсил маълумотлар қолдирган. Олимнинг кўрсатишича, Бистом ва Дехистон шаҳарлари оралиғидаги йўлнинг узунлиги тахминан 300 км.ни ташкил қилган бўлиб, унинг асосий манзилгоҳлари ўртасидаги масофани карвонбошилар яхши билишган. Жумладан, Бистомдан Гандгача 7 фарсах (тахм. 46 км.); Ганддан Милободгача 6 фарсах, Милободдан Мусободгача 5 фарсах; Мусободдан Журжонгача яна 5 фарсах, яъни 23 фарсах – тахминан 150 километр масофани ташкил қилган. Журжонга келган карвонлар кейинчалик ўз сафарини давом эттирганлар. Натижада Журжондан икки йўл кесишган жойгача 9 фарсах, ундан Мухаммадободгача 7 фарсах ва яна шунча масофадан кейин Дехистонга етиб борганлар. Шундай қилиб, Бистомдан Дехистонгача бўлган масофа 46 фарсах – тахминан 300 километрни ташкил қилган. Академик В.В.Бартольдинг от-түя карвонлари 23 фарсах йўлни 4 кунда босиб ўтишган деб хисоблаганигини эътиборга олсан, Бистомдан Журжон орқали Дехистонгача бўлган масофани улар 8 кунда босиб ўтганлар.²

Дехистонни Эроннинг бошқа шаҳарлари билан ҳам боғлаб турган яна бир серкатнов йўл – Абескун билан Дехистонни боғловчи тўғри карвон йўли бўлганлиги ҳам тахмин қилинади. Бу йўлнинг 50 фарсах эканлиги ҳақида ал-Истаҳрий ва Ибн Ҳавкаллар ёзиб қолдирганлар. Улардан қолган маълумотларга эътибор берган В.В.Бартольд ёзганди: “Журжон дарёсининг қуишиш жойидан бошлаб 50 фарсах йўл бизни Болкон кўрфазига олиб келиши керак эди. Лекин бу фикр бошқа, яна-да аниқроқ маълумотга тўғри келмайди”,³ – дей таъкидлаган эди.

¹ Ўша жойда, 153-бет.

² Бартольд В.В. Дорожник от Бистама до Куня-Ургенча. Соч. М., 1965, т. 3, с. 262.

³ Бартольд В.В. Сведения об Аравъском море и изовьях Амударьи с древнейших времен до XVIII в. Сочинения. Т. 3, М., «Наука», 1965, с. 46.

Тарихий манбаларда Дехистондан Гурганжгача бўлган йўлдаги кўплаб тўхташ жойлари ва улар орасидаги масофа ҳақида маълумотлар учрайди ва уларни таҳлил қиласидиган бўлсан, куйидагилар аниқланади. Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг кўрсатишича, Дехистондан Хоразм пойтахтига олиб борувчи йўлдаги биринчи тўхташ манзили – Газбини работи бўлиб, у 7 фарсах масофада жойлашган. Ундан Абул Аббос работигача 9 фарсах, ундан Ибн Тоҳир работигача 7 фарсах, ундан Фаровагача 7 фарсах, ундан Хишти-Пухтгача (пишган гиштдан тикланган работ) 8 фарсах. Ундан Хушабдонгача 7 фарсах, ундан Тамғач работигача 7 фарсах, ундан Карвонгоҳгача 7 фарсах, ундан Сарҳанг работигача 9 фарсах, ундан Минорагоҳгача 7 фарсах, ундан Силбалигача 8 фарсах, ундан Мушки-Мабнигача 8 фарсах, ундан Маръям работигача 9 фарсах, ундан Хоразми-Нав (Янги Хоразм)гача 8 фарсах, ундан Хулми-Навгача (Янги Хулм) 6 фарсах, ундан Урганчгача 4 фарсах масофани босиб ўтиш керак эди. Барча оралиқ масоफаларни ҳисобга оладиган бўлсан, Дехистон – Урганч карвон йўли 110 фарсаҳни ташкил қиласи. Аммо юқорида санаб ўтилган работлар орасидаги масофа Қазвиний таъкидлаганидек, 110 фарсах эмас, балки туркман олими Е.Атагарриев ҳисобича – 118 фарсаҳни ташкил қиласи.¹

В.В.Бартольдинг ёзишича “Ҳамдуллоҳ Қазвиний ўзининг йўлномасини тузиш пайтида мўгул сultonи Ўлжойту (1304–1316) даврида тузилган йўлларнинг расмий ўлчамлари тўғрисидаги маълумотномадан фойдаланган”.² Ўз навбатида, Қазвинийнинг йўлномасини нашр қолдирган В.В.Бартольдинг тадқиқотлари натижаларини ҳам эътиборга олиш лозим. Жумладан, у юқорида тилга олинган Дехистон – Хоразм карвон йўлидаги 15 та работнинг номини кўрсатаркан, улар орасидаги масофа 110 фарсаҳга тўғри келишига шубҳа қилмаган. Аммо шу билан бир қаторда В.В.Бартольд чоп эттирган Қазвинийнинг рўйхатида Минорагоҳ билан Мушки-Мабнинг орасидаги Силбали работи кўрсатилмаган. Ушбу ҳолат эҳтимол айrim ўлчовлардаги хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Академик В.В.Бартольд Дехистон ва Хоразм ўртасидаги карвон манзилларини санаш билан чекланиб қолмасдан, бир неча работлар ўрнини аниқлашга уриниб кўрган. Хусусан, олимнинг фик-

¹ Атагарриев Е. Средневековый Дехистан. Л., 1986, с. 152.

² Бартольд В.В. Дорожник от Бистама до Куня-Ургенча. Соч. М., 1965, т. 3, с. 263.

рича, Везаве (ёки Везаре) шаҳри Туркманистоннинг Қизиларвот шаҳри яқинидаги Фарова манзилига тўғри келади. Куртиш кудуги эса Қазвийи кўрсатиб ўтган Карвонгоҳга тўғри келади.

XX асрнинг 50-йилларида Эрон ва Хоразм ўртасидаги карvon йўлларининг шимолий тармоғини академик С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзолари ўрганишга ҳаракат қылганлар. Ҳусусан, мавжуд карvon йўллари фақат ўрта асрларда фаолият кўрсатган, деган тахминлар илгари сурилган.¹ С.П. Толстов Қазвийи кўрсатиб ўтган манзилгоҳларнинг ҳозирги вактда маълум бўлган қайси истехқомларга тўғри келишини аниқлашга уринган. Масалан, Девқалъя қальъаси Сарханг работи, Ўрта Кўйи кудуги Карвонгоҳ, Кирпичли – Ҳишти-Пухта, Талайхонота – Тамғач работи ўрнида бўлган, деган хulosага келинган. Ўрганилган карвонсаройлар деворлари айланга шаклида бўлиб, мўгултатарлар босқинигача бўлган даврга, яъни X–XIII асрларга оидdir.²

Дехистондан Хоразмга олиб борувчи карvon йўлининг жанубий тармоғини туркман археологи Хамро Юсупов тадқиқ қилиб, Қазвийи ўйлномасида тилга олинган 15 та манзилгоҳнинг ўрнини аниқлашга ҳаракат қылган. Жумладан, Газбин работи – ҳозирги кундаги Тансиқли-Депе (Эл-Ота) харобаларига, Абул-Аббос работи – Доно отага, Иби Тоҳир работи – Узунсув, Ферова – Пароу; Ҳишти-Пухта – Дамиржон Ота (Тутли посёлкаси ёнидаги), Хушабдон Томли кудуги ёнидаги карвонсаройга, Тамғач – Димлиока ёнидаги карвонсаройга; Карвонгоҳ работи – Игдикалья, Сарханг работи – Оқайла, Минорагоҳ работи – Талайхонота (Ўртакую кудуги ёнида), Мушки-Мабни работи – Девқалъя харобаларига, Маръям манзилгоҳи – Найза-Хол харобаларига, Хоразми-Нав манзилгоҳи – Ёрбақир қалъасига, Хулми-Нов манзилгоҳи эса Кўхна Урганчдан 24 км. Жануби-ғарбдаги Хаба манзилгоҳи ўрнига қиёсланади.³

Қазвийи ёзib колдирган Дехистондан Хоразмга олиб борувчи карвон йўлининг Доностагача бўлган жанубий тармоғидан, XIX асрда Эроннинг Хивага юборилган элчиси Ризокулихон ўтган эди. Аммо бу пайтда Копетдоғнинг гарбий тизмаси тармоқларидан сўнг ўйл Фарава ва Демиржонота орқали эмас, балки тўғрига қараб кет-

ти. Чунки Адун-Ота (Доно ота бўлиши мумкин) деган жойдан ўтгач, Ризокулихон карвони иккى кундан сўнг, яқинида кўл бўлган Қораэтаклик деган жойга етиб келган.

Ризокулихон ўз эсадаликларида Астрободдан Хивагача (Кўхна Урганчача) бўлган йўлни тасвирлар экан, уни 20 кундан ортиқроқ иккада 40 та манзил орасидаги масофа босиб ўтилади, деб таъкидлайди.¹ Проф. Н.Ф. Петровский фикрича, карвонлар учун 1 фарсаҳ масофа бир соатлик йўл бўлганлиги ва ҳар куни иккى манзил ораси босиб ўтганлигини ҳисобга олинса, Астробод – Хива йўли тахминан 10–12 кунда босиб ўтиланлиги маълум бўлади.²

Ҳамдуллоҳ Қазвийининг маълумотлари археологик тадқиқотлар натижасида тўлиқ тасдиқланниб, у тилга олган жой номлари ҳозирги кунда қайси бир манзилга тўғри келиши аниқланди.³ Юқорида зикр қилинган таниқли олимларнинг тадқиқотлари асосида тўпландиган билимларни бир-бирига қиёслайдиган бўлсак, куйидаги жадвални тўлдириш мумкин бўлади:

Ҳамдуллоҳ Қазвийи	В.В.Бартольд	С.П.Толстов	Х.Юсупов
Газбини	Кермен	—	Тансиқлидепе (Эл-ота)
Абул Аббос	Абул Аббос	—	Доноота (?)
Иби Тоҳир	Абу Тоҳир	—	Узунсув харобалари
Фарова	Абу Тоҳир	—	Пароу
Ҳишти-Пухта (пишган гиштдан курилган работ)	Пишган гиштдан курилган работ (Ҳишти-Пухта)	Кирпичли	Тутли посёлкаси ёнидаги Демиржон ота харобаси
Хушабдон	Хушабдон (Шур сувли жой)	—	Томли кудуги ёнидаги карвонсарой
Тамғоч	Тамғоч	Талойхонота карвонсарой	Динглижа кудуги ёнидаги карвонсарой
Карвонгоҳ (Карвонлар жойи)	Карвонгоҳ	Ўртакую ёнидаги кар-	Игдикалья (?)

¹ Толстов С.П. Работа Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949–1953 гг. ТХЭ, 1958, т. 2, с. 59.

² Толстов С.П. Древний Хорезм, с. 166.

³ Юсупов Х. Развитие работы Тансиқли-Депе: (К вопросу о трассе южного отрезка пути Хорезм-Иран Хамдадлака Казвии). Каракумские древности. Ашхабад, 1970, вып. 3, с. 133–136.

		вонсарой	
Сархант	Работ Сархант (харбий бош- лик работи)	Девқалья кар- вонсаройи	Оқайла
Минорагоҳ (Миноралар жойи)	Минорагоҳ	—	Үртакүйи хароба- лари ёнидаги Та- лайхонота карвон- саройи
Силбалы	—	—	—
Мушки-Мабни	Мушки-бини (Бурун учун мушк)	—	Девқалья харобаси
Марям	Работи Марям (Мария Работи)	—	Найза-Хол хароба- си
Хоразми-Нов (Янги Хоразм)	Хоразми – Новду	Ёрбакир ха- робаси ёни- даги карвон- сарой	Ёрбакир харобаси
Хулми-Нов (Янги Хулм)	Хулми – Новду	—	Кўхна Урганчдан 24 км. жануби- гарбдаги хароба- лар
Гурганж	Урганч	Кўхна Урганч	Кўхна Урганч

Хоразм билан Жанубий Туркманистон ва Эронни боғлаб турган йўллар орасида Атрек дарёсидан шимолий-шарққа йўналган ва гарбий Копетдог тоф тизмаси орқали юрилиб, ҳозирги Қизиларвот худудига чиқадиган йўл хам мавжуд бўлган. Мазкур йўл кейинчалик қадимда дарё оқими вужудга келтирган водий орқали Демиржоната (Тутли) карвонсаройига етиб келган. Кейинчалик карвонлар кумликлардан ўтиб, Томли ва Дингли карвонсаройлари орқали, Игди кудуғи ёнига – Узбойга чиқилган. Игдидан Оқайла ва Ёртигумбаз карвонсаройларидан ўтиб, йўл Куртишибобо деган жойга етиб келган. Шу ердан йўл иккига бўлинib, бири – Копедтоғ тоголди худуди, Гизилгати, Чайрли, Бостанша (Кирпили) ва Қози карвонсаройлари орқали Шаҳрислом шахрига олиб борган.

Хоразмга олиб борувчи иккинчи асосий йўл – Куртишдан Узбойнинг чап қирғоги бўйлаб, Талайхонота, Назарқаки, Үртакүйи,

Девқалья, Хатиб (Инжерқақи), Шоҳсанам (Субурни) каби карвонсарой ва қальялар орқали ўтиб Кўхна Урганчча чўзилган¹.

Хуросондан Хоразмга борувчи йўллардан яна бири – Марв шаҳридан бошланиб, Амулга (Чоржўй) етиб борган. Кейинчалик Амударёning ҳар иккала қирғоги бўйлаб, карвонсаройлар ва шаҳарлар чизиги Хоразмга томон чўзилиб кетганди. Сўл қирғоқ Амударё бўйлаб Дейнов, Ўртатепа, Мовизотатепа, Моор, Томоқир, Санработ, Қабакли, Кўшқалья-1,2, Тупроққалья, Учхарсанг, Кетмончи, Кугуртли, Байроқтепа, Донишерқалья, Оққалья, Ҷошқалья, Остартурқалья каби карвонсарой-работлар ҳамда Тоҳирия (Дояхотин), Дарғон, Жигарбанд, Садвар, Ҳазорасп, Ҳонқа, Гурлан, Порсу каби шаҳарлар орқали карвонлар Гурганжга етиб келган.

Бу йўллардан ташқари, ал-Макдисий кўрсатиб ўтган Гурганжни Хуросон билан bogловчи 9 кунлик йўл бўлиб, унинг сўнгти манзили – Фарова (Афрава) саналган. Мазкур йўлнинг бир қисми Ўзбой ирмоги ёқалаб кетган бўлса керак, деб тахмин қилинади. Бу йўлда оралиғи 1 кунлик масофада жойлашган қуйидаги манзилгоҳлар бор эди: Ардакува, Бахан, Маҳди, Миёншоҳ, Абу Сахл, Дугаж, Жафар работлари ҳамда Ал-Ҳаким қудуғи.²

Ҳамдудлоҳ Қазвиний ва Хожи Ҳалфалар меросида Марвдан Гурганжга борувчи яна бир йўл ва унинг ўлчовлари ҳакида маълумотлар учрайди. Ҳусусан, Марвдан Сукри ёки Сафаргача – 5 фарсах; Сукридан Ободонганжгача – 2 фарсах, Ободонганждан Сурон работигача – 8 фарсах, Бирундан Нушакир (Нушакирд) работигача – 7 фарсах, Нушакирдан Сангободгача – 7 фарсах, Сангободдан Тоҳириягача – 6 фарсах, Тоҳириядан Буд (Будина) работигача – 10 фарсах, Буддан Дарғонгача – 10 фарсах, Дарғондан Жигарбандгача – 7 фарсах, Жигарбанддан Дехони-Шир работигача – 5 фарсах, Дехони-Ширдан Садвар (Садур)гача – 4 фарсах, Садвардан Ҳазораспгача – 10 фарсах, Ҳазораспдан Дехи-Озроккача – 10 фарсах, Дехи-Озрокдан Ардахушмитангача – 7 фарсах, Ардахушмитандан Андарастангача – 6 фарсах, Андарастандан Нузваргача – 2 фарсах, Нузвардан Гурганжгача эса – 6 фарсах масофани босиб ўтиш керак бўлган. Ҳайратланарлиси шуки, ҳар иккала: Марв–Гурганж ва Деҳистон–Гурганж оралиғидаги масофа бир хил бўлиб – 110 фарсахни

¹ Юсупов X., Аширов А. Караванные пути в Каракумах. Города и каравансиры на трассах..., с. 48–49.

² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского завоевания. С. 210.

ташкіл қылғанды¹. Бундай ҳолатда тажрибали карвонбошилар имкон қадар узок сафар учун зарур шароитлар яратылған ва бехатар йұлни танлашға ҳаракат қылған бўлсалар ажабмас.

Амир Темур давлати юксалған бир шароитда Буюк Ипак йўлиниг шимолий тармоги орқали амалга оширилган савдо-сотик алоқаларининг жанубдан ўтган йўлга бурилиши натижасида Моваро-уннархнинг Хурросон, Жанубий Туркманистон ва Эрон билан бўлған иқтисодий муносабатларига ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бир қаторда, Хоразмнинг Темур давлати ва Олтин Ўрда ўтрасида талон-тарож қилиниши, йирик иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланған Гурганж шаҳрининг вайрон қилиниши жуда кўп йилларга таъсир қиласидиган таназзул ҳолатини вужудга келтирди.

Бу даврда Хоразмга олиб борувчи савдо-сотик йўлларининг аҳамияти пасайиб, у билан азалий алоқаларни амалга ошириб келған Жанубий Туркманистон ва Хурросон вилояти шаҳарларининг иқтисодий ҳаёти ҳам издан чиқди. Мазкур ҳолатнинг асоратларини туушунган Амир Темур ва унинг ворислари савдо-сотик муносабатларини қайта тиклаш мақсадида айрим шаҳарлар ва улардаги йирик карвонсаройларни тиклаш ҳамда янгиларини барпо этиш ишларига эътибор қаратдилар. Натижада Хоразмнинг пойтахти Гурганж тиклана бошлади ва Богобод номли йирик шаҳар курилди. Эндиликда Қизилчакъадан чиққан карвонлар Богобод манзилгоҳи орқали Куфен ва Обивард шаҳарларига қатнай бошладилар.

Феодализмнинг сўнгти босқичига келиб, ўзаро тинимсиз урушлар оқибатидаги жамиятнинг инқирозга учраши натижасида бир вақтлар гавжум, ҳашаматли карвонсаройлар, кудуклар ва биноларга эга бўлған савдо-сотик йўлларида ҳаракатлар деярли тўхтаб қолди. Ҳар хил моллар ортилған карвонлар тинимсиз юриб турган бу йўллар эндиликда Хива ҳонлари қўшинларининг Хурросон ва Ахал-така туркманлари ерларига, аксинча, эронликлар ва туркманларнинг Хоразм воҳаси ва унинг атрофидаги ҳудудларга талончилик мақсадида ҳаракат қилаётган куролланған лашкарлар юрадиган йўлларга айланиб қолди.

ІІІ БОБ. ХОРАЗМНИНГ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН САВДО-СОТИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

3.1. Ҳазар ҳоқонлиги ва Булғор давлати билан савдо-сотик алоқалари

1937–2000 йилларда Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзолари ва Қорақалпоғистон республикаси археолог олимларининг амалга оширган кенг қамровли илмий тадқиқотлари натижасида Хоразм воҳаси тижкоратчиларининг Волгабўйи, Шарқий Европа ва Сибир ҳалқлари билан савдо-сотик ва маданий алоқаларини ёритиш имконини берадиган кўплаб ашёвий далиллар ва маълумотлар тўпланди. Тўпланған ноёб тафсилотлар ва улар асосида ёзилған илмий асарлар мазкур алоқаларининг йўналишлари ва ўзига хос таракорланмас хусусиятларини аниқлаш имконини берди.

Х аср араб манбаларидаги ҳоразмлик савдогарлар Даشت Қипчоқ, Волгабўйидаги Ҳазария ва Булғор давлатлари, Шарқий Европадаги Славян князликлари билан олди-сотди алоқаларини ўринатганликлари қайд этилади. Бу ҳақда ал-Истаҳрий шундай ёзади: “Кўшни турк қуллари билан бир қаторда, славян ва ҳазар қулларининг катта қисми, дашт тулкиси, соболь, тулки, кундуз мўйнасининг катта қисми уларнинг (хоразмликларинг. – Қ.М.) қўлига тушади”.¹

Хоразмнинг Ҳазар ҳонлиги билан алоқалари мустаҳкамланиб борди. Хоразмликлар Шимолий Кавказ, Волга ва Каспий бўйи худудларини ўз ичига олган ушбу давлатнинг сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнай бошладилар. Ал-Масъудий ҳоқон қўшинларининг асосини хоразмликлар тақпил қиласиди деса, ибн-Ҳавкал қўшинда 12 минг кишидан иборат хоразмлик ёлланма аскарлар бор, деб ёзганди.² Хоразмликлар ҳонликнинг ҳукумат ишларига аралашиш ва ўз вазирига эга бўлиш ҳукуқини олган эдилар. Хоразм савдогарлари эса давлат ҳудудида нафақат ўз молларини сотар, балки ислом динини кенг ёйиш ва мусулмонлар сонини ошириш каби ишларга ҳам раҳнамолик қиласидилар.

Ҳазар ҳонлиги маркази бўлған Итиль шаҳри Шарқ ва Фардан келаётган карвон йўллари туташган ерда жойлашганилиги сабабли

¹ МИТТ, т. 1, с. 180.

² История народов Узбекистана. Т. 1, Т., Изд. АН УзССР, 1950, с. 231.

¹ Үша жойда, 211-бет.

дунёнинг йирик ва бой шаҳарларидан бирига айланган эди. Ибн Ҳавкалнинг берган маълумотларга қараганда, шаҳарнинг узунлиги ва кенглиги 1-фарсахга (6–8 км.) тенг бўлган.¹ Шаҳар икки қисмдан иборат бўлиб, гарбий қисми – Итиль ва шарқий қисмида – Хазарон номли савдо-сотиқ марказлари жойлашганди. Хазарон аҳолисининг кўпчилигини хоразмликлар ташкил қилиб, улар орасида савдогарлар, ҳунармандлар, дин арабблари ва ҳарбийлар бўлган.

Ўз навбатида, Хоразмнинг шимолий маркази бўлган Урганчда ҳам Урал бўйларидан кўчиб келган ҳазар, алан ва славянларнинг маҳаллалари мавжуд эди. Бу манзилгоҳлар хоразмшоҳ маъмунийлар ва мўғуллар боскини даврида ҳам мавжуд бўлгани тўғрисида итальян сайёҳи Плано Карпини ёзиб қолдирган.²

Ҳазар ҳонлиги кўп йиллар давомида ўгузлар ва славянлар билан кескин кураш олиб борган ва ўзининг жанубий қўшниси – Хоразмнинг ҳар томонлама кўллаб-кувватлаб туришига муҳтож бўлган. Ҳаттоқи, 965 йилда Белая Вежа (Саркел) шаҳри яқинида Ҳазар ҳонининг асосий қўшини рус князи Святославнинг лашкарлари томонидан тор-мор этилган бир вактда Хоразм сиёсий доиралари Куйи Волганинг энг муҳим савдо марказларини кўлга киритиш лозим, деб хисоблаганлар. Ал-Мақдисий Урганч амирлари баъзида Ҳазариянинг шаҳарларини эгаллаб олганлиги ҳақида маълумот беради.³

Хуллас, Хоразмнинг X асрдаги иқтисодий тараққиёти учун Ҳазар ҳоқонлиги ва унинг Итиль, Саркел (Белая Вежа) каби энг муҳим савдо марказлари билан бўлган савдо алоқалари жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Хоразм сиёсий доиралари ва савдо-тижорат аҳли ушбу йўналишдаги муносабатларнинг кенгайишидан манфаатдор эдилар. Мазкур ҳолат шу даврда Волга бўйларида мавжуд бўлган яна бир давлат – Булғор ҳонлиги билан ҳам икки томонлама манфаатдорлик асосида алоқаларни кучайтиришни тақозо қилган. Ибн Фадлан маълумотларида фақат Итилдагина эмас, балки Булғорда ҳам хоразмликлар яшайдиган каттагина жамоа мавжуд бўлган.

Ҳазар ҳонлиги каби, Булғория ҳам исломни қабул қилган вақтда Хоразм сиёсий вазиятнинг ўзгаришига бефарқ қарай олмаган. Волгабўйларидаги ҳазор ва булғорлар билан савдо-сотиқ алоқала-

ридан манфаатдор Урганч амирлари Булғорияни ўз таъсир доирасида ушлаб туришга доимо интилиб келганлар. Хоразм сиёсий арабблари 985 йилда Булғорияга ҳужум қилиган Киев Руси князи Владимирининг ҳаракатларига ҳар хил йўл билан тўсқинлик қилишган ва унинг муваффақиятсиз чиқишига кўмаклашганлар. Баъзида Булғория ва Хоразм ўртасидаги муносабатлар кескин тус олиб, ҳаттоқи куролли тўқнашувларга ҳам олиб келган. Ибн Ҳавкал хоразмликларнинг Булғор давлати чегараларига ҳужум қилиб, у ердан турли ўлжалар ва куллар олиб қайтганларни ҳақида ёзиб қолдирган.

Волга бўйи Булғорияси худудидаги Булғор, Биляр, Сувар, Ошель, Жукотин, Тубулгатау, Керменчук, Казань ва Кашан каби шаҳарлар савдо-ҳунармандчилик марказлари сифатида шуҳрат қозонганди. Булғор шаҳар ва қишлоқлари бозорларида Марказий Осиёнинг турли бурчакларидан мусулмон савдогарлари олиб келган, катта микдордаги кумуш дирҳамлар муомалада бўлган. X аср араб географи Ибн Руста “оқ юмалоқ дирҳамларга мусулмон мамлакатларидан келтирилган молларни алмаштириш йўли билан олди-сотди қилинади”,² – деб ёзганди.

Ал-Мақдисий Мовароуннахрнинг турли вилоятларидан Шарқий Европага чиқарилган ва булғорларнинг Хоразмга келтириб сотган моллари рўйҳатини келтирган: “Хоразмдан – соболь, кулранг олмахон, оқсичқон, дашт тулкиси, сувсар, тулки, кундуз, бўялган куён, эчки, мум, камон ўки, оқ терак пўстлоги, учлик қалпоқлар, балиқ елими ва балиқ тиши чиқарилади. Кундуз териси, канакунжут мойи, анбар, кимухт (ошлиланган от териси), асал, ўрмон ёнғоғи, лочинлар, қилич, совутлар, қайн (халанж) даражининг илдизи, славян куллари, кўй ва сигирлар – буларнинг барчаси булғорлардан келади”.³ Ал-Берунийнинг маълумотларига қараганда, булғорлар Хоразмга Шимолдаги денгизлардан тутилган морж тишларини ҳам келтириб сотганлар⁴.

Булғор шаҳарлари Европанинг шарқидаги мўйна, терилар, тери ошлишда ишлатиладиган пўстлок, қорамол, асал, ниҳоят, славян ва турк куллари сотиладиган йирик марказ саналган. Булғор ва

¹ История народов Узбекистана. т. 1, с. 231.

² Очерки истории Каракалпакской АССР. т. 1, с. 91.

³ МИТТ, т. 1, с. 202.

¹ Толстов С.П. Қадимги Хоразм Маданиятини излаб. 258-бет.

² История народов Узбекистана. т. 1, с. 231.

³ МИТТ, т. 1, с. 202.

⁴ Мамбетуллаев М.М. О торговых связях Хорезма..., с. 45.

Итилда ҳақиқий қул бозорлари бўлиб, бу ерда славян ва турк кулларини сотиб олиш ёки айрибошлиш мумкин эди.

Хоразмдан Волга бўйларига истеъмолда кўп ишлатиладиган гуруч ва балиқ олиб бориб сотилган.¹ Ҳазария ва Булғорияда шоли экишини ўзлаштира олмаганиклари сабабли, гуруч маҳсулотлари бу ерларга Хоразм ва Мовароуннахрдан келтириб сотилган. Амударёнинг Оролбўйи дельтасидаги Холижон деган жойда дудланган балиқлар тайёрланиб, уларнинг катта қисми четга чиқарилган. Итил ва Булғорга кўп микдорда курук мевалар (ёнғок, майиз, ўрик ва х.к.) жўнатилиб туриларди. Аҳоли канакунжут мойи, ширинликлар, бўза, мушк анбар, пахта, ип, шойи матолар, мовут, кимхоб, гилам ва чойшаблар, кулф, камон, қайқ каби молларни ҳам катта микдорда харид қиласарди. Хоразм Волгабўйи ва Шарқий Европа мамлакатлари билан Ҳиндистон, Хитой, Кичик Осиё Ироқ ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги савдода транзит савдо маркази ролини ўйнагани сабабли, савдодаги моллар орасида турли-туман хориж маҳсулотларини кўриш мумкин эди.

Волга Булғорияси билан Хоразм ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари XV асртагача давом этди. Мазкур алоқаларда Гурганж шаҳри муҳим роль ўйнаганди. Ироқ ва Эрондан Шарқий Европага борувчи энг яқин йўл устида жойлашган Хоразмнинг ушбу йирик хунармандчилик ва савдо-сотиқ шаҳрида ўнлаб карvonсаройлар ва йирик бозорлар мавжуд бўлиб, у ерда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган ва турли-туман молларни сотаётган савдогарлар, сайёхлар ва ватангадо дарвешларни учратиш мумкин эди. Шаҳарга келаётган аҳоли ва савдогарлар сони ошиб бориши натижасида унинг майдони кенгайиб, 400 гектарга етган. Ибн Баттута, Ибн Арабшоҳ, Ал-Умарий каби араб географлари, Плано Карпини, Марко Поло, Балдуучи Пеголетти каби европалик сайёхлар асарларида Урганч Хоразмнинг энг катта савдо-хунармандчилик марказига айланганилиги қайд қилинади.

Гурганж шаҳридан ташқари Хоразмнинг Кат, Шемахақалья, Пулжой (Гит), Буғроҳон (Мадминия), Миздаҳон, Кардор каби шаҳарлари тиҷоратчилари ҳам Волгабўйи ва Шарқий Европа билан бўлган савдо-сотиқ ва маданий алоқаларда муҳим ўрин эгаллаган.

XI–XIII асрларда Хоразмнинг йирик империяга айланиши билан жаҳон савдо-сотиқ муносабатлари яна-да кенгайди. Эндиликда Хоразм савдо-тижорат карvonлари Сибирнинг Саян-Олтой ҳудудларига етиб бориб, у ердаги маҳаллий ҳакаслар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатадилар. Сибирь ҳудудларидан Хоразмга турли хилдаги мўйналар, мускус, мамонт суяклари, лочин ва тери келтирилган.¹ Икки ўртадаги алоқалар намунаси сифатида Энасой дарёси бўйидаги Элегест шаҳарчаси ва Хемчик дарёси бўйидан мусулмонларнинг кабристонлари топилиши бу ерларда Мовароуннахр ва Хоразм савдогарларининг манзилгоҳлари бўлганлигидан далолат беради.²

Хоразмликлар Шимолий Кавказдаги алан қабилалари, Жанубий Уралдаги бошкирлар билан ҳам савдо-сотиқ муносабатларини йўлга кўйишган. Археологлар бу ҳудудлардан ҳам Хоразмда ишлаб чиқарилган ёки воҳа орқали олиб ўтилган Шарқ давлатларига оид маҳсулотларни топишган.

Мўғул-татарлар босқини Хоразмнинг Шарқий Европа ва Волгабўйи билан бўлган савдо-сотиқ муносабатларининг издан чиқишига олиб келган бўлса-да, ушбу алоқалар тез орада яна қайта тикланди. Олтин Ўрда давлатининг ташкил топиши ва Шимолий Хоразмнинг унинг таркибиға кириши Волгабўйи ҳудудлари билан ил гаридан мавжуд бўлган савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланишига янги имкониятлар яратди. Шарқ ва Фарбни боғловчи қадимти Буқоқ Ипак йўли яна ишлай бошлади. Илк бор трансконтинентал саюҳатлар ва савдо-элчиликлари алоқалари амалга оширилди. Европаликлардан Плано Карпини, Вильгельм де-Рубрук, Марко Поло, Монте Корвинолар Марказий Осиё шаҳарларига сафар қилдилар. Хитойликлар эса Мўғул-татар давлатчилигининг шаклланишида катта роль ўйнадилар.

Олтин Ўрда давлати, айниқса, Ўзбекхон ва Жонибек каби хонлар ҳукмронлик қилган даврларда ниҳоятда тараққий қилиб, шаҳар хунармандлари ҳаёти жонланди, савдо-сотиқ ва пул муомаласи ўз ривожининг чўққисига чиқди. Натижада Урганч (Гурганж), Булғор, Шемахақалья каби мўғуллар вайрон қилган шаҳарлар тез орада ўз қаддини тиклаб олдилар. Булғор шаҳри Олтин Ўрда давлатининг

¹ Кызыласов И.Л. Аскизская культура (средневековые хакасы X–XIV вв.). Степи Евразии в эпоху средневековья. М., «Наука», с. 204; Маджидов Н.А. Южный Урал XII–XIV вв. Степи Евразии..., с. 222–223.

² Кызыласов И.Л. Аскизская культура..., с. 201–206.

дастлабки пойтахти ҳисобланган. Олтин Ўрда хонлари Волга ва Уралнинг куйи оқимларида – Сарой Боту, Сарой Берка, Бельжмин, Ҳожитархон, Увек, Саройчик, Азак, Можар, Моҳша каби янги шаҳарларни барпо этдиларки, уларда яшаган аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик аҳли тинмай меҳнат қила бошлади.

Сарой Боту (Сарой ал-махрус), Сарой Берка (Сарой ал-Жадид), Булғор, Моҳша, Увек, Ҳожитархон каби шаҳар қолдиқларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида кўплаган ҳунармандчилик устахоналари қолдиқлари билан бир қаторда, ийрик карvonсаройлар, бозор расталари, дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ноёб буюмлар қолдиқлари топилди. Улар орасида Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Мовароунахр, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ишлаб чиқарилган буюмларга тақлид қилиб ясалгандаридан учрайди.

Олтин Ўрда давлатида сиёсий барқарорлик юзага келганилиги сабабли ҳўжалик ҳаёти, айниқса, савдо-сотиқ муносабатларининг ривожи учун қулай имкониятлар вужудга келган. Натижада, Буюк Ипак йўлиниң Хоразм орқали ўтувчи шимолий тармоғи яна энг серқатнов карvon йўлларидан бирига айланди. Шу билан бир қаторда, Урганчда Олтин Ўрда учун тангалар зарб қилинган ва хонликка жўнатиш учун жуда кўп савдо-сотиқ моллари йигилиб турилгани ҳақида Ибн Баттута ёзиб қолдирган.¹ XIII–XIV асрларда мавжуд бўлган Хоразм шаҳарлари қолдиқларидан Олтин Ўрда билан савдо-сотиқ муносабатларида ишлатилган танга пулларнинг намуналари топилиши икки томонлама алоқаларнинг ривожланганинидан далолат беради.

Археологик тадқиқотлар натижасида Хоразмда 1363–1384 йиллар давомида олтин, 1279–1388 йиллар давомида эса қумуш ва мис тангалар зарб қилиниб, муомалага чиқарилганилиги аниқланди. Хоразмнинг ички савдоси учун, айниқса, мис тангалар кўплаб зарб қилинганди. Олтин Ўрда даври Хоразм тангалари топилган жойлар, савдо-сотиқ алоқалари йўналишларини белгилаш имконини берди. Ҳусусан, Хоразм тангалари, асосан, Марказий Осиё ва Қозоғистон ҳудудларидан кўплаб топилган ва йўналишдаги алоқалар анча ривожланган, деган холоса туғилади. Ўз навбатида, Шарқий Европа

ҳудудларидан Хоразм тангалари нисбатан кам топилган. Нумизмат Г.А.Федоров-Давидовнинг фикрига қараганда, Шарқий Европа билан савдо-сотиқ муносабатлари, асосан, ҳисоб-китоб ишларининг чек ва вексель асосида амалга оширилганлиги сабабли Хоразм танга пуллари муомалада нисбатан камроқ ишлатилган.¹

Икки аср давомида Олтин Ўрда тасарруфида бўлган Хоразмнинг савдо-хунармандчилик марказлари Шарқий Европа ҳудудлари билан қизгин савдо-сотиқ муносабатлари олиб бордилар. Хоразмликлар булғорлар, эронликлар, кавказликлар ва руслар билан биргаликда Олтин Ўрданинг шаҳарлари қурилишида фаол қатнашган бўлсалар, иккинчи тарафдан, хоразмлик ҳунармандлар хонликнинг Сарой Боту, Сарой Берка, Мажор ва Ҳожитархон каби шаҳарларида қулолчилик мактабларининг шаклланишида муҳим роль ўйнадилар.² Ўз навбатида, хоразмлик усталар ҳам Олтин Ўрда таркибиغا кирувчи ҳалқлар қулолчилик санъатининг бაъзи томонларини ўзлаштириб олганлар. Олтин Ўрда шаҳарларида турли-туман ург-қабила ва ҳалқлар қулолчилик санъатининг тўпланиши ҳунармандчилик ишлаб чиқариши юксалишига ижобий таъсир қилган.

Хоразмнинг Шемахақалъя ва Шоҳсанам қальялари қолдиқларидан топилган қулолчилик буюмлари билан Олтин Ўрданинг Сарой Боту, Сарой Берка, Мажор, Эски Орхай шаҳарлари ва Кубандаги Белореченск кўргонидан қазиб олинган қулолчилик намуналари ўртасида ўҳшашлик борлиги қузатилади.³ Улар орасида ҳар хил зеб-зийнат ва металл буюмлар ҳам учраб туради. Филқалъя ёдгорлигидан фақат Евроосиё даштларида яшовчи кўчманчиларга хос бўлган курол-яроғ турлари, ўқёй учлари, Мазлумхонсулув (Миздаҳҳон) ёдгорлигидан эса Узок Шарқ ҳалқларига хос бўлган бронза ойналар топилди.⁴

Х асрдаёт ал-Макдисий Хоразмнинг четга кўп миқдорда тери-чарм маҳсулотлари ва ҳом ашёси чиқарувчи марказ бўлганини ёзиб ўтган эди.⁵ Хоразмдаги кўхна шаҳар-қалъя қолдиқларидан топилган ишланган тери ва чарм-тери маҳсулотлари ўз даври ҳунармандларининг юқори маҳоратидан дарак беради. Хоразм қорамол ва кўй-эчкиларнинг терисини ошлашда ва қайта ишлашда қўлланилган қа-

¹ Федоров-Давыдов Г.А. Нумизматика Хорезма. с. 219.

² Қдырниязов М.Ш. Культурные связи..., с. 95–97.

³ Уша жойда. 95–97-бетлар.

⁴ Қдырниязов М.Ш. Культурные связи..., с. 99.

⁵ Манылов Ю.П., Қдырниязов М. Городище Джавонъик-кала. Археология Приаралья. Вып. 2, с. 79.

¹ Федоров-Давыдов Г.А. Монгольское завоевание и Золотая Орда. Степи Евразии..., с. 231–235; 275.

йин пўстлоғи Кўйи Волга бўйларидағи шаҳарлардан сотиб олиб келинарди. Жанпикқалъя, Кўхна Урганч, Шемахақалъя ва Айата ёдгорликларидан Волга Булғорияси ва Сибирдан келтирилган кўплаган қайин пўстлоғи ўрамлари топилган.¹

Хоразмнинг йирик савдо марказлари орасида Шемахақалъя муҳим роль йўнаганди. Археологик тадқиқотлар натижасида Шемахақалъядан топилган ашёвий далиллар шаҳарда иқтисодий хаёт мўгул-татар босқинидан кейин ҳам тўхтаб қолмаганилигини кўрсатади. Бу ердан чиққан ва Хоразмнинг бошқа худудларида камдан-кам учрайдиган сопол идишлар орасида Кўйи Волгабўйларидан келтирилганлари, айниқса, кўп бўлган.² Бундан ташқари, археологлар хунармандчилик хом ашёлари орасида металл ва шипса буюмлар, танглар, бронза ойналари, тошдан ишланган буюмларни топишган ва уларнинг аксарияти маҳаллий усталар томонидан тайёрланганлиги маълум бўлди. Яна бир ҳолат дикқатни тортади. Шемахақалъада хунармандчилик юксак дараҷада тараққий қилиб, ташки бозор учун тайёрланган хом ашё ва буюмлар ўзининг юқори сифати билан ажralиб турган.

Хоразмшоҳлар даврида нисбатан кичик савдо марказлари бўлган Ёрбакирқалъя ва Шаҳрлик ҳам келгусида Олтин Ўрданинг энг йирик савдо-сотик марказларига айланган. Бу ҳар иккала шаҳар қолдиқларидан топилган танглар намуналари Шарқий Европа ва Олтин Ўрда шаҳарларидан ҳам археологлар томонидан топилган. Хоразмнинг Мунчоқли (Варгада), Буғрохон (Мадминия), Пулжой (Гит), Воянган (Ардахушмисан), Катанлар каби савдо марказлари ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ҳамда Хиндистоннинг Шарқий Европа марказлари билан бўлган савдо-сотик ва маданий алоқаларида боғловчи халқа вазифасини бажарган.

Хоразм шаҳарлари мўгуллар босқинидан кейин аста-секин қаддини тиклаб, ривожланиш палласига кира бошлидилар. Аммо жанубий Хоразмнинг Чигатой улуси таркибиға кириши, унинг шимолидаги шаҳарларга нисбатан тараққиётда орқада қолишига сабаб бўлди. Шимолий Хоразм савдо-маданий марказлари Шарқий Европа билан бевосита боғланиши натижасида тез тараққий қила бошлидилар. 1333 йилда Хоразмда бўлган Ибн Баттута Урганчдан Катга-

ча ва Катдан Бухорогача бўлган карвон йўлида қайта тикланган биронта ҳам йирик шаҳарни кўрмаганилигини ёзди.¹

Таникли сайёхнинг ушбу фикрлари бироз шубҳа туғдиради. Холбуки, археологик маълумотлар Хоразмнинг ўнг қирғоқ шаҳарларидан айримлари қайтадан тиклангани ва ривожланганини кўрсатади.² Улар орасида Миздаҳқон ва Жанпикқалъя муҳим ўрин эгаллаган. Миздаҳқондаги йирик бинолар қолдиқлари, хунармандчилик устахоналари, аҳоли истеъмоли ва четга чиқариш учун ясалган хўжалик моллари иқтисодий ҳаётнинг бироз жонланганидан дарак беради. Шаҳар ҳаробаларидан олтин ипли ва қушлар тасвири тушнирилган лаган, газламалар, зеб-зийнат буюмлар, Олтин Ўрда танглари топилгани савдо-сотик алоқалари тикланганидан дарак беради.

Миздаҳқон савдогарлари кўпгина ҳолатларда Оролбўйи ва Дашиби Қиғоқдаги кўчманчилар билан олди-сотди муносабатларини йўлга кўйғанлар. Миздаҳқон шаҳри майдони кенгайиб, янги бозор расталари ва карвонсаройлар курилган. Шаҳарнинг Урганчга яқин масофада жойлашганилиги сабабли иккиси ўртадаги иқтисодий алоқалар савдо-сотик ишлари билан воҳага келган карвонларнинг эътиборини жалб қилган ва хунармандчиликнинг ривожланишига таъсир кўрсатган. XIII–XIV асрларда ўнг қирғоқ Хоразмнинг энг йирик шаҳри ва маркази ҳисобланган Кат шаҳрининг иқтисодий инқизор ҳолатига тушиб қолиши ҳам Миздаҳқон шаҳрининг мавқеини оширган.³

Ўрта асрларда Хоразмнинг ривожланган шаҳарларидан яна бири Жанпикқалъя бўлиб, унинг қолдиқларидан топилган ашёвий далиллар шаҳарнинг, айниқса, Олтин Ўрда даврида юксалганидан дарак беради. Амударё яқини ва савдо-сотик йўллари кесишган ерда жойлашганидан Жанпикқалъя мўгуллар истилосидан кейин тезда ўз қаддини тиклаб олган. Жанпикқалъянинг ташки савдо-сотик алоқалари тўғрисида Олтин Ўрда хонлари Ўзбекхон (1319–1320) ва Жонибек (1345–1348) номидан зарб қилинган кумуш ва бронза тангларнинг шаҳар қолдиқларидан кўплаб топилганилиги маълумот беради.⁴

¹ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. 63-бет.

² Кырыназов М.Ш. Материалная культура городов Хорезма..., с. 24–26, 38–39, 42–45.

³ Там ж., с. 38.

⁴ Манылов Ю.П., Кырыназов М.Ш. Городище Джанпикқала. С. 79.

¹ Ўша жойда.

² Кырыназов М. Материалная культура городов Хорезма..., с. 91.

Жанпиққалъадан четта күплаб күн маҳсулотлари чиқарилган ва тери ошлашда ишлатиладиган қайн пўстлоғи бу ерга Шарқий Европа ва Волга Булғориясидан келтирилар эди.¹ Шаҳарда сангтарошлиқ, тош йўниш ҳунармандчилик тармоғи ҳам ривожланган бўлиб, тайёр маҳсулот ва хом ашёнинг кўпгина намуналари археологлар томонидан топилган. Ўз навбатида, Хоразм сангтарошлари ишлаган буюмлар намуналари Олтин Ўрданинг Можар (Шимолий Кавказ) ва Куйи Волгабўйидаги бир қанча шаҳарларида топилган.² Хуллас, сангтарошлиқ ва тери ошлаш ҳунармандчилик соҳаларининг йирик марказларидан бири ҳисобланган Жанпиққалъа Олтин Ўрданинг йирик савдо-хунармандчилик марказига айланган.

Хоразмни Шарқий Европа ва Волгабўй билан боғлаб турган йўл, асосан, Устюорт орқали ўтиб, унинг икки тармоғи мавжуд бўлган. Уларнинг бири ҳакида аниқ маълумотни, 922 йилда Бағдод халифаси ал-Муктадир томонидан Булғор подшолигига жўнатилган Ибн Фадлан ёзib қолдирган. Жумладан, Гурганждан тахминан бир кун юрилгач, карvon Замжон работига етиб келган. Тарихий манбаларда “Боб ат-турк”, яни “турклар дарвозаси” деб аталган ушбу ердан яна бир кун юрилгач, Гит манзилгоҳига етиб келинган. Кейин эса кимсасиз дашт бошланади. Дашибдан 10 кун давомида тўғри юрилиб, сув манбаларига эга бўлган тоғларга етиб келинган.³ Ибн Фадлан тилга олган тоғлар аслида Устюорт жарликлари кирғоқлари бўлиб, пастдан қаралса, улар худди тоғга ўхшаб кетади. Устюорт қирларини чеккасидаги чуқур жарликларининг деворларини Ибн Руста, Истахрий, Бакри ва Гардизийлар ҳам төб деб атаганди.

Устюортнинг шимолий қирлари ва Эмба дарёси оралиғидаги ўғузлар ютидан ўтган йўл кейин иккига бўлинниб – бири Ҳазар подшолигига, яна бири Булғорияга қараб кетган. Устюртдаги карvon йўллари тўғрисида маълумот берган ал-Бакри “Журжониядан (Урганчдан) Хоразм тоғларигача 12 фарсах, бу тоғ устида минора бор, остида, теварак-атрофларида эса одамлар уйлари борки, улар ерларда дехқончилик қиласидар”,⁴ деб ёзганди. Бу ердаги одамларни бижанаклар деб номлашган. Тарихчи Гардизий: “Бижанаклар ҳакида тўхталиб ўтадиган бўлсак, улар томон йўл Гурганждан бошла-

ниб, Хоразм тоғларига етиб боради ва ундан кейин бижанаклар томон йўналади. Хоразм кўлларига (Орол денгизига) етиб боргач, унинг ўнг тарафидан қараб яна олға юрилади”,⁵ деб ал-Бакрининг фикрини кувватлайди.

Ибн Фадлан тасвирилаган йўл Устюртнинг бошқа ҳудудидан ўтган ва Хоразмни Шарқий Европа билан боғлаш учун яна бир имкониятни берган. Гурганждан бошланган ушбу савдо йўли Шемахақалъага, ундан кейин эса Устюорт қирларининг шарқидаги миноралар ва карvonсаройлар (Казахлидегиши, Назарота, Кулонли) орқали Галигумбаз манзилгоҳига етиб келинган. Кейинчалик йўл Устюорт платоси орқали Аланқалъа ёдгорлигига, ундан сўнг бижанаклар юртидан ўтиб, Шарқий Европага қараб чўзилиб кетган.⁶ Ўз даврида ушбу савдо-сотик йўли ҳакида “Хоразмдан Куйи Волгабўйига олиб борувчи энг қисқа йўл” деган холоса ҳам чиқарилган.⁷ Шунга қарамасдан ушбу йўл тарихи Марказий Устюртдаги Беловли, Қосқудук карvonсаройлари бўйлаб ўтган йўлга нисбатан кам ўрганилган.

Минора ва карvonсаройлар нафақат Устюртнинг Шарқий жарликлари яқинида, балки унинг шимолий-гарбидаги ҳам учрайди. Хусусан, Каспий денгизининг Шарқий қирғоғидаги Қоразангир деган жойда мавжуд бўлган 7 та минора балки Ибн Фадлан ёзib қолдирган яна бир карvon йўлида курилган бўлиши ҳам мумкин.⁸ Умуман, ҳозиргача гарбий Устюртда 13 та минораларининг қолдиқлари аниқланган.

1940–1990 йиллар давомида Устюорт платосининг Шарқий қирлари ва жарликлари ёқаси ҳамда Марказий Устюорт ҳудудида мавжуд миноралар, карvonсаройлар ва бошқа турдаги аҳоли манзилгоҳларида олиб борилган археологик тадқиқотлар Хоразмнинг Шарқий Европа билан бўлган савдо алокаларининг йўналишларини белгилашга имкон берди. Шу билан биргаликда, Замжон ва Гит қаби шаҳарларининг ҳозирги кундаги қайси манзилгоҳга тўғри келиши ҳакида аниқ холосалар чиқарилмади. Устюорт карvonсаройлари ва минораларини чуқур ўрганган Ю.П.Манылов фикрича, Замжон работи Шемахақалъа ўринида бўлган.⁹ Голланд шарқшуноси Де Гуе

¹ Бартольд В.В. Приложение к «Отчету о поездке в Среднюю Азию с научной целью в 1893–1894 гг.». Соч., т. VIII, с. 56.

² Манылов Ю.П. Некоторые вопросы исторической топографии..., с. 278.

³ Манылов Ю.П. Некоторые вопросы исторической топографии..., с. 282.

⁴ Ўша жойда, 282-бет.

⁵ Ўша жойда, 279-бет.

¹ Ўша жойда, с. 78–79.

² Қдырназов М.Ш. Материалная культура городов Хорезма..., с. 42, 103–105.

³ Манылов Ю.П. Некоторые вопросы исторической топографии..., с. 278–280.

⁴ Заходер Б.Н. Каспийский свод сведений о Восточной Европе. М., 1962, с. 30.

1875 йилда Гитниг Вазир қалъаси ўрнига тўғри келишини айтиб ўтганди. Олим, ўз навбатида, Вазирни Кўхна Урганчдан 60 км. гарброкда жойлашган Девкескан ёки Ширвонқалъа харобаларига қиёслаганди.¹ Гит шахри хақида фикр юритган Аҳмад Заки Валидий Тўғон уни Ойбўғирқалъа харобаларига қиёслайди.² Археологлар Я.Фуломов ва В.Н.Ягодиннинг фикрича, Гит – ўрта асрдаги Пулжой шахри ўрнида бўлган.³ Ю.П.Манылов эса Гитни Кулонли карvonсаройига тақослади.⁴

1946, 1950, 1964, 1975–1978 ва 1982 йилларда Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзолари ва Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоқистон филиали тарих, археология, этнография институти ташкил қилган кўп сонли топографик ва археологик экспедициялар натижасида Шарқий ва Марказий Устюрт платоси ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Олимлар Устюрт жанубидаги Шемахақалъадан то шимолдаги Курганча манзилигача тахминан 300 км. масофада жойлашган миноралар, истеҳкомлар, қабристонлар ва бошқа турдаги ишишотлар қолдиқларини аниқладилар. Ушбу ёдгорликлар қаторига Устюрт платоси чеккаларида, Ойбўғир ботигидан жанубда жойлашган манзилгоҳ ва миноралар ҳам киради.

Устюртнинг шарқидаги қирларда ҳаммаси бўлиб, 24 та минора, 10 га яқин манзилгоҳ ва карvonсаройлар мавжуд бўлиб, уларга, асосан, IX–X асрларда асос солинганди. XI–XIII асрларда бир оз эскириб қолган миноралардан қандай мақсадларда фойдаланилганини аниқлаш қийин бўлиб қолмокда. Минораларнинг Амударё эски ирмоклари бўйлаб жойлашганлиги, теварак-атрофида аҳоли манзилгоҳлари мавжудлиги, уларнинг карvonларга жарликлардан Устюрт қирларига чиқиш учун кулагай йўналишларни кўрсатиб турган. Узоқдан кўриниб турган минораларга қараб, Амударё ирмокларида сувчви кемалар ҳам ўз йўналишларини белгилаб олганлар.

Устюрт шарқидаги қирларда мавжуд кудуқлар, сардобалар ва карvonсаройлар қолдиқлари савдо-сотик учун қулайликлар яратиш мақсадида барпо этилганлигини кўрсатади. Шарқий қирлардаги аҳоли манзилгоҳлари (Ажибай, Урга, Караумбет, Пулжой) ва кар-

¹ De Goeje M.J. Das alte Bett des Oxus Amu-darja. Leyden, 1875, с. 63–64.

² Ibn Fadijan's Reisebericht von A.Zeki Validi Togan. Leipzig, 1939, с. 18.

³ Фуломов Я.Ф. Кадимги Хоразмнинг суторилин тарихи. 159-бет; В.Н.Ягодин. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Амузарвии. МХЭ. Вып. 7, с. 96.

⁴ Манылов Ю.П. Некоторые вопросы исторической топографии..., с. 280.

вонсаройлари оралиғидаги масофа тахминан 20–25 км. тенг бўлиб, уни карvonлар бир кунда босиб ўтиш имкониятига эга эдилар.¹

Карvon йўлларидаги минора ва манзилгоҳлар ҳақида кўплаган баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Гардизий ва ал-Бакри асарларида Хоразм тогида (Султон Увайс) деб тасвирланган Кўхна Урганчдан 72 км. масофада мавжуд минорани проф. В.Н.Ягодин Қалъалик ёдгорлигидаги шундай минорага қиёслайди. Археолог Ю.П.Манылов ушбу минора Ойбўғир бурнида бўлган ва у Кўхна Урганчдан 68 км. узоқликда деб таъкидлайди.² Ўз вактида ал-Бакри минорани 12 фарсанх (90 км.) масофада мавжуд бўлган дея кўрсатганди.

Гардизий Орол денгизи яқинидан бижанаклар юртига қараб кетган йўлнинг бурилиш жойини аниқроқ белгилашга интилган. Яъни, бу савдо йўли шимолидаги энг сўнгти манзил – Ажибай карvonсаройи бўлиб, ундан XIX асрларда Хивадан Оренбургга йўл олган карvonлар ҳам фойдаланган. Гурганждан чиқсан карvon Катта ва Кичик Ойбўғирқалъа орқали Ойбўғир бурнидаги минорага етиб келган. Кейинчалик карvon Каскажол минорасини кўзда тутган холда Кетенларқалъа – Қалъалик – Тупроққалъа (Куджак) – Тамарқалъа (минораси) – Саксавулсой минораси – Пулжой – Шибиндиқалъа – Шибинди минораси – Оқчулоқ минораси – Қораумбет – Қијажол манзилгоҳи – Қијажол миноралари – Урга ёдгорлиги яқинидан ўтиб, ниҳоят Ажибайга етиб келган. Сўнгра йўл Устюрт ичкарисига кириб кетарди.³ Устюрт орқали ўтган бу йўл Қоскудуқ карvonсаройи билан тугайди.

Айрим тахминларга қараганда, Сарой Беркадан чиқиб, Саройчик ҳамда даштлардаги карvonсаройлар орқали Хоразмга етиб келадиган ушбу 40 кунлик йўл Ибн Баттута тасвирлаган йўналишдаги карvon йўли бўлса, ажабмас. Сайёҳ: “Саҳрова ҳар икки ёки уч кунлик масофада сувликлар бўлади. Бу ёмғир ва қудук сувидир”, деб ёзиб қолдирган.⁴ Айрим олимлар бу сўзларни Беловли сардобасига қиёслашади. Аммо Ибн Баттута қудуклар орасидаги масофани но-тўғри белгилаган. Чунки карvonсаройлар доимий ёки вақтинчалик сув мавжуд бўладиган чуқурликлар ва яшаш учун қулайроқ жой-

¹ Ўша жойда, 277-бет.

² Манылов Ю.П. Некоторые вопросы исторической топографии..., с. 277.

³ Ўша жойда, 277-бет.

⁴ Ибрөхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. 57-бет.

ларга мослаб курилгани учун улар орасидаги масофа турлича (25 км.дан 54 км. гача) бўлган.¹

Савдо йўлининг Хоразм тарафидан келган карвонлари Устюртта тахминан Пулжойдан ёки Шибинди баландлигидан кўтарилиши ҳам мумкин эди.² Шибинди билан Учкудуқ карвонсарой оралигидаги масофа 50 км. ни ташкил қилади. Карвонлар Учкудуқ карвонсаройидан жанубга бурилиб, Борсакелмас шўрликлари якнидан тўппа-тўғри Шемахақалъя ва Гурганжга йўл олишлари мумкин бўлган.³

1946–1950 йилларда Устюрт марказида карвон йўлларини ўрганган С.П.Толстов ва Хоразм археологик-этнографик экспедицияси аъзолари бу ердаги мавжуд карвонсаройлар қолдиқларини X–XI ва XI–XIII асрларга таалукли деб таъкидлаган эдилар.⁴ 1964 йилда Марказий Устюрт карвонсаройларини ўрганган археолог олим Е. Бижанов уларни Хоразмшохлар даврида курилган бўлса-да, Олтин Ўрда даврида (XII–XIV асрлар) кенг фойдаланилган, деган фикрни билдириди.⁵

1975–1978 йилларда Марказий Устюрт орқали Волгабўйи ва Шарқий Европага ўтган йўлдаги Учкудуқ, Ажигелди, Кошибулоқ, Беловли, Чурук, Кўптам, Қоскудуқ каби карвонсаройлар харобалари археолог Ю.П.Манилов раҳбарлигидаги экспедиция аъзолари томонидан ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида 41 та тангаларнинг деярли ҳаммаси Олтин Ўрда хонларига тегишли бўлиб, уларнинг дастлабкиси Ўзбекхон (1312–1340 йиллар) даврида Хоразмда зарб қилинган. Тангаларнинг энг кейингиси ҳам Хоразмда зарб қилинган бўлиб, тахминан 1370 йилга тўғри келади. Қолган тангалар хонлардан Кульна, Наврўз, Жонибек, Бердибек, Хизр, Тўхтамишга тегишли бўлиб чиқди. Олтин Ўрда хонлари Ўзбекхон мис ва Тўхтамишхон кумуш тангалар чиқарганди. Уларнинг кўплари Хоразм, Сарой ал-Жадид (Сарой Берка) ва Азокда зарб қилинганилиги аниқ-

¹ Манилов Ю.П., Юсупов Н.Ю. Каравансарai Центрального Устюрта..., с. 179.

² Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования..., с. 95.

³ Вактурская Н.И. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемаха-кала Туркменской ССР. ТХАЭЗ, 1952, т. I, с. 173–192.

⁴ Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1946 г. ИАН, т. IV, 1947, №2, с. 178; его же: Древний Хорезм. М., 1948, с. 347; его же: Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949–1953 гг. ТХАЭЗ, 1958, т II, с. 13–14; 18.

⁵ Бижанов Е. Археологические памятники юго-восточного Устюрта. Автореф. дисс. канд. ист. наук. Нукус, 1967, с. 10–11; Бижанов Е., Лоховиц В. Устюртский караванный путь из Хорезма в Восточную Европу и Поволжье. «Вестник ККФ АН УзССР», 1969, №2, с. 54–59; Бижанов Е. Юго-Восточный Устюрт. Некоторые итоги и перспективы археологического изучения. «Вестник ККФ АН УзССР», 1970, №3, с. 56.

ланди. Карвонсаройлар курилиши ва уларнинг қолдиқларидан то-пилган бошқа буюмлар Олтин Ўрда даврига яққол хослиги билан ажралиб туради.¹ Натижада Ю.П.Манилов ва унинг тарафдорлари томонидан Устюрт карвонсаройлари тизими Олтин Ўрда даврига, яъни XIV асрга хос ёдгорлик деган хуласа чиқарилди.²

Устюрт платосидаги IX–XIV асрларга оид археологик ёдгорликларни тадқиқот қилиш натижасида уларнинг фақат кўчманчилар хужуми хавфидан ҳимоя қилувчи мудофаа иншоотлари бўлганлиги тўғрисидаги тахминлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини кўрсатди. Мавжуд ёдгорликлар Хоразмнинг Волгабўйи ва Шарқий Европа билан, умуман, Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи орқали олиб борган савдо-сотиқ алоқаларида жуда муҳим роль ўйнаган. Урганч, Шемахақалъя, Мадминия (Бугрохон), Пулжой, Мунҷоқли (Варгада), Катаңқалъя – Гупрокқалъя (Куджаг), Шаҳарлик, Ёрбакирқалъя каби савдо марказларида топилган ҳунармандчилик устахоналари қолдиқлари ҳамда Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шарқий Европа ва Волгабўйи мамлакатларига оид буюмларнинг топилиши, Хоразм Олтин Ўрда даврида ҳам худди илгаригидек, йирик ишлаб чиқарувчи марказ бўлиши билан бирга, Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғидаги йирик транзит савдо маркази бўлиб қолганлигини кўрсатади. Ўз иавбатида, олимларнинг Устюртдаги катта-кичик карвонсаройлар харобаларини ўрганишлари жараёнида бу ердан ўтган транзит савдо-сотиқ муносабатларининг ҳажми ва даражаси қандай бўлганлигини аниқроқ ёритиш имкониятини беради.

Устюртдаги карвонсаройлар XIV аср охирида Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши ҳарбий юришлари вақтида вайрон қилинган. Натижада, Буюк Ипак йўлининг бу шимолий тармоғи Мовароуннахри Эрон ва Яқин Шарқ билан боғловчи жанубий тармоққа ўз ўринини бўшатиб берди. Келгусида темурийлар империяси ва Олтин Ўрданинг кулаши натижасида марказлаплан Рус давлатининг вужудга келиши ва Ўрта Осиёда феодал хонликларнинг шаклланиши билан савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни тиклаш учун саъи-ҳаракатлар бошланди. Аммо XVIII асргача Хоразмнинг Шарқий Европа билан Устюрт орқали амалга ошира бошлаган савдо-сотиқ алоқалари X–XIV асрлардаги даражасига ета ол-

¹ Манилов Ю.П., Юсупов Н.Ю. Каравансарai Центрального Устюрта..., с. 179–180.

² Ўша жойда, с. 180.

майди. Ушбу муносабатлар XIX аср охирларида чоризмнинг Ўрта Осиёда олиб борган босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсати на-тикасида бироз жонлана бошлади.

3.2. Хоразмнинг Рус давлати билан тижорат алоқалари

Хоразм Хазар ва Волга Булғорияси каби давлатлар орқали Рус ва Шарқий Европанинг кўплаб шаҳарлари, савдо-сотиқ марказлари билан доимий алоқаларни ўрнаттанди. Хоразм савдогарлари қадимдан скиф, сарматлар, печенег (бижанак)лар орқали славян уруғ-қабилалари билан товар айрбошлиш ва олди-сотди алоқаларини йўлга кўйган эдилар. VI–VII асрларда барпо этилган Киев, Джерваб ва Селябе каби энг қадимги рус шаҳарларида очилган бозорларда шарқдан келтирилган турли-туман моллар ҳам сотилган. Шаҳарларнинг теварак-атрофида шаклланган ҳунармандчилик посадлари харидоргир молларни бозорларга кўплаб чиқара бошладики, улар аста-секин ташки савдода ҳам кенг ўрин эгаллади.

IX асрда Рус ерларига келган скандинавиялик денгизчилар – варяглар уни “Гардарик”, яъни “шаҳарлар мамлакати” деб аташган. IX–X аср манбаларида Русда 25 шаҳар, XI асрда – 89 шаҳар, XI–XII асрларда – 200 га яқин ва ниҳоят, XIII асргача бўлган замонлардан қолган йилномаларда – 224 шаҳар тилга олинади. Рус шаҳарлари орасида Киев, Чернигов, Переяславль, Новгород, Суздалъ, Владимир, Смоленск, Псков, Рязань, Галич, Волинъ, Полоцк, Минск, Москва каби йирик манзилгоҳлар шаклланган эди. Шаҳарларда темирчилар, куролсозлар, совутсозлар, заргарлар, шиша ясовчилар, ғишт терувчилар, кўнчилар, кулоллар ва бошқа 60 дан ортиқ касб-ҳунар эгалари ҳар хил маҳсулотлар тайёрлашган.

Рус ташки савдосида асосий ўринни четга кўпроқ ҳом ашё чиқариш эгаллаган бўлишига қарамасдан, унинг ҳунармандчик маҳсулотлари намуналари Шарқ мамлакатларида ҳам юқори баҳоланган. Яъни, русларнинг пўлат қиличи, совути, сир бериб ишланган олтин буюмлари ва ўйма нақш солинган буюмлари Ўрта Осиё ҳукмдорлари саройида ҳам пайдо бўла бошлади.

IX–X асрларда ёк рус дружиналарининг курол кучи билан Византия, Кавказорти, Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларида борадиган савдо-сотиқ ва дипломатик йўллар кўриклана бошлаган. Натижада, руслар дашт кўчманчилари (қипчоқлар, бижанаклар) ва

Хазар ҳоқонлиги қаршилигини енгиб, Ўрта Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Ўз навбатида, ўргадаги даллоллик ва транзит савдодан фойда олган руслар Гарбий Европа мамлакатларига Шарқ шойи газламаларини “рус газлами” (масалан Францияга) деб сотишдан ҳам тоймасдилар.

Россиянинг ҳудуди ўтиб бўлмас ўрмон, чангальзор, ботқоклик, дарё ва кўллардан иборат бўлғанларига сабабли савдо-сотиқ карвонлари ҳаракати ўта мушкул бир шароитда амалга ошириларди. Ҳатто рус ерларига бостириб келган варяглар, шведлар, немис рицарлари ва поляклар, мўғул-татар ва Амир Темур қўшинлари ҳам қиши фаслини кутишга, дарё ва кўллар, ботқокликлар музлагач, шу йўллардан рус шаҳарларига хужум қилишга интилганлар. Аммо кемачилик соҳаси ривожлангач, юкларни ташиб имкониятлари кенгайди. Натижада, Волга дарёси орқали Каспий денгизигача бўлган сув йўлидан Хоразм ва Мовароунаҳрга яқин ҳудудларга юкларни катта-кичик қайиқларда ташиб бошланди. XI асрларда Шарқ мамлакатлари билан кемачилик орқали фаол савдо-сотиқ муносабатларини амалга оширган славян шаҳарлари орасида Новгород муҳим ўрин эгаллаган.

Мўғул-татарлар босқини даврида Новгород ва Псковдан ташқари, деярли барча рус савдо-сотиқ марказлари вайрон қилинди. Факат XIV аср бошларида Олтин Ўрда давлатида рўй берган иқтисодий тараққиётта Рус ерларининг ҳам тортилиши унинг айрим князликларида иқтисодий юксалишга имкон берди. Натижада, XIV аср ўрталаридан бошлаб Москва, Нижний Новгород, Псков, Тверь, Коломна каби ҳунармандчилик ишлаб чиқариш марказлари савдо-сотиқ муносабатларида ҳам ўз ўрнини эгаллай бошлади. Москвада ташкил этилган савдогарларнинг “Сурожликлар” бирлашмаси Қора денгиз бўйларидаги Сурож (Судок) ва Кафа (Феодосия) каби генуя-итальян колониялари орқали Яқин Шарқ билан савдо муносабатларини йўлга кўйди. Ўрта Осиё билан ташки савдо-сотиқ алоқалари эса Волга бўйидаги Нижний Новгород савдо ярмаркаси орқали амалга ошириларди.

Хоразмнинг Рус билан савдо-сотиқ алоқалари IX асрдан бошлаб ўрнатилган. Бу муносабатлар Хазар ҳоқонлиги орқали амалга оширилган бўлиб, ўз вақтида ушбу давлатда хоразмликларнинг мавкеи жуда юқори бўлганди. Русь князи Святославнинг 965 йилда

Хазар ҳоқонлигини тор-мор келтириши ва 990-йилларда князь Владимирнинг Волга Булғоријасини тор-мор қилиши Хоразмни Рус билан юзма-юз қилиб кўйди.¹ Аммо Ҳазар ва Булғор давлатларидағи ўз таянчларидан маҳрум бўлиш қанчалик оғир бўлмасин, бу даврда Хоразмшоҳ Маъмунийлар руслар билан сиёсий муносабатларни яна-да кескинлаштиришга қодир эмасдилар. Шундай бўлса-да, хоразмликлар дипломатик йўллар билан уларга таъсири имкониятидан фойдаланишига уринганилар.

XI аср тарихчиси Тоҳир ибн Марвазийнинг гувоҳлигича, Киев князи Владимир 988 йилда христианликни қабул қилишдан олдин, хоразмлик савдогарлар билан ислом дини тўғрисида сұхбат курган. Чунки Византия билан бир неча бор тўқнаш келган Владимир Константинополда ислом таълимоти ҳам ёйилганини билар ва бу диннинг нозик муаммоларини тушунишни хоҳларди.² Савдо-сотик билан шугуулланган хоразм савдогарлари сиёсатнинг бу нозик масаласида Киев давлати бошлигини ишонтира олмаганлар. Ўз навбатида, 922 йилда Бөғод халифаси шундай топшириқ билан ибн Фадлан бошиц вакилларини Волга Булғорлари ерларига юборганилиги ҳам эсга олиш даркор.

Рус савдо-хунармандчилик шаҳарларида хоразмлик савдогарларнинг ўз савдо-сотик саройлари ва маҳсус қурилган расталари бўлган. Ўз навбатида, Хоразм шаҳарларида ҳам рус савдо уйлари мавжуд эди. Ал-Беруний XI аср бошларида ва итальян савдогари Плано Карпини XIII аср бошларида Хоразмда руслардан иборат христианлар жамоаси мавжуд бўлғанилигини таъкидлашган. Академик С.П.Толстов улуғ ал-Берунийнинг христиан жамоасидаги “каландас” байрами маросимининг номи ҳам, мазмуни ҳам славянларнинг янги йил маросими – “колядование”га ўхшаб кетади, деган фактирини қўллаб-куvvatlagan.³

Хоразм ва Рус князликлари орасидаги савдо-айирбошлиш муносабатларида жуда кўплаган маҳсулотлар мухим ўрин эгаллаган. Жусусан, IX–XIII асрларда Русдан Хоразм орқали Шарқка мўйна, мум, асал, смола, зигир ва зигир тола газламалар, куроллар ва ишлов берилган суюклар чиқарилган. Кейинги асрларда бу маҳсулотлар қаторига тери, бўёклар, эгарлар, ўқлар ва металл буюмлар кў-

¹ Толстов С.П. Кадимги Хоразм маданиятини излаб. 242-бет.

² Ўша жода, 265-273-бетлар.

³ Толстов С.П. Кадимги Хоразм маданиятини излаб. 273-275-бетлар.

шилган. Хоразмдан Рус ерларига, кўпинча, зеб-зийнат буюмлари, қутилилган мевалар, пахтадан тўқилган матолар ва газламадан тикилган кийимлар, жун ва ишак маҳсулотлари сотилган.

IX–XII асрларда Хоразмда зарб қилинган катта микдордаги кумуш тангалар савдо-сотик муносабатларида жуда катта кулагилклар туғдирган. Форс тарихчиси Гардизий ўзидан олдин ўтган олим Ибн Руста маълумотларига таяниб: “Улар (мусулмон савдо-гарлари) ўша дирҳамларни руслар ва славянларга берадилар. Чунки руслар ва славянлар савдо-сотик учун зарб қилинган тангадан бошқа буюмларга товар сотиб олмайдилар”, деб ёзганди.¹ Рус ва Болтиқбўйи худудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар вақтида нафақат Хоразм тангалари намуналари, балки бу худуд орқали Farb мамлакатларига олиб борилган сомонийлар давлати пуллари ҳам топилган.

Хоразм билан Рус князликлари орасидаги савдо-сотик алоқалари Олтин Ўрда давлати таркибида бўлган пайтларда жуда тараққий қилган. Ҳар йили Сарой Боту ва Қозон шаҳарларида ўтказида-диган савдо-сотик ярмаркаларига рус ва хоразм савдогарлари ўз молларини олиб келганлар. Икки ўттадаги олди-сотди муносабатлари ва шартномалар асосида кўпгина ноёб моллар карvonлар ёрдамида Хоразм орқали Мовароуннахрга (Самарқанд, Бухорога), Эронга, Сурия ва Мисрга ҳамда Ҳиндистонга жўнатилган. Ўз навбатида, Хоразм савдогарлари ёрдамида Шарқдан келтирилган нозик зеб-зийнат буюмлари, қимматбаҳо курол-яроғлар, ишак ва пахтадан тўқилган мато ва газламалар рус савдогарлари томонидан кўплаб харид қилинган.

Хоразмнинг Рус ерлари билан савдо-сотик алоқалари, асосан, Волга дарёси орқали амалга оширилган. Бу буюк дарёнинг ҳар иккала қирғоғида курила бошлаган йирик шаҳар ва қишлоқлар ахолиси кемаларда ташилаётган молларнинг бир қисмини сотиб олиб колишга ва савдогарларни зарур маҳсулотлар билан таъминлаб туришга интилганлар.

Волга бўйларигача молларни ташиб келтириш учун бир неча карvon йўлларидан фойдаланилган. Хоразмдан Русга қараб йўлга чиққан карvonлар Устюрт қирларидан ўтиб, Олтин Ўрданинг Урал дарёси бўйидаги Саройчик шаҳрига етиб келишган. Шу ерда иккига

¹ История народов Узбекистана. Т. 1, Т., 1950, с. 231.

бўлингандай йўлнинг бири – Урал дарёси ёқалаб Сибирга кетса, иккинчиси – Волга бўйидаги Астрахан (Хожи Тархон) шаҳрига борган. Астраханда савдогарлар юкларини мўлжалга қараб кемаларга ёки аввалгидай от-туяларга ортиб, ўз сафарларини давом эттиришган. Юкларнинг бўлиниши савдогарларнинг кемаларда ёки дарё ёқалаб куруқлиқдан ҳаракат қилиб, Олтин Ўрданинг Сарой Берка ва Сарой Боту, Волга Булғорларининг – Булғор, Биляр ҳамда Сувар каби йирик шаҳарларига боришларига боғлик бўлган. Кейинчалик карvonлар яна Волга дарёсини ёқалаб, Нижний Новгород ва ундан шимолдаги Ростов, Ярославль, Углич, Тверь, Торжок шаҳарларидан ўтиб, Буюк Новгородга йўл олганлар. Карvonларнинг айримлари ўз вақтида Нижний Новгороддан жануби-тарб томондаги Ока дарёси орқали сузуб, Муром, Рязань каби шаҳарлардан ўтиб Москвага етиб боришган.

Хоразмлик савдогарлар жанубий Рус худудлари билан ҳам савдо-сотик муносабатларини олиб боришган. Уларнинг айрим карvonлари Устюрт орқали Мангышлок пристанига юкларни олиб келишган. Кемаларга ортилган моллар Волганинг Каспий денгизига куйилиш жойига ташиб келинганди. Кейинчалик, юклар от-туяларга ортилиб танланган йўналиш бўйича ташиб кетилган. Ўз навбатида, барча йўллардан Сарой Беркага келтирилган юкларнинг бир қисми шаҳар яқинидаги Волга дарёсининг ўнг соҳилига – Царицин (ҳозирги Волгаград) шаҳрига ўтказилган. Кейинчалик карvonлар Дон дарёсидан кечиб ўтиб, Переяславль, Чернигов, Киев, Галич ва Волинъ шаҳарларига етиб келишган. Дон дарёси бўйлаб кемаларда ёки қуруқлиқдаги йўлдан Воронеж, Тула, Орёл ва Москва шаҳарларига ҳам ҳар хил савдо-сотик моллари олиб бориб сотилган. Айрим савдо карvonлари жанубий рус ерларидаги сафарларини давом эттириб Қора денгиз бўйларидаги шаҳар ва қишлоқлар, сўнгра Шаркий Европа худудларигача етиб борганлар.

Рус савдогарлари ҳам карvon йўлларини яхши ўрганиш эвазига юкларини бемалол узок масофаларга омон-эсон етказиб боришга эришишган. Ибн Хурдодбех рус савдогарлари юрган йўлларни тасвирлар экан: “Улар Ҳазар пойтахтидан кемаларга ўтириб, Журжон денгизини (Каспий денгизини) узунасига кесиб ўтадилар ва Журжон вилоятига келадилар. Улар баъзида туяларда ўз молларини

Журжондан Бағдодга ҳам олиб борадилар. Тилмочлари ҳам ўзларидан, яъни славянлардан бўлган”, деб ёзганди.¹

Хоразмга келаётган рус савдогарлари Волга дарёсидан кемаларда Каспий денгизига тушиб, унинг жануби-шарқидаги Мангышлок пристанларига келганлар. Кейинчалик тия карvonлари Устюртни кесиб ўтиб, Урганчга ва Хоразмнинг бошқа савдо шаҳарларига рус молларини олиб келган.²

Рус билан амалга оширилган савдо-сотик алоқаларида етакчи ролни Хоразмнинг маъмурий, савдо-сотик ва маданий маркази – Урганч шаҳри ўйнаган. Бу ерга келган рус савдогарлари Пулжой, Мидаҳон, Кат, Шемахақалъа, Хива каби шаҳарлар бозорларида ҳам ўзига керак бўлган маҳсулотларни ҳарид қилиш ва ўз молларини сотишга ҳаракат қилганлар.

XV асрга келиб, Ўрта Осиёда бошланган ўзаро феодал урушлар яна бир бор Буюк Ипак йўлнинг шимолий тармоғи орқали амалга оширилаётган савдо-сотик алоқаларининг сусайишига сабаб бўлди. Ушбу ҳолат кўчманчи ўзбекларнинг Дашиби Қипчоқ ва Мовароуннаҳр чегараларида бошланган кескин сиёсати натижасида яна-да мураккаблашди. Оқибатда, Хоразм билан Рус ерлари ўргасидаги савдо алоқалари кескин равища сусайиб кетди.

XVI аср ўрталарида Марказлашган Рус давлати ўзининг босқинчилик сиёсати натижасида Волгабўйи, Уралорти ва Сибир хонлиги ерларининг катта қисмини эгаллади. Кейинги вақтда Қозогистон ерларидаги рус ҳарбий истеҳкомларининг курилиши ва чоризмнинг Ўрта Осиёга кўз тикиши натижасида Хоразм билан савдо-сотик муносабатларига нисбатан ҳарбий жосуслик ва сиёсий мақсадларга кенгроқ ўрин берилди.

3.3. Шарқ мамлакатларининг Европадаги Византия, Италия, Испания ва бошқа давлатлар билан савдо-сотик муносабатлари ўрнатилишида Хоразм шаҳарларининг ўрни

Хоразм савдогарларининг Ғарбий Европа Қора ва Ўрта ер денизи қирғоқларида шаҳарларда олиб борган кенг кўламдаги олди-сотди муносабатларининг излари археологик тадқиқотлар вақтида кўплаб топилмоқда. 1988 йилда Кисловодск шаҳрининг шарқий

¹ История народов Узбекистана. Т. 1, Т., 1950, с. 229.

² Очерк истории Каракалпакской АССР. Т. 1, Т., 1964, с. 89.

чеккасидаги Мокрая Балка ёдгорлигидан Хоразмшоҳ Шовушфанинг кумуш драхмаси топилди. 1997 йилда эса Шимолий Хоразмдаги Куюкқалъа ёдгорлигидан Византия императори Август Тиверий (698–705) нинг олтин тангаси топилди.¹ Бу нумизматик ёдгорликлар Хоразм билан Европа ўртасидаги иқтисодий муносабатлар узок ўтмишдан бошлаб ўрнатилганидан дарак беради.

Ўрта Осиёдаги IX асрдан бошланган иқтисодий жонланиш Хоразмнинг Европа билан алоқаларини янги поғонага кўтарди. Иккни ўттадаги муносабатлар, асосан, Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи орқали амалга ошириларди. Шу билан бир қаторда, айrim даврларда Жанубий Европа мамлакатларига бораётган Хоразм савдогарлари Эрон ва Кичик Осиё, айrim ҳолларда Ўрта ер денгизи Шарқий кирғозидаги шаҳарлар орқали Византия, Италия, Франция ва Испанияга ўз молларини олиб боришга муваффақ бўлганлар.

Хоразмнинг Гарбий Европа давлатлари билан савдо-сотиқ муносабатлари ҳақида маълумотлар кам учрасада, аммо воҳа савдо аҳли Самарқандликлар билан бирга олис Андалузия (Испания) тижоратчилари билан бўлган савдо-айирбошлиш ишларида қатнашгандар. Зоро, IX–X асрларда Ўрта Осиёда юксала бошлаган ташки савдо-сотиқ муносабатларининг амалга оширилишида хоразмликлар фақат Самарқанд савдагорларидан кейинги ўринни эгаллаб турардилар. Улар кейинги XI–XIII асрларда Европа билан бўлган савдо-сотиқ муносабатларида, ҳатто етакчилик ҳам қила бошладилар.

X–XV асрларда Европанинг ташки савдо-сотиқ алоқалари, асосан, иккита “кесишув жойи” – Ўрта ер ва Болтиқ денгизлари орқали амалга оширилган. Шарқ давлатлари билан муносабатлар, асосан, Византия ҳудудлари орқали амалга ошириларди. Болтиқ денгизи орқали ўтган савдо-сотиқ йўли Шарқий давлатлар билан муносабатларга тўғридан-тўғри алоқадор бўлмасдан, балки у Скандинавия орқали Шимолий Рус ерларига бораётган савдогарлар учун қулай эди. Шунга қарамасдан, ўрта асрларда искинчи йўл орқали ҳам Марказий Осиё билан Европа ўртасида алоқалар ўрнатилган. Ушбу ҳолат Болтиқбўйи ва Скандинавия мамлакатларида ўтказилган археологик тадқиқотлар вақтида сомоний давлати танталари ҳамда Помир тоги этакларидаги тарихий ёдгорликлардан Болтиқ бўйида

мавжуд машҳур қаҳраболар намуналарининг топилиши мухим тарихий воқеа ҳисобланади.

Тадқиқотлар давомида Болтиқбўйи қаҳраболари Ўрта Осиёга иккни йўл орқали – Сирдарё ва Амударё орқали олиб келинган, деган холоса шаклланди. Олимлар томонидан олиб борилган картографик ва геодезия текширувлари натижасида қаҳрабо тарқалган ички йўллар йўналишлари аникланди. Қаҳрабо тарқалишининг энг узок нуқтаси – Помир тоги этаклари ҳисобланниб, унинг бу ерларга келтирилган энг сўнгги намуналари XIII–XIV асрларда келтирилган бўлса керак, деб тахмин қилинмоқда.¹

Шарқ билан Европа орасидаги савдо сотиқ муносабатларида Ўрта ер денгизи орқали ўтган йўллар жуда катта аҳамиятга эга эди. Ушбу серҳаракат йўллар орқали амалга оширилган савдони, даставвал, араблар ва византияликлар ўз кўлларига олдилар. Улар Шарқ савдогарлари келтираётган зеб-зийнат буюмлари, вино, аччиқтош, мурч, долчин, бугдой, хушбўй, хуштам доривор маҳсулотлар, зира-ворлар, муаттар ҳидли гиёхлар, бўёқ, шойи газламалар, гилам, мевалар каби ноёб молларни арzon нархларда сотиб олишга шошилганлар.² Ўз навбатида, бу харидоргир моллар Европа бозорларида жуда юкори нархларда сотилар ва ундан катта фойда олинарди. Ўз навбатида, Гарб мамлакатларидан Шарққа мовут, турли газламалар, олтин ва кумуш буюмлар, қуроллар ва сотиш учун куллар чиқарилган.³

Шарқ ва Гарб ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларида Византия давлатининг кўпгина шаҳарлари транзит манзил сифатида катта роль ўйнаган. Хусусан, Византия пойтахти Константинополь шаҳри кўпгина тарихий манбаларда Шарқ билан Гарбни боғлаб турган “Олтин кўпrik” деган ном билан тилга олинади. Византиянинг Фессалоники, Адрианополь каби шаҳарлари ҳам нафақат Европада, балки бутун дунёдаги энг йирик савдо-сотиқ марказларидан ҳисобланаган.

Византия айнан савдо-сотиқ муносабатларида мухим воситачи сифатида то XII асргача Европада шойи ва ипак газламалар ишлаб чиқарувчи йирик марказ бўлиб келди. Шу билан бир қаторда, у Ко-

¹ Бубнова А., Половникова И.А. Торговые пути Прибалтийского янтаря в Средней Азии (древность, средневековье). Города и каравансиры на трассах..., с. 27.

² История средних веков. Под ред. З.В.Удалцовы. М., «Высшая школа», 1990, т. 1, с. 204.

³ Ўша жойда, 205-бет.

¹ Мамбетуллаев М.М. Византийская индикация из Куюккала (Северный Хорезм). Нумизматика Центральной Азии, вып. IV, Т., 1999, с. 29–30.

ра дengiz b  yi xal  lari, Rus   va Kavkazorti xududlari bilan ham s  vd  -sotik i  slarinini keng k  lamda amalga oshirgan.

Salb uruslari davrida Bizantияning s  vd  -sotik alo  salari-dagi mavkei bir oz pasayib, Evropанинг Sharқ bilan alo  salariда Italiyaning Venecia va Genuya, Fransiyанинг Marselъ va Ispanianing Barselona kabi port sha  arlарининг imkonияtlari kengая bordi. Эnдиликda ҳатто Bizantияning tashki s  vdosi ham ikkita sha  ar давлатлар – Venecia ROMEyasi va Genuya ROMEyasi or  ali amalga oshira bo  shlandi.

Italiyaning Genuya sha  ri i  shbilarmonlari Қora dengizning shimoli va janubida k  upgina s  vdо koloniylari barpo қildilar. Bu erlarغا k  uchiриб keltiriilgan s  vdogarlar Sharқ va Rusь bilan mawjud s  vd  -sotik munosabatlарини bo  shariшni ўz k  llariga oлдилар. Natiжada, Қora dengiz shimolidagi Soldaiя (Sudak, Suroj), Kafa (Feodosiya), Tana (Azov), Mana (Anapa), Sebastopolis (Suxumi), Semaistro (Amastrida), Chembalo (Balaklava) sha  arlарида Genuya bo  shkaruv uslubi жорий қилинди. Ўz nавbatida, Genuya sha  ri s  vdо korchalonlari Қora dengiz b  yi s  vdо koloniylari or  ali Rusь, Eron, Xindiston, Xitoy, Яқин Sharқ, Mowarounnaхr hamda Horazm bilan s  vdо munosabatlарини olib bordilar.

Xorazmlik s  vdogarlar Sharқий Evropaga, acosan, eski й  ldan – Kaspiй dengizi, Volga b  ylari, Janubiy Rusь dashtlari va Krim or  ali Қora dengiz b  ylariga чиқishgan. Natiжada, karvonlar uшбу й  l or  ali Germания давлатига, Buok Ipak й  linining janubiy tarmogi or  ali ҳатто oлис Ispania va Portugalia mamlatkaplariha ham ўz mollarini olib boriб сотганлар. Ўz nавbatida, Urta Osi  ga Ispaniyadan жун, tери, turli tuman vinalop, Portugaliyidan юқори Navli buғdой va bo  sha кишлоқ x  jaliq ma  sulotlari, Italiyan dan zaytun moyi olib kelingan.

XII asr arab geografi Zakari   Қazviniy “Sha  arlар ёдгорliklari va Olloхnинг bandalari haқida xabarlar” nomli geografik enciklopediyasida ўrta asr Evropa sha  arlарини tasvirlаркан, Germанияning Mайнц sha  ridan 923 va 924 йилларда Samarқandda зарб қилинган dırxamlar topilganligi va bu давлатning bозorlariда Xindistonдан keltiriilgan murch, imbir, chinnigul, lavanda, galanga kabi dorivor ma  sulotlар va fil suyigidan ясалган no  b

buomlar сотилганлиги haқida ma  lumotlar beradi.¹ Taniжili ozarbajxon olimi, professor Z.M.Bun  dov Samarқandda katta s  vdо d  ukonlari b  ylgan Abul-Fat   Nasr ibn Ҳasan Шoшиy ismli s  vdоgar ўz mollarini karvonlar ёрдамида Ispanianing Andaluzия viloyati olib boriб сотганligi haқidagi xujjatlarни aniklagan².

VIII–XIII asrларда Ispanianing musulmonlar яшайдиган Al-Andalus viloyati ancha taraqqij қилиб, faol tashki s  vd  -sotik munosabatlарини olib bora bo  shlagandi. Ispanlar ўзларининг gазlамали, sopol idiшлари, metall bуomlari va terilari bilan sharқ s  vdogarlarining эътиборини tortib, ularni mol aйирбошлаш jar  niga tortiшgan. Ikki ўrtadagi oldi-sotdi munosabatlariда muomalada b  ylgan ispan tangalari ҳатто Xindistonдан Irlandiya-gacha b  ylgan xududda tarқalgan.³

XIII asr bo  shlariда r  y berган m  gul-tatarlar bosqinigacha Evropa bilan s  vd  -sotik munosabatlарининг katta қисми Buok Ipak й  linining Baғdod va Suriya sha  arlari or  ali ўtuvchi janubiy tarmogi or  ali amalga oshirilgan. 1258 йилда m  gullar Baғdodni vайрон қилди. 1291 йилда salbichilarning Suriyadagi энг сўнгги қароргоҳлари k  ldan ketishi natiжasida Rim papasi Misr bilan aloқani t  xtatiш t  griсида farmon чиқарди. Ushbu tariхий voқe-alap r  y berган даврда Evropa bilan s  vd  -sotik munosabatlari biroz cheklanib қолди.

Eron xududiда m  gullar ning Xulokuylar-Элхонийлар давlati barpo etilgach, uning pojtaxti sifatida Tabriz sha  rinining ahamiyati kучая bordi. Ilgariдан yiрик s  vdо-xunaрmandchilik marказларидан biри b  ylgan mazкур sha  ar Sharқ va Farb ўrtasidagi s  vd  -sotikni amalga oshiriшda vositachi rolini ўйнай bo  shladi. Tabrizdan Evropaga й  luga чиқсан s  vdо karvonlari Эрзирум, Pайperpt sha  arlariдан ўтиб, Pонт toғlari or  ali janubiy Қora dengiz b  yidagi яна bir yiрик sha  ar – Trapезунд (Taрабzon)ga keлишgan. Tabriz va Trapезунд orасидаги masofani karvonlar 30–32 kунда босиб ўтганлар. Trapезундда mawjud b  ylgan portda ёлланган kemalar sharқ s  vdogarlarни юкларини Venecia ёки Genuyaга etka-zib berغانлар.

¹ An-Kazviniy. Памятники городов.. Хрестоматия по истории средних веков. Под ред. С.Д.Сказкина. М., 1961, т. 1, с. 479–480.

² Bуниёдов З.М. Ануштагли Xorazmshohlar давлати. 136-бет.

³ История средних веков. Под ред. З.В.Удалыцова. С. 155, 178, 204–205; 342, 349.

Табриз-Трапезунд йўли XIII аср охиридан – XIV аср биринчи ярмигача Гарб билан Шарқни боғлаб турган асосий карвон йўли хисобланган¹. 1353 йилда ўзаро феодал урушлар натижасида Эронда Хулокуйлар-элхонийлар давлати кулади. Вужудга келган нотинчилик савдогарларнинг фаол харакатларини чеклаб кўйди. Окибатда шаҳарлар орасида доимий равишда юкларни ташиб турган карвонлар ва уларнинг сарбонлари инқироз даврини ўз бошидан кечира бошладилар. Буюк Ипак йўлининг жанубий тармогидаги мазкур тушкунлик даври Амир Темурнинг Эрон ва Кичик Осиё минтақасида олиб борган ҳарбий юришлари вақтида ҳам сакланиб қолди.

Айнан шу даврларда Хоразмнинг Европа билан савдо-сотиқ ва дипломатик муносабатларида бир оз жонланиш ҳолатлари кузатилган. Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоги орқали харакат қилиб, Каспий денгизи қирғоқлари, Дон дарёси ва Қора денгиз бўйларидан ўтган ва Олтин Ўрданинг шаҳарларидан катта микдорда фойда олган Европа савдогарлари эндиликда Хоразмга ҳам кела бошладилар.² Улар ўз молларини сотиш учун бозорлар излаш жараённида Хоразм шаҳарларини ўзлари учун қайта кашф этдилар. Уларни, айниқса, Урганч шаҳридаги улкан бозор ва карвонсаройлар, катта микдордаги турли-туман моллар ҳайратга соглан. 1340 йилда бу шаҳарга келган Флоренция савдо фирмасининг агенти Франческо Бальдуччи Пеголотти ўз юртига қайтгач савдогарлар учун тузган маҳсус қўлланмасида шундай сўзларни ёзган: “Осиёнинг ичкарисига киришнинг ҳожати йўқ. Чунки Хоразмнинг маркази – Урганчдан Европа бозорлари учун керакли барча нарсаларни сотиб олиш мумкин. Ким Генуя ёки Венециядан бу жойларга ва Хитойга саёҳат қилмоқчи бўлса, ўзи билан газламалар олсин ва Урганчга келсин. Урганчда эса уларга кумуш сотиб олсин ва Хитойга борсин”.³

Ўрта аср олими Ибн Арабшоҳ “Хоразмдан карвонлар чиқиб, жеч қандай кўркувсиз, хотиржам ва тинч юриб Кримгача боргандар”, деб ёзади.⁴ Археолог А.М.Чипериснинг тўплаган маълумотлари XIV асрда Хоразмдан Қора денгиз бўйидаги Генуя колониялари хисобланган Тана ва Кафа шаҳарларига кулолчилик буюмлари олиб

¹ Картов С.П. Итальянские морские республики и Южное Причерноморье в XIII–XV вв.: Проблемы торговли. М., изд. МГУ, 1999, с. 61.

² Там же, с. 62.

³ Рихард Хенинг. Неведомые земли. М., 1962, с. 211; Федоров-Давыдов Г.А. Нумизматика Хорезма золото-ордынского периода. НЭ, т. 5, М., 1965, с. 179.

⁴ Кадирниязов М.Ш. Материальная культура городов Хорезма..., с. 126.

борилганлигини тасдиклайди.¹ Археолог Ю.П.Манилов Хоразмнинг ўрта аср карвонсаройларидан бир вақтлар Қора денгиз бўйида мавжуд бўлган Азок шахрида зарб қилинган тангалар намуналари топган.² Устюртдаги Беловли карвонсарой қазиб кўрилганда, у ердан XIV асрга оид лотин алифбосида битилган ёзув намунаси аниқланган. Ушбу ноёб ёзма манбанинг кўп қисми ўчиб, фақат бир неча ҳарфларни ўқишига муваффақ бўлинган. Аммо унинг Хоразмга келган Гарбий Европа савдогарларидан бирига мансуб эканлиги шак-шубҳасизdir.³

Хоразмнинг Европа билан савдо алоқалари кейинги даврларда, айниқса, Амир Темур даврида ривожланган. Хоразм савдогарлари ҳам эндиликда аксарият ҳолларда Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоги орқали харакат қилишига интилганлар. Кейинчалик, Марказий Осиё, хусусан, Хоразмда бошланган феодал тарқоқлик ва босқинчлилар урушлари бошқа барча худудлар каби, Европа билан савдо-сотиқ муносабатларининг кескин сусайиши ва тўхтаб қолишига олиб келган. Натижада жаҳон цивилизациясига ўз бетакрор маданияти ва ноёб моллари билан прогрессив таъсир кўрсатган Хоразм дунёдан ажралиб қолди. Савдо-сотиқ муносабатларининг кескин равишда сусайиб кетиши воҳанинг ички иқтисодий ва маданий ривожланишига ҳам катта зарба берди.

¹ Кадирниязов М.Ш. Культурные связи..., с. 93.

² Манилов Ю.П., Юсупов Н. Каравансиран Центрального Устюрта..., с. 179.

³ Манилов Ю.П. Археологические исследования каравансираев Центрального Устюрта. Археология Приволжья. Вып. 1, Т., «Фан», 1982, с. 112.

ХУДОСА

XXI аср бошларига келиб вужудга келган мураккаб халқаро вазият ва глобал характердаги муаммолар барча прогрессив кучлардан чигал масалаларни тезкорлик билан ечишнинг йўллари, усул ва воситаларини топишни талаб қилмоқда. Бу борада тарих фани ва унинг вакиллари ўз салоҳиятли хulosаларини таклиф қилишлари лозим. Улар ўтмишда рўй берган воқеаларни чукур ўрганиш ва тажлил қилиш асосида инсониятга сабок бўладиган фикр ва ғояларни илгари суриш учун катта имкониятларга эгалар. Мазкур масалада дунё халқарини бир-бирига азалдан боғлаб турган савдо-сотик муносабатлари тарихи, хусусан, Буюк Ипак йўлининг фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Буюк Ипак йўли фаол ишлаб турган даврда дунё фани ва маданияти равнақига, ҳунармандчиллик ва саноат марказларининг таркиб топишига, давлатлараро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ўрнатилишига ижобий таъсир кўрсаган. ЮНЕСКО ташкилотининг ташаббуси билан XX асрнинг сўнгги 90 йиллари – Буюк Ипак йўлининг “Ўн йиллиги” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан, Марказий Осиё республикалари ва чет элларда Буюк Ипак йўлининг шаклланиши тарихи ва у билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга бағишлиланган кўплаб анжуманлар ўтказилди, турили мавзулардаги илмий ва илмий-амалий экспедициялар уюштирилди. Илмий экспедицияларга жалб қилинган археолог, тарихчи, геолог, биолог, зоолог, этнограф, шифокор, сайдён, альпинист, кинорежиссёр каби кўплаб касб эгалари қадимги карvon йўлларини ўрганишга баҳоли кудрат ўз ҳиссаларни қўшидилар. Натижада Буюк Ипак йўлининг Ўрта Осиё ва унинг атрофларида худудларда шаклланиши, унинг инқизозга юз тутишигача бўлган даврлардаги ўзига хос босқичли тарихий-жўғрофий силсиласини чукур тадқиқ этиш имконияти яратилди.

Буюк Ипак йўли тармоқларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган экспедициялар даврида олимларимиз диққати ўлкамиз табиати ва экологик шароитининг ўтмиши, ҳозирги ҳолати, ботиний имкониятлари ва истиқболдаги тараққиётини аниқлаш ва башорат қилишга каратилди. Келгусида янги ташкил этиладиган экспедициялар Буюк Ипак йўлининг асосий ва ёрдамчи тармоқларини излаб топиш, улар географиясини илмий жиҳатдан асослаш, савдо-сотик-

да нималар ташилганини ва айирбош усуларини аниқлаш, ўтмиш тарихимизни, миллий ва маънавий бойлигимиз ҳамда анъаналаримизни ўрганиш, кишиларнинг табиатга таъсир даражасини, ўлка экологиясининг ўзгариб боришини аниқлаш ва имкониятларни баҳолаш, халқаро, мамлакат, минтақа ва маҳаллий аҳамиятга молик туристик ва спорт-соғломлаштириш, энг муҳими, келажакда қадимий Шарқ билан Farb халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатган ҳамда ривожлантирган бу йўлни халқларнинг биродарлик, ўзаро ҳамкорлик ва самимий мулоқот йўлига айлантиришга хизмат қилиши лозим.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихан Шарқ билан Farbни бирлаштириб турган Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғинида жойлашган. Республикамизда қадимдан мавжуд бўлган Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Бухоро, Терmez, Хива, Урганч каби шаҳарлар йирик савдо-хунармандчиллик марказлари сифатида дунёда машҳур бўлган. Улар ҳақидаги маълумотлар эса жаҳонга Буюк Ипак йўли тармоқлари орқали тарқалган.

Буюк Ипак йўли тарихи ва унинг ўлкамиз ҳамда жаҳон тарихида тутган ўрнини ўрганишда, айниқса, савдо-сотик марказлари бўлган қадимги ва ўрта аср шаҳарлари, уларни боғлаб турган йўллардаги карвонсаройлар, кудук ва сардобалар, минаралар, қалъя ва истеҳкомлар қолдиклари каби ўтмиш ёдгорликларини чукур тадқиқ қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу борада Шарқ билан Farb ўртасида савдо-сотик алоқаларини кенг кўламда олиб борган Хоразмнинг ўрни ва ролини ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Хоразмнинг юксак даражада ривожланган X–XV асрлардаги ҳётига доир хужжатларни ўрганиш асосида янги илмий хulosаларни шакллантиришга имконияти яратилди..

Мазкур тадқиқот давомида кўпгина тарихчи, археолог, этнограф ва бошқа соҳа олимларининг тўплаган айrim маълумотлари мутлақ ҳақиқат эмас, чунки уларни инкор қилувчи маълумотларга ҳам дуч келинди. Натижада Хоразм тарихини, айниқса, савдо марказлари тарихини факат шу худуддан топилган археологик, топономик ва лингвистик материалларга таяниб ўрганиб бўлмайди, деган хulosha шаклланди. Мавзуни объектив равища ва тўлаконли ёритиш учун эса Хоразмга қўшини бўлган ва қадимдан узвий, маданий, иқтисодий алоқада бўлиб келган халқлар, мамлакатлар, давлатлар тарихини ҳам чукур ўрганишимиз лозим. Ушбу зарурият эса бизни

Хоразм савдо марказлари тарихини ўрганиш давомида уни Буюк Ипак йўли фаолияти билан бевосита ва изчил равишда изланишлар олиб боришига даъват этади.

Олимларимизнинг кўп йиллик заҳматли меҳнати ва изланишлари натижасида тўпланган археологик, манбашунослик ва тарихшунослик маълумотларини миннатдорчилик асосида ўрганган ва биз танлаган мавзуга боғлаган ҳолда тадқиқ қилиш асосида қўйида-ги илмий хуросалар чиқарилди:

1. Хоразм X–XV асрлар давомида Маворауннахрнинг хўжалик жиҳатдан энг ривожланган ҳудудларидан бири бўлганки, буни ёзма манбалардаги маълумотлар ҳамда археологик тадқиқот натижалари тўла исботлайди. Мазкур ҳудуддаги сиёсий-тарихий жараёнлар, яъни турли тарихий даврларда қатор марказлашган давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон ва Яқин Шарқнинг баъзи мамлакатларини ўз таркибиغا қўшиб олиши натижасида улкан ҳудудда сиёсий барқарорлик ўрнатилган. Бу, ўз навбатида, савдо-сотикинг ривожланишига олиб келган.

2. Ривожланган ўрта асрларда Хоразмнинг Миздаҳқонкальба, Кердор, Шаҳарлик, Кўхна Урганч каби савдо марказлари жаҳон савдо муносабатларида катта ўрин тутиб, Ўрта Шарқ ва Европа мамлакатлари (Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Сурия, Фаластин Миср) Кичик Осиё, Ҳиндистон ва Хитой билан мустаҳкам алоқада бўлишган. Жумладан, археологик тадқиқотлар натижасида Буюк Ипак йўлида жойлашган қатор хорижий давлатлар ҳудудларидан Хоразмда тайёрланган буюмларнинг кўплаб топилиши буни тўла-тўқис тасдиқлайди.

3. Тадқиқ этилаётган даврда Хоразмда савдо муносабатларининг юксак даражада ривожланганлиги воҳанинг кўпгина шаҳарларида, айниқса, пойтахт қалъаларида савдо мажмуналари қурилиши, савдо ўйларининг қулайлиги ва хавфзислигига катта эътибор берилганлигига ҳам кўринади.

4. Хоразм савдо марказлари тарихи ва уларнинг жаҳон савдо-сидаги ўрни турли хил манбалarda ва тарихшуносликка оид тадқиқотлarda ўз аксини топган. Хоразмнинг IX–XV асрлар иқтисодий ҳаётини ёритища шу даврлар араб-форс манбалари энг муҳим манбалар хисобланади. Улар устида кўп бора тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, уларда ҳали муаммоли масалалар мавжуд.

5. Хоразмнинг IX–XV асрлар савдо муносабатлари масаласини ўрганиш ишига С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнографик экспедицияси ходимлари ўзларининг катта ҳиссаларини кўшдилар. Бундан ташқари, Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси ходимлари ҳам бу масалага оид тадқиқотлар олиб бордилар. Кейинчалик эса бу муаммони ўрганиш ишига қорақалпогистонлик археолог, тарихчи ва этнографлар ҳам салмоқли ҳисса кўшдилар.

6. Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари доирасида археологик тадқиқотлар борасида ҳам кўплаб хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорликдаги муносабатларни йўлга қўйди. Бу, албатта, келгусида катта аҳамиятга молик бўлган янгиликларнинг очилишида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон мустақиллигини яна-да мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан миллий даромадни ошириш, айниқса, мамлакат иқтисодиётига чет эл валюта сармояларини жалб қилишини кўпайтириш масаласи бизнинг рақобатбардош моллар билан жаҳон бозорига тезроқ чиқишимизга бевосита боғлиқдир. Бунинг учун Буюк Ипак йўлининг бир вақтлар тинимсиз ишлаб турган қадимги тармоқлари ва андоза бўладиган таянч пунктларидағи савдо-сотик марказларини қайта тиклаш керак ҳамда ишлатиш керак. Хусусан, Хоразм воҳасидаги Урганч, Хива, Ҳазорасп, Хўжайли (илгариги Миздаҳқон), Амударёнинг сўл кирғозидаги Тўрткўл, Беруний (қадимги Кағ), Элликкальба, Нукус сингари шаҳарларда куйидаги асосий ишлар кўламини бажариш максадга мувофиқ деб хисблашимиз:

1. Маҳаллий-миллий меъморчилик услубида барча қулайликларга эга бўлган карвонсарой комплекслари, турар жойлар, дурагорлик ва қулолчилик дўқонлари ҳамда савдо-сотик расталарини қуриш йўли билан “Кўхна шаҳар” намунасини тиклаш лозим.

2. Қандолатчилиқда миллий ширинликлар, қанд-курслар, таомлар, шароб, шифобахиши гиёҳлардан хузурбахш ичимликлар тайёрлаш, ишлатиладиган идиши-товоқлар ўзига хос миллий руҳда бўлишилигига эришиш керак.

3. Шаҳарлар оралигидаги масофани йўлнинг табиий-географик шароитига кўра қадимгидек от, эшак, хачир, туяларда ва пиёда босиб ўтишни, уларни ем-хашак билан таъминлашни режалашти-

риш, бундай наклиёт воситаларининг тезлигини хисобга олиб, маълум масофаларда сайёхларнинг ҳордик чиқаришларини таъминлаш учун маҳсус жиҳозланган бекатлар (авваллари сувсиз чўлларда сардобалар курилган) куриш лозим

4. Имкониятига қараб карvon йўллари мінтақасида жойлашган ноёб табиат ёдгорликларини таъмирлаш ва замонавий қилиб жиҳозлаш мақсадга мувофиқдир.

5. Сайёхларнинг эсадлик совғаларига ўчлигини назарда тутиб карvon йўли қисмлари ва шаҳарларга таалуқли бўлган тарихий-географик рисолалар, китоблар, очиқ хат, шартли тасвир-хариталар нашр қилиш, кулолчилик ва ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқарни, хотира белги ёки нишонлар тайёрлаш, кичик гиламча, сўзана ва бошқа турли хил матолардан ёдгорлик буюмлари тўкиш, тикиш ва ҳоказо ишларни амалга ошириш фойдадан холи эмас.

Юқоридаги амалга оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирлар ёрдамида мінтақамиздан ўтган Буюк Ипак йўли тармоқлари ва шаҳар, қалъа, қасрларнинг тарихий-географик “Шаҳодатнома”сини яратиш мумкин. Бунинг учун эса, энг аввало, Буюк Ипак йўлида турган савдо-ҳунармандчилик шаҳарлари тарихи ва бугунги кунини табиий ва иқтисодий география, этнография, тарих, археология, экология каби фанларнинг назарий ва методологик асосларига таяниб тадқик этиш, карvon йўлларининг ҳар иккала томонига туташган майдонларнинг табиий-экологик ва ўлкашунослика оид хариталарини тузиш, унга ноёб табиат ва инсонлар қўли билан бунёд этилган тарихий-археологик обида ва ёдгорликларни, туристик майба ва йўлларни тушириш лозим. Факат шунда биз аждодларимиздан қолган нодир ва ноёб мерос чашмаларини келажак авлодларга тортиқ этишдек ғоят ибратли ишни бажариб, ўтганларнинг руҳини шод этган бўламиш.

Ўрта асрларда мавжуд бўлган Хоразм савдо-сотик марказлари ва уларнинг яқин ҳамда узоқ ҳудудларда жойлашган мамлакатлар билан ўрнатган алоқалари мавзусини янги ҳужжатлар асосида ўрганиш ва тадқик қилиш давомида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар учун қўйидаги амалий тавсияларни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб хисоблардик:

1. Тарихий-географик тадқиқот ишларини ўлкамиз миқёсида яна-да жонлаштириш ва ягона дастур асосида узлуксиз олиб бориш зарур. Бунинг учун қадимги археологик обидалар орқали ўтган Бу-

юк Ипак йўлини ўрганиш жараёнида илмий экспедициялар аъзолари қадимги қўлёзма ва китоблар, топономик, археологик ашё ва далиллар, тошларга ўйиб ёзилган ёзув, чизма ва нақшлар, ҳозиргача етиб келган афсона, эртак, ривоят ва ҳоказолардан унумли фойдаланмоқлари керак. Шубҳасиз, бундай манбалардан олинган ишончили маълумотларни атрофлича таҳлил қилиш асосида янги умумлашмалар яратилади.

2. Ўлкамиз тарихи билан боғлик бўлган Искандар Зулкарнайн, Плано Карпини, Рубрук ва Марко Поло, Амир Темур, Беруний, Носир Хисрав, Муҳаммад Авфий, Бобур, Муҳаммад Ҳайдар ва Абдураззоқ Самарқандий, Чжан Цянъ каби саркарда, элчи, сайёх, олим, давлат арбоблари бўлган тарихий шахсларнинг юрган йўллари, фаолиятлари, асарлари чукур таҳлил қилиниб, йирик даврларни ажратиш ва уларга аниқлик киритиш, ўз даври воқеаларини объектив акс эттирган маҳсус тарихий-географик, элшунослик, ўлкашунослик хариталарини тузиш мақсадга мувофиқдир.

3. Ал-Хоразмий (IX аср, “География” асари), Жайхоний (IX аср, “Масофалар ва мамлакатлар китоби”), Балхий (IX аср, “Ер суратининг тасвири”), Ибн Ҳавкал (X аср, “Ер сурати” асари), номаълум муаллиф томонидан 983 йилда ёзилган “Худуд ул-олам” (“Оlam чегаралари”), ал-Беруний (X-XI аср, “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”), Истаҳрий (IX-X асрлар, “Мамлакатларга бориладиган йўллар ҳақида китоб”), Макдисий (X аср, “Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши кўлланма”), Аҳмад Ибн Фадлан (X аср, “Рисола” асари), Ёкут Ҳамавий (XII-XIII асрлар, “Мамлакатлар рўйхати”) каби кўплаб ватандошлишимиз ва араб-форс тарихчиларининг илмий меросидан ўлкашуносликка оид қимматли маълумотларни тўплаб, умумлашмалар, рисола, китоб, тарихий-географик хариталар яратиш фойдадан холи бўлмасди.

4. XX асрнинг 30–90-йилларида тарихчи ва этнограф олимлар томонидан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида олиб борилган кенг миқёсдаги археологик тадқиқотлар натижасида ўрта асрларда мавжуд бўлган савдо-ҳунармандчилик марказлари ва уларнинг ташки алоқалари тарихининг кўпгина муаммолари ўз ечимини топди. Шу билан бир қаторда, Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзолари рўйхатга олган ва бугунги кунгача чукур ўрганиш имконияти бўлмаган шаҳарлар, қалъалар ва искеҳомлардаги савдо-ҳунармандчилик марказлари қолдикларини

тадқик қилиш орқали тарихнинг янги сахифаларини ёритишга ҳаракат қилиш керак.

5. Хоразм савдо-сотик марказлари тарихи ва уларнинг жаҳон бозоридаги ўрни ҳамда ролини ўрта аср ва кейинги даврлар манбалари асосида ҳар томонлама ўрганиш борасида жуда катта ишлар қилинган бўлса-да, уларни етарли даражада деб бўлмайди. Навбатдаги тадқиқотлар жараёнида нафақат мамлакатимиз, балки хориж давлатлари архивлари ва кутубхоналари фондидаги маълумотларни танқидий таҳлил қилиш ҳамда янги нодир манбаларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўларди.

6. Хоразм савдогарларининг чет давлатлар билан узоқ йиллар давомида олиб борган иқтисодий муносабатлари тарихини объектив равишда ёритиш учун мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда яқин ва узоқ хориж давлатларнинг тегишли илмий муассасалари билан кенг миқёсдаги амалий ҳамкорликни йўлга кўйиш ишига хукумат арбоблари қўмаклашмоқлари даркор.

7. XXI аср – интеллектуал тадқиқотлар асири эканлигини тан олган ҳолда жиддий эътиборни Ўзбекистон ёшлари сафидан чукур билим, қобилият, тажрибага эга, ватанпарвар тарихчи, археолог, этнографларнинг янги авлодини тарбиялаб чиқаришга қаратмоқ керак. Ушбу долзарб муаммонинг ҳал қилиниши Хоразм тарихига оид илмий мавзуларнинг муваффақиятли тадқиқ этилиши учун гаров ҳисобланади.

8. Хоразм вилояти ва Қорақалпоқистон Республикасида фаолият кўрсатадиган археолог, тарихчи ва этнограф олимлар, ёш тадқиқотчилар орасидаги ҳамкорлик алоқалари ришталарини яна-да мустаҳкам боғлаш, уларнинг ечимини кутаётган муаммолар устида биргаликда изланишлар олиб боришлари учун зарур шароитларни яратмоқ керак.

Буюк Ипак йўли билан боғлиқ савдо-сотик алоқаларини тарихи ва сабоқларини чукур ўрганиш Ўзбекистон ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларга ўлжашунослик соҳасида пухта билим ва кўнимкалар беришда, ўсиб келаётган авлод қалбига она юртимиз табиатини севиш ва эъзозлаш меҳрини сингдиришда бағоят катта аҳамиятга эга. Дунё ҳамжамиятига дадил қадам билан кирган мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва сиёсатнинг кўпгина чигал муаммоларини қадимдан узлуксиз ишлаб турган ҳамда Farb билан Шарқни боғлаган Буюк Ипак йўлини қайта

тиклаш эвазига ҳал қилишга катта умид боғламоқда. Ушбу мураккаб ишни нафақат автомагистрал ва темир йўллар куриш билан, балки тарихий маълумотларни чукур ўрганиш ва ўтмиш сабоқларини эсда турган ҳолда инсонлар онги ва тафаккурига таъсир қилиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Буюк Ипак йўли тарихини ўрганиш ва тарғиб қилиш жараёнида Хоразм савдо-хунармандчилик марказлари тарихини чукур ўрганиш зарурати анча йиллардан буён етилган долзарб илмий муаммо ҳисобланади. Бу ишни вактида ва ҳалол ҳал қилиш бизнинг ота-боболаримиз хотираси олдидағи ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиздир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси истиклолга эришиб, чинакам демократия сари илк қадамлар қўяётган, ғоявий ақидалардан ҳоли бўлиб жаҳон ҳалқларига ҳамкорлик эшикларини очаётган бир даврда, барча фуқароларда, айниқса, ёш авлодда ўз Ватани, унинг ўтмиши, бугуни, келажаги ҳақида объектив ва соғлом тасаввур ҳосил қилишга эришмоқ керак. Ҳолбуки, Ватани тарихини биладиган ва ҳурмат қиласиган кишигина унинг чинакам фуқароси бўла олади. Мазкур ҳақиқатни англаган ҳолда, хукуматимиз илмомаърифат асосида тарихни холис ўрганишга, маънавият ва миљий қадриятларимизни бойитишга жиддий эътибор бериб келмоқда. Зеро, ўтмиш сабоқларини ҳисобга олмасдан, буюк давлат, обод ва фаровон ҳаёт, бахтли келажакни куриб бўлмайди.

ҚИСҚАРТМАЛАР РҮЙХАТИ

АН – Архитектурное наследия.
АО – Археологические открытия.
ВДИ – Вестник древней истории.
ВИ – журнал «Вопросы истории».
«Вестник» ККФ АН УзССР – Вестник Каракалпакского филиала Академии наук УзССР).
«Вестник» ККО АН РУз. — Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан.
ГРВЛ – Главная редакция восточной литературы.
ЗВОРАО – Записки Восточного Отдела Российской Археологического общества.
ЗНУ – Записки Новороссийского Университета.
ЗКВ – Записки Коллегии Востоковедов.
ЗРГО – Записки Русского географического общества.
ИГАИМК – Известия Государственной Академии истории материальной культуры.
ИМКУ – Известия материальной культуры Узбекистана.
КД – Каракумские древности.
КСИА – Краткие сообщения института археологии.
КСИИМК – Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института истории материальной культуры.
КСИЭ – Краткие сообщения Института этнографии.
МИА – Материалы и исследования по археологии СССР.
МИТТ – Материалы по истории туркмен и Туркмении.
МИУТТ – Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР.
МХЭ – Материалы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции.
НАА – журнал «Народы Азии и Африки».
НС – Нумизматический сборник.
НЭ – Нумизматика и эпиграфика.
НТК – Научно-теоретические конференции
ОНУ – журнал «Общественные науки в Узбекистане».
ПТ – Памятники Туркменистана.
СА – Советская археология.
СВ – журнал «Советское востоковедение».

СНВ – Страны и народы Востока.
СЭ – журнал «Советская этнография».
ТГЭ – Труды Государственного Эрмитажа.
ТДПИА – Тезисы докладов пленумов Института археологии АН СССР.
ТХАЭЭ – Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции.
ТЮТАКЭ – Труды Южно-Туркменской археологической-комплексной экспедиции.
ЭВ – Эпиграфика Востока.
ВАПАА – Bulletin of American Institute for Iranian Art and Archaeology.
BGA – Biblioteca Geographorum Arabicorum.

Кудрат Машарипов

**“ХОРАЗМНИНГ ЎРТА ШАРҚ ВА ЕВРОПА
ДАВЛАТЛАРИ САВДО МАРКАЗЛАРИ
БИЛАН ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРИ
(X–XV АСРЛАР)”**
Монография

Muharrir: Yo'ldoshev Ro'zimboy

Texnik muharrir: Sherali Yo'ldoshev

Musahhihlar: Tamara Turumova

Oybek Qalandarov

UrDU noshirlik bo'limi O'zbekiston matbuot va axborot agentligining 2009-yil 19-avgustdagи №148 raqamli buyrug'i bilan qayta ro'yxatdan o'tkazilgan.

Terishga berildi: 20.10.2016

Bosishga ruxsat etildi: 29.10.2016

Ofset qog'ozzi. Qog'oz bichimi 60x84 $\frac{1}{16}$.

Tayms garniturasasi. Adadi 50. Buyurtma № 48.

Hisob-nashriyot tabag'i 6,9.

Shartli bosma tabag'i 6,4.

UrDU noshirlik bo'limida tayyorlandi.

Manzil: 220110. Urganch shahri,

H. Olimjon ko'chasi, 14-uy.

Telefon: (0-362)-224-66-01.

UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri,

H. Olimjon ko'chasi, 14-uy.

Telefon: (0-362)-224-66-01.